



GULISTAN
ГУЛИСТОН
1
1993



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
XI сессиясида қабул қилинган)

Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи

Серқуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машғали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Moderato, Tempo di marcia.

Сер-қу-ёш, хур ўл-кам, эл-
Кенг йў-лдош, бах-т-на-жот,
Мил-ла-мил, ме-ҳри-бон,
Сен ў-зинг дў-ст-лар-га
Эр-кин, ёш ав-ло-д-лар

йў-л-дош, ме-ҳри-бон,
Сен-га зўр қан-от!
ме-ҳри-бон!!
Эл-на-
Истиқ-лол

-Сай то абад ил — Шухратинг токи бор жаҳон,
-Милла-мил, ме-ҳри-бон, — Шухратинг токи бор жаҳон,
Эр-кин, ёш ав-ло-д-лар — Эр-кин, ёш ав-ло-д-лар

—Сен то-ки бор жаҳон!
Юрт, мангу бўл обод!
Ол — тин бу

Во-дий-лар жон Ўз-бек-и-стон,
Аждод-лар мар-до-на ру-ҳи сен-га ёр,
Улу-ғ хал-қ қуд-ра-ти жўш ур-ган за-мон,
Ола-мни ма-ҳ-ли-ё ай-ла-ган ди-ёр!

-лар Шаро-на ру-ҳи сен-га ёр,
Улу-ғ

Улуғ қудрати жўш урган замон, Одамни маҳлиё айла-
диёр!

-ган ди-ёр! Бағри кенг ди-ёр!!

№ 1 (515)

**Далв
(Январ)
1993**

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
ҳамда «Гулистон» жамоаси.

НОШИР:
Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Бош муҳаррир ўринбосари:
Оқилжон ҲУСАН,
Абдусайд НУРБОЕВ
(масъул котиб),
Абдураззоқ КАРИМ,
Мирвосил ОДИЛОВ
(бош мусаввир),
Машраб НУРИНБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Испом ШОҒУЛОМОВ,
ШУКРУЛЛО,
Азиз ҚАЮМОВ,
Раҳим АҲМЕДОВ,
Ҳамид ЗИЁЕВ,
Дилфуза ҒУЛОМОВА,
Жамол КАМОЛ,
Сабоҳат АЗИМЖОНОВА,
Абдусайд КҲАЧИМОВ,
Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент — П, 700000,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Тахририят телефонлари: бош муҳар-
рир — 33-35-20; бош муҳаррир ўрин-
босари 33-35-90; масъул котиб ва
умумий бўлим — 33-36-02; безатиш
бўлими ва мусаҳҳих — 33-36-58.

С «Гулистон» 1, 1993

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНИ
УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ
ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинсин.

8 декабрь дам олиш куни ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

БУ СОНДА:

М. РАСУЛОВ:

Партиямиз Марказий Кенгашида хотин-қизлар ва фахрийларнинг вакиллари, таниқли адиллар, етакчи жамиятшунос олимлар, халқ маорифи ходимлари билан ўтказилган учрашувлар ҳам ўз моҳияти жиҳатидан қимматлидир.



Н. РАШИДОВА:

Ҳарир оқ пардани тортқилаб, ўйнаб,
Шўхлигини қўймайди шаббода қурғур.
Иссиқ яноқларга аста қўйиб лаб,
Қизни тонг уйғотар, бахш айлаб сурур.



Исоқ УКТАМ:

Қора сочларини икки ўрам қилиб орқасига ташлаган, қадди-қомати келишган дилбар қиёфасига Мансур тикилганича бир нафас маҳлиё бўлиб қолди. У шу топда мени ноҳақ ҳақоратлагани учун уз сўрашни ҳам ўйламасди.



КОМИЛОВЛАР СУЛОЛАСИ

Профессор Муҳаммаджон Комилов рафиқаси Матлуба Маждидова билан мактабда ҳам, кейинчалик табобат олийгоҳида ҳам бирга таҳсил олишган. Фидойи аёл, меҳрибон она Матлуба ая фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш ниятида ва Муҳаммаджон аканинг илмий фаолиятига кўмак бериш учун бутунлай рўзғорга қайтишга қарор қилди. У кишининг бу қатъий қарорида эзгу мақсад мужжасам эди. Шу туйғули ота-бола профессорлар — Муҳаммаджон ва Холидjon Комиловлар мукамал илмий салоҳиятини камолга етказдилар. Рўзғордаги онанинг, аёлнинг меҳри, тadbиркорлиги, куйинчаклиги профессор Комиловларни ўзга ишларга чалғитмасдан илм олишга, ишлашга ундади. Оиладаги иккинчи фарзанд Гулжамила ҳам отасининг изидан бориб иқтидорли жарроҳ, халқ севган шифокор бўлиб етишди. Оилада тинчлик, хотиржамлик муҳитини яратиб бергани туйғули ҳам шифокорлар сулоласи Матлуба аяни эъзозлашади, ҳурмат қилишади. Мен профессор Холидjon Комилов билан суҳбатлашганимда онаси тўғрисида чуқур меҳр билан, миннатдор бўлиб гапирдилар.

Дарвоқе, машҳур кўз шифокори, йирик олим Муҳаммаджон Комилов айна пайтда кексалик гаштини сураётир. Бор билими, маҳоратини кўз касалликларини даволашга сарфлаган, кўплаб мураккаб жарроҳлик операцияларини бажарган, меҳри дарё олимнинг ишларини у кишининг шогирдлари, фарзандлари давом этказмоқдалар.

Шу сулоланинг иқтидорли давомчиси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедрасининг мудирини, тиббиёт фанлари доктори профессор Холидjon Комиловдир.

Холидjon 1962 йил Тошкент шаҳридаги 41-мактабни олтин медал билан тугатиб, Тошкент тиббиёт институтига ўқишга киради. Ўқишни тугатгач, Республика кўз касалликлари шифохонасида врач ординатор бўлиб ишлайди. 1972 йилда тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олади. 1984 йилда эса, «Кўрув аъзолари касалликларини аниқлаш ва даволашда кибернетика ва математика усулларини қўллаш бўйича» докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу даврда бир неча йил кибернетика илмий текшириш институтида шифокорлик қилди. Жарроҳлик йўли билан даволашни давом этказди. Кибернетика ва математика бўйича илмий тадқиқотлар яратди.

1957 йилдан 1988 йилгача кўз касалликлари кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаган Муҳаммаджон Комиловнинг ўрнига ўғли Холидjon Комилов мудир этиб тайинланди.

— Бу орада бошимизга кўплаб маломатлар ҳам ёғдиришди,— дейди Холидjon ака.—

Олимлар сулоласи ҳақида имзосиз хатлар уюштиришгача борганлар бўлди. Гўёки биз бутун оиламиз билан кўз касалликлари шифохонасини эгаллаб олганмишмиз. Ҳар ҳолда у кунлар ҳам ўтиб кетди. Ишнинг кўзини билиб, касалликларни даволайдиган ота-болалар, ака-укалар бир хил соҳани эгаллаб, донг чиқарса нимаси ёмон ахир. Бундан фақатгина халқимиз фойда кўради-ку.

Ҳа, домла ҳақ гапни айтдилар. Бугунги кунда биз ўзимизнинг дунёга таниқли кўз жарроҳи Фёдоров даражасидаги ўз шифокорларимизга эгамиз.

Ҳар бир олим, яхши устоз илм йўлида кўплаб шогирдлар тайёрлаб чиқиши шубҳасиз. Холидjon аканинг ҳам шу кунга қадар тўртта шогирди фан номзоди бўлди. У киши тиббиёт соҳасига бағишланган иккита йирик монография, саксондан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифи. Қўли енгил жарроҳ сифатида кўпгина беморларнинг кўзига оламини чароғон этган. Бир талай мактубларни ўқиб чиқдик. Ёшлару кексалар, онахону отахонларнинг қалб миннатдорчилиги битилган бу сатрларда. Касбу корини улуғлаган инсонга мана шу дуоларнинг ўзи олий мукофот эмасми!

Холидjon аканинг Дурдона деган ширингина қизчаси бор. Турмуш ўртоғи Дилоромхон янга билан тотув ва иноқ яшайдилар.

Мана шу сулоланинг давомчиларидан бири Гулжамила опанинг умр йўли ҳам ибратли. У киши ҳам профессор ота ва аканинг йўлини тутиб, илмий ишлари юксалмоқда. Мана йигирма йилдирки, олима она Республика кўз касалликлари шифохонасида жарроҳлик қилади.

Халқимизда «Ҳизр назар қилган» деган бир ибора бор. Муҳаммаджон Комиловлар оиласига ҳам Ҳизр назар қилган. Чунки Гулжамила опани ҳам бирга ишлайдиган касбдошлари қўли енгил жарроҳ сифатида таъриф қилишади. Ўзи билан узоқ суҳбатлашолмадик. У киши операцияга шошилаётган эканлар. Қарангки, опанинг ҳам икки фарзанди — қизи Гавҳар Тошкент тиббиёт олийгоҳининг иккинчи босқич, ўғли Ойбек эса, биринчи босқич талабаси эканлар.

Хайрли касб эгалари, шифокорлар сулоласи ҳақида, профессор Комиловлар оиласи ҳақида жуда кўплаб мақолалар ёзилган. Китоблар чиққан. Биз ҳам ойномамиз саҳифаларида элимизнинг ардоқли фарзандлари, ажойиб шифокорларимиз ҳаёт йўли, ибратли ишлари ҳақида қисқа бўлсада ҳикоя қилдик. Ойноманинг рангли саҳифаларидан уларга жой ажратдик.

Абдусайд ҚУРОЛБой
ўғли

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгашининг биринчи котиби
Маҳмуджон Расуловнинг «Гулистон»
ойномасининг маҳсус муҳбири билан суҳбати

Муҳбир: Халқ демократик партиясининг йўли Ўзбекистонда ташкил топаётган бошқа партиялар йўлига нисбатан адолатли ва раволиги сир эмас. ХДПнинг ҳозирги фаолияти ва келгуси режалари, хусусан, маънавият соҳасидаги ишлари тўғрисида муштарийларимизга гапириб берсангиз.

Маҳмуджон Расулов: Партиямиз ҳақида республикамиз аҳлининг сеvimли ойномаси саҳифаларида сўзлаб беришга имконият яратиб берганлиги учун таҳририятдан миннатдорман. Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақил республикамизда тузилган тўнғич сиёсий партиядир. Лекин, у ҳам, ҳур республикамиздек, ҳали жуда ёш.

Бироқ, шу қисқа муддат ичида ХДП ўз дастури, замонавий сиёсати ва халқ манфаатларини кўзлаган ишлари билан кенг танилди. Партия ташкилотлари биринчи республика Президенти умумхалқ сайловларида ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига бағишланган референдумда фаол қатнашиб, дастлабки сиёсий таъриба орттирдилар.

Ўзбекистон ХДП давлат ва хўжалик ишларига аралашмайди, балки сиёсий воситалар ёрдамида, бошқарув тузилмаларидаги ўз аъзолари орқали уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан олганда, республика Президенти ва ҳукумати, маҳаллий ҳокимият идоралари партиямизнинг дастурий ғояларини рўйбга чиқармоқдалар. Айтиш мумкинки, ронажон Ватанимизнинг истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида партиямиз Раиси, Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги раҳбариятимиз қилаётган саъий ҳаракатларда, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берувчи ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда унинг салмоқли ҳиссаси бор, деб ўйлайман.

Биз Ўзбекистон Президентининг жўшқин, серқирра фаолиятига дахлдорлигимиздан фахрланамиз ва шу билан бирга бу нарса бизнинг зиммамизга катта масъулият юклаганини тушунган ҳолда ҳукуватимизнинг қарорларини ҳаётга татбиқ этишга баҳоли қудрат кўмалашмоқдамиз.

Ўзбекистонда ХДП сиёсий ташкилот сифатида аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга, хусусан, маънавият масалаларига жиддий эътибор бермоқда. Чунончи, партиямиз ташкилотлари И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўзи истиқлоли ва тараққиёт йўли» номли рисоласида баён этилган қоида ва ғояларни кенг омма ўртасида тарғиб этишда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама этишда фаол иштирок этмоқдалар. «Ўзбекистон овози» газетаси ва унинг иловаси «Голос Узбекистана» ҳафталиги, партиянинг бошқа матбуот нашрлари бу масалада ибратли ишлар қилмоқдалар.

Партиямиз Марказий Кенгашида хотин-қизлар ва фахрийларнинг вакиллари, таниқли адиблар, етакчи жамиятшунос олимлар, халқ маорифи ходимлари билан ўтказилган учрашувлар ҳам ўз моҳияти жиҳатидан қимматлидир. Ижодий зиёлилар билан бўлган суҳбатларимиз уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларимизда давом этган халқ билан мулоқотларига айланганидан бизнинг ўзимиз ҳам, ардоқли ёзувчи ва адибларимиз ҳам, қолаверса, меҳнаткашлар ҳам жуда хурсанд.

Чунки, ҳозирги кунда маънавий озуқага илҳақ бўлиб турган халқимизга илгарилардагидек, қуруқ ваъдалар, жарангли шиорлар, олдиқочди гаплар эмас, балки олиму фозилларнинг дилкаш сўзлари, турмуш тўғрисидаги ҳақиқат, қийинчиликдан чиқиш учун холисона маслаҳатлар зарурдир. Шунинг учун бундай хайрли



нинг обрў-этиборига сазовор бўлган ўнлаб, юзлаб бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларини тилга олишим мумкин. Биз уларнинг самарали ишларини ўрганиб, тажрибаларини матбуот орқали оммалаштираяпмиз. Улар ҳақида қанча яхши гапирсангиз ҳам озлик қилади. Шунинг билан бирга ҳозиргача ўзини кўрсата олмаётган, сафлари яхши ўсмаётган, етарли обрўга эга бўлмаган ташкилотлар ҳам бор. Биз улар билан иш олиб бораяпмиз.

Мухбир: Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталсангиз. Президентимиз ва ҳукуватимиз олиб бораётган ишларда унинг ҳиссаси қандай бўлаяпти?

М. Расулов: Таъсис съездида қабул этилиб, матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон ХДП дастурида унинг асосий мақсад ва вазифалари баён этилган. Миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга эришиш бизнинг олий мақсадимиздир. Партиямиз эркин нафас олишга муяссар бўлган жафокаш халқимизнинг республикамизни гуллаб-яшнатиш, фаровон турмуш қуриш, адолатли жамиятни вужудга келтириш, Ўзбекистонни жаҳонга танитиш каби барча ижодкорлик ишларига ҳамдам ва елкадошдир. Бизнинг халққа хизмат қилишдан ўзга мақсадимиз йўқ.

моқда. ХДПнинг бу борада амалга оширилаётган ишлари ва режалари бордир. Улар нима-лардан иборат?

М. Расулов: Ўзбекистон ХДП Дастурида айтилганидек, биз бозор муносабатларига ўтиш зарурлигини тушунган ҳолда уни республикамизнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, аста-секинлик билан амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини таъминлаш тарафдоримиз. Партиямиз ташкилотлари республика раҳбариятининг амалий ишларини қўллаб-қувватлаш ва халққа уларнинг моҳиятини тушунтириш билан бирга ўзлари ҳам баҳол қудрат аҳолига ёрдам уюштирмақдалар. Кўпчилик партия ташкилотлари ибратли ишларни қилмоқдалар. Масалан, партиямизнинг Сирдарё вилоятидаги шаҳар ва район кенгашлари меҳр-шафқат икки ойлигини ўтказиб, бир миллион сўмдан зиёдрок пул йиғдилар. Тўпланган маблағдан юзлаб оилага молиявий ёрдам кўрсатилди, муҳтожлар, ногирон ва беморлар озиқ-овқат, кийим-кечак билан сийланди, болалар уйлари, мактаб-интернатлар, касалхоналарга асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиб берилди, кимсасиз қолган қарияларнинг уй ёки квартиралари таъмирланди. Бундай хайрли ишлар бошқа вилоятларда ҳам қилинаёпти ва, албатта, бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Мухбир: Мустақиллигимиз улғайиб, мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонда миллий ҳуқуқли давлатчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга муносабатингизни билмоқчи эдик?

М. Расулов: Қадимий давлатчилигимиз анъаналари ва маърифатли мамлакатлар тажрибасига таяниб, ўзимизнинг янги давлатимизни барпо этиш мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Бунда гап фақатгина давлат тузилмаларини ва бошқарув тизимини шакллантириш ҳақида эмас, балки барча идоралар, муассасалар, корхоналар ва фуқароларнинг тўқис фаолияти учун зарур бўлган қонунларни яратиш тўғрисида ҳам боради. Халқ манфаатларига тўла жавоб берувчи инсонпарварлик руҳи билан суғорилган қонунлар қатъий амал қилувчи давлатнигина демократик давлат деса бўлади.

Партиямиз Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлари бўлган ўз аъзолари орқали қонунлар тизимини янгилашда фаол қатнашмоқда. Биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Марказий Кенгаш қошида тузилган махсус ишчи гуруҳи партиямиз аъзолари ва ташкилотлари йўллаган таклифларни таҳлил этиб, Олий Кенгашнинг комиссиясига юбориб турибди.

Қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жуда муҳим иш, лекин уларни амалга оширишга эришиш ундан ҳам муҳимдир. Бунинг учун нафақат давлат идоралари, ҳокимият тизими, балки ҳар бир фуқаро қонунларга тўла риоя қилиши шарт. Ана шундагина ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш мумкин.

Мухбир: Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва бу ишда ХДП олиб бораётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

М. Расулов: Мазкур қонунни бажариш учун партиямизнинг барча бўғинларида маълум ишлар амалга оширилди. Иш юритиш, қарорлар, йўриқномалар, бошқа барча ҳужжатлар ўзбекчаланштирилди. Партия кенгашларининг пленумлари, ижроия қўмити ва бюроларнинг мажлислари турли анжуман ва семинарлар ўзбек тилида олиб борилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон ХДП сафларида 73 миллат вакиллари борлиги, уларнинг ҳаммаси ҳам давлат тилини ҳозирча яхши ўзлаштириб ололмаганликлари учун биз айрим ҳужжатларнинг русча таржимасини беришга мажбурмиз.

Келажақда бу муаммо охиригача ечилади, деб ишонаман, чунки ҳозирнинг ўзида жуда кўп рус забонли ўртоқлар ўзбек тилида гапирадиган ёки ўзбекчани тушунадиган бўлиб қолдилар. Энг асосийси, улар тил ҳақидаги шу муҳим тадбирнинг зарурлигини тушунмоқдалар.

Маҳмуджон Расулов:

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСМИЗ

ишларни партиямиз бундан кейин ҳам давом эттиради.

Мухбир: Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХДП сафларида қанча аъзо бор? Маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти тўғрисида нималар дейишингиз мумкин?

М. Расулов: Ўтган бир йил партиямиз учун том маънода ташкилий давр бўлди. Партия аъзолигига қабул этиш, бошланғич партия ташкилотларини тузиш, партиянинг тузилмаларини шакллантириш, сайлаб қўйилган органларининг аъзоларини ҳамда аппарат ходимларини ўқитишни йўлга қўйиш, партия ҳужжатларини, шу жумладан, аъзолик билетларини тайёрлаш каби кўп муҳим ишлар ўтган қисқа вақт ичида бажарилди. Шу йил август ойидан бошлаб Ўзбекистон ХДП аъзолик билетларини топшира бошладик. Шу кунгача 220 минг нафар фирқа аъзоси ушбу муҳим ҳужжатларни олди. Бу тезда бажариладиган иш эмас, чунки партиямиз сафларида 360 мингдан зиёд аъзо бор. Иккинчидан, биз бу масалага расмийлик билан ёндашмасдан ХДП сафларини мустаҳкамлаш, партиявий раҳбар органларининг партия аъзолари билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ундан фойдаланишни кўзлаяпмиз.

Ташкилий ишлар устивор вазифа бўлиб турган вазиятда фаолиятнинг бошқа соҳаларига камроқ эътибор берилиши табиийдир. Шунга қарамай, ташкилий ишларни оммавий-сиёсий ва бошқа ишлар билан уйғун тарзда олиб бораётган ташкилотлар бизда оз эмас. Масалан, Жиззах ва Сирдарё вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳар, Сурхондарё вилоятининг Музробод ва Қизилқоғаш қашқадарё вилоятининг Қасби, Наманган вилоят Учқўрғон ва Чортоқ, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл ва Қораўзақ, Тошкент вилоятининг Бекобод туман ташкилотлари шулар жумласидандир. Мен ташкилий жиҳатдан оёққа туриб, ўзининг халққа манзур фойдали ишлари билан кўпчилик-


Ҳозирги кундаги асосий вазифаларимиз эса, мавжуд вазият ва вақт талабларидан келиб чиқади. Вазият эса анча мураккаб. Мисли кўрилмаган иқтисодий танглик, қаҳатчилик, қимматчилик, пулнинг қадрсизланиши, аҳоли турмушининг ёмонлашишидан кўз юмиб бўлмайдим. Булар собиқ Иттифоқдан қолган мерос ҳамда олдинги хўжалик алоқаларининг барбод бўлганлиги, қўшни мустақил давлатларда рўй бераётган иқтисодий бўҳроннинг бизга таъсири оқибатларидир.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлат тузилмаларини яратиб, мамлакатимизни қийин иқтисодий аҳволдан чиқариб олиш, бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитида халқимизни, айниқса, унинг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, миллий маънавиятимизни тиклаш, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, элимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва ҳамжиҳатликни асраш, Шарқу Фарб давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишдек жуда долзарб вазифалар ҳозирги кунда республикамиз олдида турган экан, партиямиз уларни амалга оширишда фаол иштирок этишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Бунда партиямиз, мен юқорида айтганимдек, ХДП аъзолари бўлган халқ депутатлари, давлат идораларининг ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар орқали ўзининг сиёсатини ўтказишга ҳаракат қилади. Партиямиз олдида ташкилий даврни яхши натижалар билан якунлаш, ўз сафларини мустаҳкамлаш, барча ташкилотларининг фаоллигини, ҳар бир ХДП аъзосининг ташаббускорлигини, ишчанлигини таъминлашдек ўзига хос долзарб вазифалар ҳам турибди. Биз тўпланган тажрибага таяниб ва йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулосалар чиқариб, ушбу вазифаларни бажаришга барча куч ва имкониятларимизни қаратмоқдамиз. Натижаси яхши бўлади, деб ўйлайман.

Мухбир: Республикамизда иқтисодий таъассулдан тезроқ қутилиш чоралари кўрил-

Суҳбатдош А. НУРБОЕВ



Истиқболга чорловчи даъват

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунё минбарига чиқди. Кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эга бўлди. Лекин ҳали истиқлолни кўлга киритган жумҳуриятимиз учун истиқболнинг қийин ва мураккаб йўли турибди. Аммо ўтган қисқа фурсат ичида маълум ижобий ютуқларни кўлга киритганлигимизни ҳам эътироф этишимиз керак. Жумҳуриятимизда кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилиб, жамиятни тубдан янгилаш йўлига ўтилаётди. Жумҳуриятда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланди. Ўзбекистон ўзига хос бўлган ривожланиш йўлини танлаб олмоқда. Шу ўринда ўтган йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китоби аввало бизга истиқлолнинг моҳиятини англашга, ватанпарвар бўлишга, порлоқ келажак учун бирлашишга, аҳиллик ва тинчликка чорлайди. Рисола беш бобдан иборат бўлиб, муаллиф республикамиз ички ва ташқи сиёсат йўллари кўрсатиш билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда тутадиган ўрни тўғрисида кенг фикр юритади. Маълумки, ҳар бир давлатнинг халқаро нуфузига эга бўлиши, иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши давлатнинг бошқарув тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қай даражада таъминлаб беришига боғлиқ.

Ислом Каримов ўз рисоласининг биринчи бобида шу масалага алоҳида тўхталиб, республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш—бош вазифа эканлигини таъкидлайди.

«Ўзбекистон—келажаги буюк давлат. Бу—мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир», деган ушбу китобдаги сатрларни ўқиганимизда, беихтиёр ўзбек давлатининг порлоқ келажagini тасаввур қилгандай бўламиз. Албатта эзгу умид ушалиши учун кўп нарса халқимизга боғлиқ эканлиги, собитқадамлик, фидокорлик, меҳнатсеварлик билангина давлатимиз ва халқимизнинг равнақ топишини таъминлашимиз мумкинлигини англаб етамиз.

Ҳозир Тошкентдаги кўпгина муҳташам бинолар пештоқида жаҳоннинг турли давлатларининг байроқлари ҳилпираб турганига кўзимиз тушади. Кундан-кунга хорижий давлатларнинг элчихоналари Ўзбекистонда кўпайиб бораётди. Бу республикамизда давлатлараро алоқаларнинг таркиби топаётганидан далолат. Собиқ СССРдан ажралиб чиққан бир қанча мустақил давлатларга нисбатан жумҳуриятимиздаги осойишталик, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташқи сиёсатда олиб бораётган тўғри йўли Ўзбекистонни жаҳонга тез танитди. Эллиқдан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Жаҳон ҳамжамиятига киришнинг йўллари ишлаб чиқилди.

«Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустақамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзида эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади», деб ёзади Ислом Каримов рисоланинг республиканинг ташқи сиёсати ҳақида сўз юритилган бобида.

Биз яқин муддат ичида Ўзбекистоннинг ўзга давлатлар билан алоқалари кенг кўламда самарали ривожланиб боришига ишонамиз. Чунки юртимиз жаҳон цивилизациясига ўз вақтида муносиб улуш қўшган, дунёга улуғ даҳоларни етказиб берган. Қолаверса, ўлкамиздаги мавжуд ер ости ва ер усти бойликлари ташқи савдо алоқаларини мумкин даражада кафолатлайди.

Албатта ташқи алоқаларни ривожлантириш бир қанча ички ижтимоий-иқтисодий муаммоларимизни ҳал қилишимизга кўмак беради. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликлар — маҳсулот етишмаслиги, хўжалик бошқарувидаги тажрибасизлик, техник воситаларнинг камлигини ташқи алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантириш билангина ҳал қилиш мумкин.

Лекин бундан биз четга қарам бўлиб қолибмиз, деган маъно келиб чиқмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ўз китобида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қуришнинг барча жабҳаларини аниқ тасвирлаб берган. Ўзбекистоннинг ўзига хос шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб, ривожланишнинг ҳозирги босқичи—бозор иқтисодиётини амалда манфаатдорлик келтиришини далил, исботлар билан кўрсатиб беради. Рисолада «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу—давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги кадрятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир», деган жумлаларни ўқиш мумкин.

Тарих тақозоси билан кўлга киритилган истиқлол аввало бизга маънавий баркамолликка эришишимизнинг ёрқин уфқларини очиб берди. Унутилган кадрятларимизга қайтадан жон бахшида қилди. Халқимизнинг кўп асрлик тарихга эга бўлган маънавий меросини тиклашимизга имкон яратди. Халқимизнинг ўзбекона миллий фазилатлари қадрини топаётди. Жамиятимизда маънавий янгиланиш бўлмоқда. Чунки аввало маънавият—инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қувватидир.

Рисоладаги мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида сўз юритилган сўнгги бобида муаллифнинг пухта ва мушоҳада билан айрилган фикрларига қўшилмасдан иложимиз йўқ. Чунки Президент Ислом Каримов халқимизни эзгуликка, адолат, тенглик ва инсонпарварликка даъват этади. Халқнинг маънавий руҳини мустақамлаш ва ривожлантириш—Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси эканлиги қатъий таъкидланади.

Улуғ келажак—олдинда. Биз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини ўқиб, яна бир бор Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига ишонч туйғусини ҳис қиламиз. Чунки Ўзбекистондаги осойишталик, халқ хўжалиги соҳасида қийинчилик билан бўлса-да, эришилаётган ижобий ютуқлар, жумҳуриятимизнинг жаҳонда ортираётган обрў-эътибори кўп жиҳатдан шу китоб муаллифи, Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир.


Абдураззоқ БОТИР ҲҒЛИ

Бухорои Шариф мусулмон шарқининг энг муқаддас, бобокалон шаҳарларидан биридир. У жуғрофий ўрни жиҳатидан Зарафшон дарёсининг қуйилиш қисмида, Урта Осиёнинг деярли марказида жойлашган. Шу боисдан бу шаҳар Шарқ ва Ғарб маданият марказларини бирлаштириб турувчи Буюк ипак йўлининг тугунларидан бири бўлган. Қадимда Хитой, Ҳиндистон, Эрон қарвонлари Хоразм, Кавказ орти, Қора денгиз, Оврупо ва Урусияга бормоқчи бўлсалар, албатта Бухорои шариф орқали ўтиб қайтганлар. Шу жиҳатдан ҳам бу шаҳар Буюк ипак йўли устида вужудга келган қадимги маданият марказларидан бири бўлиб қолган. Бухоронинг ёши тўғрисида тўлиқ маълумотлар йўқ. Лекин Бухоро билан боғлиқ бўлган афсоналар ва машҳур шахслар—Рудакий, Фирдавсий ҳамда Наршахийларнинг бизгача етиб келган асарларида айтилишича, шаҳарнинг ёши 3000—3500 йилга тўғри келади.

Тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг (899—960) 943 йилда ёзган «Бухоро тарихи» китобида шаҳар ҳокимлари турадиган Арқнинг қурилишини Эроннинг афсонавий шаҳзодаси Сиёвуш номи билан боғлайди: унинг тасвирлашича, Сиёвуш ўз отаси Кайковуснинг ҳузуридан қочиб, Жайхун дарёсидан кечиб ўтади ва Афросиёб ҳузурига келади. Афросиёб уни яхши қабул қилади ва ўз қизини унга хотинликка бериб, барча мулкни ҳам унга топширади. Кейинроқ душманлар Афросиёб билан Сиёвуш ўртасига низо соладилар. Хуллас, Афросиёб куёвини ўлдиртиради ва

унинг жасадини Арқнинг Шарқий дарвозаси остонасига қўмдиради. Шундан сўнг бу дарвоза «Гўриён дарвозаси» деб юритилади. (Аммо минг афсуслар бўлсинки Арқнинг Шарқий дарвозаси, яъни «Гўриён» 1920 йилги Фрунзе бомбардимонидан сўнг бузилиб кетган ва ҳамон таъмирланган эмас). Наршахий давом этиб яна: «Бу воқеаларнинг бўлганига уч минг йилдан ошиқроқ вақт ўтди», деб таъкидлайди. Агар биз Наршахийнинг яшаган вақтини ҳисобга олиб бу санага яна 1000 йил қўшсак, Бухоро ҳокимлари саройининг қурилганига 4000 йил бўлганини билиб оламиз.

БУЮК ИПАК



Бухоронинг қадимийлигини кўз-кўз қилиб турган ёдгорликлар унинг бизгача етиб келган тарихий обидалари бўлиб, улар асосан Шарқ уйғониш даврида, яъни VIII—XII асрларда бунёд этилган. Шундай обидалардан бири Минораи Калондир. ЮНЭСКО қарамоғидаги бу меъморий ёдгорлик Масжиди Калон ва Амир Олимхон мадрасалари билан яхлит қўшилиб кетган бўлиб, Пойи Калон (яъни Минораи Калон этаги) ансамбли деб юритилади. Бу ансамбль жойлашган ер аслида тарихий жой бўлиб, Бухоро Аркидан (V—IX асрлар) сал жануброқда 713 йили шаҳарнинг бош Жоме масчити қурилган, аммо турли уруш ва ёнғинларда у бутунлай вайрон бўлган. 1121 йили Қорахонийлар сулоласидан Арслонхон Жоме масчитини қайта тиклаб, унинг бош пештоқи ёнида 1127 йили улғувор минора қурдирган, лекин 1220 йили Чингизхон қўшинлари Бухорони босиб олгач, Жоме масчити ёниб кул бўлган. Минораи Калон эса ажралиб қолиб шу хунрезликларнинг гувоҳи сифатида бизгача етиб келган...

Минораи Калон шаҳарнинг ҳамма жойидан кўриниб турадиган ғоят улкан тик устундир. Минорадан ҳар хил даврда турли мақсадларда фойдаланилган. Аслида «Минора» сўзи арабча сўз бўлиб бирор нарса ёқиб қўйиладиган жой демакдир. Шунга кўра, айтиш мумкинки, Бухоро қадимги Ипак йўли устида жойлашганлиги сабабли тунда карвонлар адашиб кетишининг олдини олиш мақсадида миноранинг энг юқори қисмидаги 16 даричадаги (эшикчалар) фонус равоқларида чироқ ёқиб қўйилган. Бу чироқлар кечқурун 50—60 чақирим масофадан кўриниб турган. Карвонлар ва йўловчилар эса шу чироқларни ўзларига маёқ билиб йўлларида давом этганлар.

Минорадан яна бир мақсадда, яъни азон ўқишда ҳам фойдаланилган. Шаҳарнинг бош Жоме масчитида намоз ўқиш бошланиши билан муаззин миноранинг тепасига чиқиб, баланд овозда азон ўқиган, шундан сўнг шаҳардаги 360 масчитда Бухоро аҳли намоз ўқишни бошлаган.

Бухоро бой ва обод шаҳар бўлгани сабабли унинг душманлари шаҳарга доим ҳамла этиб турганлар. Шунинг учун Минорадан ҳарбий кузатиш манзили сифатида ҳам фойдаланилган. Кузатувчи 30—40 чақирим масофадаги душманнинг қайси томондан ва қай куч билан келаётганини дарҳол хабар қилган ва унга қарши керакли чора-тадбирлар кўрилган.

Минораи Калон Бухоронинг бош бозори майдонига яқин бўлганлиги сабабли Манғитлар ҳукмронлиги даврида, (1753—1920) унинг бош майдонида турли жазо маросимлари ўтказилган.

Ана шу тариқа Минораи Калон қурилгандан буён турли соҳаларда хизмат қилиб ўз салобати билан ҳаммани лол қолдирмоқда. Миноранинг қурилиши тўғрисида халқ орасида бир ривоят мавжуд. Бухоро ҳукмдори Арслонхон шаҳардаги энг машҳур муҳандис Уста Бақони чақириб, улкан минора қуришни топширади. Уста 10 метр чуқурликда минора пойдеворини кавлаб, тўртбурчак қилиб кесилган харсанг тошларни ганчга туя сути қўшиб териб чиққан экан. Шундан кейин уста уч йил ғойиб бўлибди. Арслонхон уни қанчалик қидиртирмасин, топа олмаган. Кунларнинг бирида Уста Бақо яна иш жойида пайдо бўлиб, иш бошлабди. Бундан хабар топган Арслонхон бу қилмишининг сабабини сўраганида, уста шундай дебди: «Шоҳим! Агар мен қочиб кетма-

ганимда, ҳали тўлиқ қурилмаган пойдевор устида минорани тиклашга мажбур қилардингиз. Натижада, минора ўз оғирлиги билан ёки қийшайиб қоларди ёки бир неча йилдан сўнг қулаб тушарди. Бу, албатта, сизнинг обрўингизга таъсир қилган бўлурди. Энди пойдевор тўла қуриди—намлари кетди. Пойдевор жуда мустаҳкамланди. Мен аминман-ким, бўлажак минора сизнинг номингизни минг йилларгача сақлаб қолади». Уста Бақо ўзи тузган лойиҳага биноан бу иншоотнинг қуйи қисмининг айлана диаметрини 9 метрга, энг юқори қисминики эса 6 метрга ва баландлигини 45,6 метрга етказиб қуришга эришган. Устанинг яна бир маҳоратига қойил қолиш керакки, миноранинг пастидан то юқоригача Бухородаги тарихий обидаларнинг меъморчилик санъати намуналаридан бир-бирдан гўзал 14 та ҳалқа ҳосил қилдирган. Энг юқори ҳалқасида араб алифбосида ғишлардан йўниб «1127 йил, Арслонхон минораси» ва «Уста Бақо», деган сўзларни ёзган. Уста вафотидан олдинроқ васият қилиб унинг жасадини минора яқинида кўмишларини илтимос қилган экан. Унинг васияти шогирдлари томонидан адо этилган. Минорадан 20 метрлар узоқликда яккаю ягона сақланган қабр (сағана) шу табаррук устанинг қабри деб тахмин қилиб келинади. Бу қабр Бухоро меъморларининг зиёратгоҳи бўлиб қолган.


Минораи Калон қарийб минг йилдан буён жуда кўп воқеаларнинг ва жароҳатларнинг гувоҳи бўлган. Аммо, 1920 йилда Фрунзе аэропланлари ва тўплари бомбардимонидан Минора катта зарар кўрди. Миноранинг тахминан 5-, 16-, 33-, 40- ва 46-метрларида ҳамон снарядларнинг излари мавжуд. Буни қуйидаги мисол билан ҳам исботлаш мумкин.

Бухорони бомбардимон қилишда иштирок этган учувчи Фаусек ва Степанов мақтаниб шундай хотирлайдилар: «Биз Бухорони бомбардимон қилдик. Аркни ва бутун Бухорони вайрон қилдик. Хусусан, машҳур «Улим минораси»га мўлжаллаб ташланган бомбалар моҳияти жиҳатидан бефойда бўлса-да, бизга алоҳида завқ-шавқ бағишлади...»

Аммо Бухоро халқи ўз бобокалон минорасини жароҳат ҳолича ташлаб қўймади—1923 йили маҳаллий меъмор Абдуқодир Боқиев минорани қайта таъмирлаб чиқди.

Бугунги кунга келиб Минораи Калоннинг умрига-умр қўшилгандек бўлди. Унинг оёғи остидаги Мири Араб мадрасаси Ўрта Осиёда ягона ислом ўқув юрти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Умар РАШИДОВ,
тарих фанлари номзоди



Бухоро. Машҳур Минораи Калон.

ЙЎЛИДАГИ МАЁҚ

Сўнги йилларда чўл ҳақида, чўлларни ўзлаштириш хусусида камроқ сўз юритиладиган бўлиб қолди. Бунинг сабаби бор албатта. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида юрт бошига тасодифан келиб қолган айрим раҳбарлар «пахта яккаҳоқимлиги» деган иборани топиб олдилар-да, шу ибора атрофида жазавога тушиб, чўлларни ўзлаштиришдек буюк ишларни ҳам ноҳўя ишга чиқармоқчи бўлдилар. Пешонасидан бирор қадам нарини кўролмайдиган ўша ақли қосирлар бир нарсани эсдан чиқардилар. Бордию турғунлик йиллари деб аталган даврда чўллар ўзлаштирилмаганида Ўзбекистон жумҳуриятининг иқтисодиёти, нуфузи, аҳолининг ўсишию унинг иш билан таъминланиши ҳозирги даражада бўлмасди-ку ахир!

Масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Мирзаҷўл ва Жиззах чўлларининг, Қарши ва Шеробод чўлларининг, Марказий Фарғона — Ёзёвоннинг ўзлаштирилиши эндилик кунда яқин тарихимизга айланиб қолди. Тарихни эса, ўчириб бўлмайди. Уни фақат ўрганиш, ундан сабоқ олиш лозим. Тарихни қоралаш, сўкиш ота-боболарга шаккоклик келтириш билан барбардирки, бу нарса биз шарқликлар учун кечирилмас гуноҳи азим ҳисобланади.

Демак, мазкур суҳбатимиз чўл ҳақида, аниқроғи, кечагина чўл деб аталган, аммо бугун боғу бўстонга, чўлқувар меҳнаткашларнинг мафтункор, мухташам гўшаларига айланаётган замин ҳақида бўлади. Зафаробод (собиқ Октябрь) тумани — Жиззах вилоятининг энг кенжа туманларидан бири. Сўнги бирор йил ичида Зафарободнинг қиёфаси шу даражада ўзгариб кетдики, буни фақат бориб кўрган одамгина тасаввур қилиши мумкин. Бу ишларда ҳаракатчан ва дидли раҳбар, туман ҳоқими Собиржон Абдусатторовнинг ҳам ҳиссаси бор албатта. «Гулистон» ойнамасининг махсус муҳбири Зафарободда юз бераётган эзгу ишлар ҳақида сўзлаб беришни туман ҳоқимидан илтимос қилди. Ҳоқим Собиржон Абдусатторовнинг ҳикояси қуйидагича бўлди:

Маълумки, бундан 50—60 йил илгари ҳозир обод масканга айланган туманимиз ўрни бийдек чўл эди. Юзлаб чақирим юрсангиз ҳам на бир туп дарахт, на ичишга сувни учратардингиз. Ватандошларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли асрий чўл ўз қиёфасини ўзгартириб, инсон иродаси олдида бош эгишга мажбур бўлди. Бошқача айтганда, инсон чўлни ўзлаштириб, ҳазина масканига айлантирар экан, бу борада зафар кучди. Шу маънода туманимизни Зафаробод деб номлашга мантқиқий асос бор деб ўйлайман.

Авалло бир нарсани тўғри тушунишларингизни истардим. Биз айрим жойлардагидек номи русча бўлган атамаларни кўр-кўрона ўзгартириш йўлини тутмадик. Ахир, ҳар қандай жой номини билдирувчи атама, у қанча яшаган бўлмасин, одамлар онгига сингиб кетган, кўпчиликнинг фикрига ўрнашиб қолган бўлади. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Агар бирор жойнинг қадимдан аталиб келинаётган номи бўлсаю, унга бошқача ном мажбуран тиқиштирилса, бундай ном зудлик билан ўзгартирилиб эски номи тикланиши керак.

Зафарободликлар азалдан меҳнатни қадрлаб келаётган халқимизнинг авлодлари. Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан бу ерга кўчиб келиб, ўрнашиб қолган одамлар ҳар қандай шароитда ҳам кўзлаган мақсадига эришишга қодирдилар. Буни мен бу ерга ишга келган кезларимдаёқ ҳис қилган эдим. Фақат улар билан тил топишиб ишлаш, одамларга ҳақиқатни очиқ айтиш, қийин дамларда уларга суяниш лозим. Тўғри, илгари бу туманда кўпроқ ишлаб чиқариш масалаларига эътибор берилиб, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш масаласи, шу мақсадга хизмат қилувчи тармоқларни кенгайтириш эътибордан четда қолган эди. Натижада 1973 йилда ташкил қилинган туманда шу пайтгача на бозор, на чойхона, на автостанция қурилди. Одамларда ло-

Зафарободнинг заррин тонги



Қаря билганини пари билмас, дейдилар. Зафаробод туманининг ҳоқими Собиржон Абдусатторов ана шу ҳикматли сўзга амал қилади ва отахонлар билан тез-тез учрашиб, улардан маспаҳатлар олиб туради.

қайдлик кайфияти кучайиб кетган эди. Бу камчиликларга барҳам бераёلمиз. Мана ҳозир туманимизда замонавий автостанция, миллий чойхона, ҳаммом ишлай бошлади.

Гапнинг очиги, айтаверсам, мақтангандек бўламону, 1992 йилнинг март ойидан шу кунгача жуда катта ҳажмда ободонлаштириш ишларини бажардик. Барча аҳоли манзилларини бирма-бир айланиб, одамларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар ишини яхши йўлга қўйиб, ободонлаштириш юзасидан тадбирлар тузиб олгандик. Масалан, қийин иқтисодий шароитга қарамай вилоятнинг ҳеч қайси туманида бўлмаган ўзига хос услубдаги ёпиқ бозор қурдик, мол бозори ташкил этдик, новвойхона, универсал магазин, ошхоналар очдик. Аҳоли манзилларидаги барча кўчалар тунги ёриткичлар билан ёритилди, ҳатто марказий кўчага светофор ўрнатилди. Тунда Зафаробод қўрғонини кезсангиз, ўзингизни шаҳарда юргандек сезасиз. Биноларнинг пештоқларида рекламалар порлайди.

Бизда ҳоқимиятнинг таянч бўғинлари — маҳалла қўмитаси фаолиятини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Илгари маҳалла қўмиталари жамоатчилик асосида ишларди. Эндиликда маҳалла қўмиталари раисларига

ҳар ойда маҳаллий сармоядан маош тўлашни жорий қилдик. Бу эса ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишни тубдан яхшилаш билан аҳоли ўртасида тинч-тотувликни, ўзаро ҳамжихатлик, яхши-ёмон кунларда бир-бирини қўллаш вазиятини юзага келтирмоқда. Кўпмиллатли туманимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан раванқ топишида қўл келаяпти.

Халқда, кўрпанга қараб оёқ узат, деган нақл бор. Баъзан бу нақлдан чекинишга тўғри келар экан. Туманимизнинг иқтисодий аҳволи у даражада яхши бўлмаган, қурилиш материаллари нархи осмонга чиқиб кетган бир шароитда юқоридаги иншоотларни қуриш осон кечаётгани йўқ. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек халққа суяниб, улардан мадад олиб иш юритаямиз. Асосий ишлар ҳашар усулида олиб борилмоқда.

Республикада бўлганидек, туманимизда ҳам асосий соҳа пахтачилик ҳисобланади. Пахта майдони экин майдонларининг салкам ярмини — 14 минг гектарни ташкил этади. Аммо, халқни фақат пахтанинг ўзи билан боқиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу ҳол айниқса ҳозир бозор муносабатларига ўтиш шароитида яққол сезилмоқда. Шу боис туман-

да бошқа соҳаларни ривожлантиришга ҳам жиддий масала сифатида қаралмоқда, Меҳнаткашларнинг рўзгорлари учун зарур бўлаган барча нарсаларни туманининг ўзида етиштириш масаласини кун тартибига қўйганмиз. Туманимиздаги Собир Раҳимов, Йўлдош Охунбобоев, Ҳамид Олимжон, Файзулла Хўжаев номли, «Уч қаҳрамон» давлат хўжаликлари асосан пахтачилик билан шуғулланса-да, сабзавот, полиз маҳсулотлари, дон, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш борасида кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари туманимизда боғдорчилик ва узумчилик, паррандчилик, чорвачилик, асаларичилик, хўжаликлари ҳам мавжуд. Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати туман аҳолисини керакли маҳсулотлар билан таъминлашдан ташқари давлатга кўплаб маҳсулот сотишга ҳам етади.

1992 йилнинг баҳори туманимиз деҳқонларини қаттиқ синовдан ўтказди. Сел туфайли 11 минг гектар майдонни сув билан таъминловчи канал шикастланди, ичимлик суви трассасида ҳалокат рўй берди. Баъзи хўжаликлар пахтани 3—4 марта бузиб экидилар. Инсон иродасининг чеки йўқ экан. Қийинчиликларга қарамай 31,5 минг тонналик пахта хирмонига замин яратилди. Давлатга пилла, дон, полиз маҳсулотлари, мева, узум сотиш режалари ошириб бажарилди.

Халқимизнинг: «Отанг бозор — онанг бозор», деган нақли бор. Бозор ўз номи билан бозор. У шафқатни билмайди. Бугун бир сўмни икки қилишни ўйламаган, тадбиркорлик билан иш юритмаган одам эртага «синади», яъни касодга учрайди. Шуларни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бартараф қилиш борасида туманда бир мунча ишларни амалга ошираяпмиз. Аввало халқ учун зарур бўлаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида кичик корхоналарни, фермер хўжалиklarини кўпайтираяпмиз. Ҳозир туманда ҳар хил йўналишлардаги ўттизга яқин кичик корхона, 25 та фермер хўжалиги мавжуд. Охунбобоев номли давлат хўжалигидаги Утагул Бойжонов, Собир Раҳимов давлат хўжалигидаги Раҳматилла Содиқов каби фермерлар амалга ошираётган ишлар айниқса ибратли бўлаяпти. Туман ҳокимлиги кичик корхона раҳбарлари ва фермерлар билан тез-тез учрашиб, уларга амалий ёрдам бераяпти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича жумҳуриятимиз Президенти фармонларининг бажарилишини изчил назорат қилиб бораёпмиз. Одамларда адолатга, тузумга нисбатан норозилик туғилишига йўл қўймаслик — ҳозирги бозор иқтисоди шаронтида ҳокимлик фаолиятида асосий ўрин эгаллаган. Қилинаётган ишлардан аҳоли қониқаётганлигини мустақиллик байрами тантаналари аққол ифодалади. Уша куни туман марказида қайта таъмирланиб, жиҳозланган ўйингоҳда чинакам халқ сайли бўлиб ўтди. Одамларнинг руҳлари тетик, келажакдаги ёруғ кунларга ишончлари мустаҳкам. Биз учун муҳими ҳам шу.

Зафаробод туманининг келажаги ҳақида бир оғиз сўз. Қурувчилар лойиҳага қараб бинонинг ҳолатини, қўрғонларнинг қиёфасини бемалол тасаввур эта оладилар. Менинг мутахассислигим қурувчилик — Самарқанд меъморчилик-қурилиш олий билимгоҳини битирганман. Шу боис Зафаробод туманининг келгуси қиёфасининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўп ўйлайман. Узимча ҳар хил режалар тўзаман. Тасаввуримча, туманимиз 2000 йилга бориб ўзига хос қиёфали, бошқа туманларга ўхшамайдиган услубда қурилган биноларга эга бўлади. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Зафарободда қурилган ёпиқ бозор, яқинда ишга тушган ва тушадиган миллий чойхона, ҳаммом, автостанция лойиҳаларини аввал ўзимча тасаввур қилиб, лойиҳачилар билан бамаслаҳат чиздик. Улар бир-бирига уйғун ҳолда жойлаштирилди.

Обод масканда истиқомат қиладиган халқнинг фаровон яшаши ўз-ўзидан равшан. Шундай экан, келгусида зафарободликларнинг турмушлари ҳар томонлама тўқис, халқи бахтиёр яшайди, дейишга тўла асос бор.

Жон кетар, Ватан кетмас

Худога шукурким, мен ўз Ватанимни эркин ва ҳур кўриш шарафига муяссар бўлдим. Йилларки юрагимни ўртаган, қонимни жўшдирган соғинч азоблари чекиндилар. Мустақиллик шамоллари бизнинг ҳам бағримизга тегиб ҳузур бағишлади.

Инқилобдан кейин, 1930 йили отам ва онам турилган юртини тарк этиб Афғонистонга ўтиб кетишга, муҳожирликда яшашга мажбур этилган эканлар. Онам Асакадан, отам бухоролик бўладилар. Мен эса 1943 йили Кобул шаҳрида дунёга келганман. Етти яшар пайтимда Туркияга ҳижрат қилиб, ўрта мактаб таҳсилини шу ерда олдим. Сўнгра Олмония, Хонифар шаҳрида юксак Отолчилик менежерлигини тугатганман. Ҳозирда эса тижорат билан шуғулланиб келаман. Саудия Арабистони фуқароси, андижонлик бир хоним билан уйликман. Рафиқамнинг исми Маҳбубахон. Мадина шаҳрида истиқомат қиламиз. Беш фарзанднинг отасиман.

Ҳозирда Саудия Арабистонида умумий бўлиб тақрибан 350 минглик туркистонлик ватандошлар бор. Булар ўзбек, қозок, қирғиз турклари ва тожиклардан иборатдир. Ҳаммамиз бир туркистонлик деб, Вухорий деб аталамиз. Фарзандларимиз, яъни барча Туркистон фарзандлари Араб мадрасасида, исломий ва арабий тариқада ўқишади. Аммо оилавий ва ижтимоий замонларда ўзбекча сўзлашадилар. Биз туркистонликларга Саудия Арабистони ҳукумати ва халқи эҳтиром ва муҳаббат билан қарайдилар. Катта боболаримизнинг Ислому динига бўлган юксак эътиқодларини ҳурмат ва эъзоз билан эслайдилар: Имом Вухорий, Ат-Термизий, Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино ва бошқаларни ниҳоятда эъзоз билан тилга олишади. Саудия Арабистони ҳукумати шарафига катта ўринлик ишларида садоқат билан хизмат қилиб келаётган туркистонлик юрдошларимиз ҳам бор. Улар орасида вазирлар, генераллар, профессорлар мавжуддир. Бизларга боболаримиздан ўтган мероси ахлоқ ва тарбиянинг зоҳирлиги ўғри, бешарафлик, гадои ва хиёнат ҳеч бир замон кўрилмаган ва кўрилмайди, иншооллоҳ!

Ўзбекистон халқига меҳрибон, муҳтарам олий жаноб, жумҳуриятимиз раиси Ислому Абдуғани ўғли ҳазратларининг Саудия Арабистонига расмий ташрифлари барча туркистонликларни, хусусан, ўзбекистонлик юрдошларимизни ниҳоятда хурсанд қилди, бошимиз кўкка етди. Уша куни бутун туркистонликлар уйда унутилмас бир байрам бўлди. Уйдаги кампир оналаримиз, опа-сингилларимиз ойнана жаҳон қошида қувонч кўз ёшлари ва самимий дуолари билан бу муносабатни қаршиладилар. Бу гўзал кунни қандай гўзал калималар билан ифода қилишга таърифи ожизман. Муҳтарам Президентимиз расмий ҳукумат учрашувидан сўнг биз ватандошларга бир хос кунни — ўз Ватанимизни кўриш, яшаш ва ҳар бир соҳада алоқалар ўрнатиш шарафини ато этди.

Тўғри, ҳаётимизда орзу қилганим — юртим тупроғига оёқ босишим рўёбга чиқди. Рафиқам билан биргаликда Ватанга илк келишим. Учқичда Тошкент ҳаво майдонига тушганимда она тилим, лазиз тилим боболаримиз Алишер Навоий, Бобурлардан,

Улугбеклардан менга мерос бўлган гўзал тилимда янграган хуш каломлар — «Азиз меҳмонлар, хуш келибсизлар», деганида ҳаяжондан титраб кетдим. Шодлигимдан йиғладим ва Оллоҳга мингларча бор шукур ва ниёз қилдим. Ҳеч кимни ўз Ватанидан жудо қилмасин. Бу жудолик оғир жудолик эркин. Эй, Худо, шундай гўзал кунларни кўрсатганинг учун қалбим ҳамди саъно қилдим. Тошкент ҳаво йўлларига тушганимда дунёнинг покиза ҳавосидан танаффус қилгандек бўлдим ва рафиқамга кўргин шу учган қушлар, булутлар, шу оққан сувлар ва бу юрт осмони остидаги жамики нарсалар меникидир, деб ички туйғуларимни тилакка келтирдим. Шуни яхши биламанки, шунга ўхшаган чет юрдаги ватандошлар ҳам айна шу ҳисни, муҳаббатни, туйғуни юракларидан кечирадилар.

Ва шу аснода Ватаним бағрини кезиб аслпок бир миллат ҳаётида, 70—80 йиллик асоратлар оғриқларини сезмадим. Улар мағрур ва масрурдирлар. Зотан, заки бўлган миллатим кўп. Қисқа бир замонда дунёнинг илғор мамлакатлари қаторига киришга ҳеч шубҳам йўқдир. Яна шуни ҳам айтишим даркорким, сафарим чоғида чет юрда бўлишим сабаблари сабаб ўз миллатимизнинг кўп ёзувчи ва шоирларимиз ҳақида билмас эдим. Лекин юртимга келиб ёзувчилар боғида туришим сабаб, кўп муҳтарам зотлар билан яқиндан танишдим.

Доимо қалбимда бу гўзал Ватаним билан тижорат қилиш орзусиданман. Шу келишимда бир қанча янги фикрлар олдим, янаги келишимда баъзи тижорий тушунчаларимни рўёбга чиқишига ишонаман.

Аваломбор, Ўзбекистоннинг мустақиллик байрамига етиб келишдан ўзимни кўп бахтиёр ҳис этаман. Эркинлик ва мустақиллик биз ўзбек халқларига ярашган фазилатдир. Мустақиллик куни ниҳоятда дид билан безатилган дастурхонлардан, бугун халқнинг юзидаги табассумдан, ҳарорат билан чалинган қарсақлардан шуни ҳис қилдимки, ўзбек халқи мустақиллик учун туғилган экан. Ош-нон ва сувдек мустақиллик учун эҳтиёж бор экан. Энди бу гўзал мамлакатнинг ҳаволидан тўйиб-тўйиб нафас олишлик, боғу бўстонларида яйраб юрмоқлик, ширин фарзандларнинг ота-онаси бўлишлик, албатта мустақиллик ва эркинлик ичиде ширин ва тотлидир.


Истайманки, эркак фарзандларимизнинг оти Эркин, қизларимизнинг оти Мустақилхон бўлсин. Оллоҳдан ниёз қиламанки, бу дилбар юртимга, иккинчи бир дафъа қаро кун кўрсатмасин, асорат занжирига кирмасин! Мустақил бўлганимиз рост бўлсин. Омин!

*Туркистон бир буюк наслдир,
Бизни ҳеч бир шарпа қўрқита олмас.
Менга боқинглари, эй, дунё*

*миллатлари,
Энди жон кетар, лек Ватан кетмас.*

Абдулвоҳид ЯССА

«Даволаниш пулли бўладими?»



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати Қулаҳмад Тошпўлатович Ризаев билан суҳбат.

Мухбир: СССР пароканда бўлгач, соғлиқни сақлаш тизимларида ҳам собиқ «марказ» ва иттифоқдош жумҳуриятлар билан бўлган муносабатларда узилиш бўлганлиги шубҳасиз. Ушбу узилишлар аввало қандай муаммоларни келтириб чиқарди?

Қ. Ризаев: — Кейинги йиллар ҳаётимизда юз берган туб ўзгаришлар бизга кўп нарсадан сабоқ бермоқда. Утган кунларимизга теран кўз билан қарашга, босиб ўтган йўлимизга ҳаққоний баҳо беришга ундаётир бу ўзгаришлар. Чунки инқилобдан кейинги 73 йил ўзбек халқи тақдирида ҳам ўзига хос из қолдирди. Бугунги кунда унга одилона баҳо беришга ҳаракат қилаёпмиз. Бошқа соҳалар каби тиббиёт ҳам шу даврда катта машаққатларни бошидан кечирди. Аксарият ҳолларда соғлиқни сақлаш марказий минтақалардагина ривожлантирилди холос. Асосан марказдаги илмий-текшириш институтлари, даволаш клиникалари етарли маблағ билан таъминланди. Замоनावий касалхоналар фақат катта шаҳарларда қад кўтарди. Қишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги аҳвол узоқ йиллар ўзгаришсиз қолди.

Миллий жумҳуриятларда тиббиётни ривожлантириш иккинчи даражали иш деб қаралгани айниқса хунук оқибатларга олиб келди. Ана шу боис кўп ҳолларда беморлар малакали шифо олиш учун марказга қатнайди деган ҳолга тушиб қолишди. Илгари марказдаги шифохоналарда жумҳуриятлар учун, оз бўлса-да, жой ажратиш йўлга қўйилганди. Аммо беморнинг узоқ вақт навбат кутишига тўғри келарди. Чет элларга бориб малакали даво топиш ҳақида эса ўйламаса ҳам бўларди. Энг ачинарли томони шуки, бутун тиббиёт тизими Москвадан бошқариларди. Маблағ ҳам фақат ўша ердан ажратиларди. Халқимизнинг пешона тери билан топган пули марказнинг ихтиёри билан сарфланарди. Шанбаликлардан тушган маблағнинг ҳам тиббиёт хизмати учун ажратилган қисми Москвада қуриладиган касалхоналарга сарфланарди. Ана шу ҳолатда узоқ йиллар яшадик ва меҳнат қилдик. Соҳани ривожлантириш ҳақида кўп гап бўлдию амалда ҳаммаси эскича қолиб кетаверди.

Собиқ СССРнинг инқирозга учраши, мустақил давлатларнинг юзага келиши ана шундай яккаҳокимликка барҳам берса-да, аммо ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарди. Илгари жами масалаларни Москва орқали ҳал қиладиган бўлсак, энди уларни бевосита ўзимиз ҳал этишга мажбур бўлдик. Йиллар давомида марказ ва бошқа жумҳуриятлар билан боғланган алоқалар ўз-ўзидан узилди, десак хато бўлмас. Энди уларни янгича имкониятлар асосида қайта тиклаш лозим. Чунки тиббиётнинг кўпгина қон томирлари қўшни жумҳуриятлар билан узвий боғлиқ. Уларни бирдан узишнинг ўзи бўлмайди.

СССРнинг парокандаликка юз тутиши туфайли энди марказдан шифо топишга умид қилишга ҳожат қолмади. Бир вақт умумхалқ маблағига қурилган касалхоналарда даволаниш учун катта маблағ талаб қилинмоқда. Жумладан, Москвадаги машҳур кўз шифокори В. Федоровнинг клиникасида даволаниш учун бемордан 100 минг сўралиши инсофданми? Ахир бирор сабаб билан дардга чалинган бемор ундан фориг бўлиши учун атайлаб пул йиғиб юриши керакми? Ваҳоланки, биргина кўз касалликлари билан оғриган беморлар юртимизда сонмингта. Уларни биз ўз вақтида даволашимиз, тезроқ яна ҳаётга қайтаришимиз лозим.

Биз ўз жумҳуриятимизда жами тиббиёт хизматини пулсиз — давлат йўли билан амалга оширишимиз лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳукумати ана шу йўлдан бормоқда. Ҳар қанча оғир бўлишига қарамай, миллий тиббиётимизнинг ривожланишига катта аҳамият берилаётир. Маҳаллий кадрлар тайёрлаш кун тартибидан ўрин олмоқда. Янги-янги шифохоналар очилиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётир.

Мухбир: — Жумҳуриятимиздаги иқтисодий инқирозлар, янги бозор сиёсати тиббиёт соҳасининг имкониятларини маълум даражада чеклаб қўймадими?

Қ. Ризаев: — Жамиятда вужудга келган иқтисодий бўҳрон, табиийки, тиббиётни ҳам четлаб ўтмаётир. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан соғлиқни сақлашда асқотадиган хом ашёлар, асбоб-ускуналар нархи бир неча баробар ошиб кетди. Электр қуввати, турли хизматлар нархи осмонда. Касалхоналар учун зарур жиҳозларнинг баҳоси юқори. Аммо шунга қарамай, ҳукуратимиз соғлиқни сақлашни эътиборсиз қолдирмаяпти. Имкониятларни ишга солиб, тиббиёт ходимлари учун етарли маблағни давлат хазинасидан ажратиб бераётир. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу борада изчил йўл тутаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Туман ҳокимлари ҳам бу борада катта ишлар олиб боришаётир. Шу боис шаҳримиздаги касалхоналарда имкониятлар кундан-кунга бойиб, янги-янги тиббий ёрдам турлари жорий этилаёпти. Кейинги вақтда кундузги шифохоналарнинг юзага келиши ишми-мизнинг бир оз бўлса-да, илгари силжишини таъкидламоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад: ҳар қандай бемор ўз дардига шифо топиш учун ортиқча оворагарчиликка дуч келмаслигини таъминлашдир. Энг муҳими бемор кундузи бор муолажани олгач, кечқурун онласи бағрида бўлиши ҳам унинг хасталиқдан тезроқ фориг бўлишига имкон туғдиради. Шунингдек, поликлиникалар қошида жарроҳлик марказлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Мухбир: — Давлат тасарруфидаги бир қанча тиббиёт муассасалари хўжалик ҳисобига

ўтиб, даволанишни пуллик тартиботига ўтказишди ва ўтказмоқчи. Бу оддий меҳнаткашларга оғирлик қилмайдими?

Қ. Ризаев: — Кейинги вақтда пуллик тиббий хизмат хусусида кўп гап бўлаяпти. Турли хил тиббий ширкатлар ҳам дунёга келаётир. Ҳозирги кунда тиш даволайдиган, ясама тиш қўядиган, ҳатто айрим касалликларга даво берадиган, бир қатор жарроҳлик ишларини бажарадиган хўжалик ҳисобидаги тиббий хизмат кўрсатиш турлари дунёга келган. Тан олиш лозимки, бир вақтлар давлат тасарруфида бўлган айрим шифохоналар ҳам пуллик хизматга ўтишди. Хўш, бу ҳол яхшими ёки ёмонми? Бунга бирдан жавоб бериш қийин. Бунинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини вақт кўрсатади. Аммо менинг шахсий фикрим шуки, тиббиётни асло пуллик қилиб бўлмайди. Уни ҳеч қачон ақча талаб қиладиган муассасага айлантириш мумкин эмас. Ҳар қандай мустақил давлатда фуқароларга текин тиббий хизмат кўрсатадиган шифохоналар мавжуд. Уларда малакали ходимлар туну кун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Давлат бундай касалхоналарни етарли маблағ, асбоб-ускуна, дори-дармон билан таъминлаб турибди.

Аммо шунга қарамай, хусусий даволаш муассасалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу йўл билан даволаниш учун ўз-ўзидан маълумки, катта пул талаб этилади. Бунга кучи етадиганлар бор, етмайди деганлар бор. Худди ана шу ҳол юз бермаслиги учун давлат ихтиёридаги шифохоналарни тўла сақлаб қолмоқ даркор. Тўғри, бунинг учун катта маблағ зарур. Аммо имоним комилки, Ўзбекистон ҳукумати бунинг учун асло қаршилиқ қилмайди. Агар эътибор берган бўлсангиз, Тошкент шаҳрида ўнлаб тиббий ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Турли номдаги халқ табobati марказлари беморларни қабул қилаётир. Уларга ҳар куни пойтахт аҳолиси ва жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан келган беморлар мурожаат қилишиб, баҳоли қудрат шифо топишмоқда. Биз бундай пулли хизматга ҳам йўл очиб берганмиз. Аммо уларнинг ҳаракатини доимо назорат қилиб турибмиз. Улар билан мунтазам алоқа ўрнатиб, тегишли ёрдамимизни аямасликка ҳаракат қилаёпмиз. Ҳатто бундай пулли хизмат соҳаларида малакали шифокорларимиз маслаҳатчилик қилишмоқда.

Мухбир: — Сўнги пайтларда болаларни даволайдиган шифохоналар ҳақида танқидий фикрлар айтилаётир. Тошкентдаги шундай тиббиёт муассасаларида болалар соғлигини тиклаш учун қандай имкониятлар ишга солинмоқда?

Қ. Ризаев: — Болаларнинг соғлигини муҳофаза этиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Болажон халқимизнинг мушқулини осон қилиш учун ўнлаб касалхоналар

фаолият кўрсатаётир. Кейинги вақтда уларнинг фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётир. Собиқ СССРдаги тиббий тизим даврида болапарвар Ўзбекистон халқига унчалик аҳамият берилмаганлигини бугун тан олаёلمиз. Аҳолининг 48 фоизини болалар ташкил қилса-да, бу борадаги тиббиётни ривожлантириш етарли даражада эмасди. Шу масаладаги тиббий қўлланмалар Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Белорус, Россия қаторида бир хилда бўларди. Ваҳоланки, юқорида келтирилган жумҳуриятлардаги аҳолининг 15—20 фоизини болалар ташкил қиларди.

Ҳозирда мустақил жумҳуриятимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам келажак авлодга ғамхўрлик кучайтирилган. Айниқса, уларнинг соғлигини муҳофаза этишга кўп эътибор берилаётир. Шаҳарда ишлаб турган «Она ва бола» марказининг бу борадаги ишларини таъкидлаб ўтмоқ даркор. Фақатгина Тошкентдаги болалар муассасаларида 1300 дан ортиқ шифокорлар меҳнат қилмоқдалар. Кейинги 2—3 йил ичида 90 фоиз болалар шифохоналари, санаторийлари таъмирланди. Янги поликлиникалар, 23, 24, 25, 26, 27, 40, 42-болалар поликлиникаларининг бўлимлари ишга туширилди. 40 фоиз поликлиникалар қошида даволаш бўлимлари ишлаб турибди. Шифохоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Мухбир: — Ҳозир аҳолини энг қийнаётган муаммолардан бири дори-дармонларнинг камёблашиб кетганлиги. Тўғри, авваллари дори-дармонларнинг асосий қисми жумҳуриятимизга четдан келтириларди. Хўш, ҳозир шу узилишни бартараф этиш учун қандайдир ишлар қилинаётими?

Қ. Ризаев: — Бемор учун шифокорнинг ширин сўзи билан бир қаторда дардига малҳам бўладиган дори-дармонлар керак. Агар улар

ўз вақтида етказиб берилмаса, шифоланиш муҳлати ўз-ўзидан чўзилиши ёки ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг назарда тутиб, шифокорларимиз иложи борича тез ёрдам кўрсатадиган дори-дармонларни ишлаштироқда. Афсуски, шаҳар касалхоналари ҳам етарли миқдорда дориларни ололмаётирлар. Узаро шартномаларнинг барбод бўлиши, хориждан келадиган дори-дармонларнинг узилиб қолиши боис ушбу масалада ўзига хос муаммолар келиб чиқмоқда. Агар биз 1992 йилда 3181 номдаги дорига муҳтожлик сезиб турсак-да, аммо бор-йўғи 954 номдаги дорига ахдлашув тузилди холос. Бу умумий рақамнинг 30 фоизини ташкил қилади. Ҳозирги кунда ҳукуматимиз хориждан дори сотиб олиш учун етарли миқдорда валюта ажратишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Туркиядан 41,2 миллион, Ҳиндистондан 2,1 миллион, Венгриядан 2,5 миллион тилла пули ҳисобига дори келтиришга келишиб олинди.

Бугунги кунда шахримиздаги тиббиёт муассасаларида ўн мингдан ортиқроқ турли касбдаги шифокорлар меҳнат қилишмоқда. Йилдан-йилга уларнинг сафига ёш тиббиёт ходимлари келиб қўшилмоқда. Тиббиёт олийгоҳлари, шифокорлар малакасини ошириш олийгоҳлари билан алоқа мустаҳкамланаяпти. Мажҳуд амалий дастурлар қайта кўриб чиқилмоқда. Шифокорларимиз ўртасида мураббийчилик кенг йўлга қўйилган. Ёш шифокорларимиз узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, ўз ишининг усталарига бириктирилиб қўйилмоқда.

Биз шифокорларнинг виждони пок, қўли тоза бўлишига ишонамиз. Уларга буни ҳар қандамда эслатиб тураемиз. Афсуски, шифокорларимиз орасида ўз ишини ҳурмат қилмайдиган, шахсий манфаати йўлида ҳар қандай пасткашликларга қўл урадиганлар ҳам учраб туради. Уларнинг беморларга таъма билан қа-

рашга, турли баҳоналарни рўқач қилиб даволаш жараёнини чўзишга ҳаракат қилаётганларнинг, онда-сонда бўлса-да, гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта бундай қўли эгри шифокорларга ўз вақтида тегишли жазони қўллашимиз лозим. Беморлардан келадиган шикоятлар ўз вақтида кўрилиб, уларга тилга олинган шахсларни муҳокама қилган ҳолда тегишли чора кўриш йўлга қўйилган. Хуллас, сафимизда нўноқ шифокорлар бўлмаслиги керак.

Мухбир: — Сизнинг депутат сифатида Олий Кенгашда ўз ўрнини бор. Айтинг-чи, Олий Кенгашнинг бўлажак сессияларида тиббиёт соҳасидаги қайси муаммоларни кўтариб чиқмоқчисиз?

Қ. Ризаев: — Ўзбекистон Олий Кенгашининг кейинги вақтда бўлиб ўтган бир қатор йиғилишларида халқ соғлигини сақлаш масаласи бот-бот кун тартибига қўйилди. Уларда депутатлар сўзга чиқибди, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, бу соҳани ривожлантириш борасида аниқ таклифларни ўртага қўйишди. Мен халқ депутати ва мутахассис сифатида бу соҳанинг жами ютуқ ва камчиликларини беш қўлдек биламан. Шу боис ҳар бир сессиянинг кун тартибида тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид масалаларнинг қўйилиши учун курашаман. Ҳали биз сессия кун тартибига олиб чиқадиган муаммолар бисёр. Уларни баҳоли қудрат ҳал этиб боришимиз лозим. Тўғри, ҳозирги кунда мустақиллик йўлига қадам қўйган Ўзбекистон олдида катта вазифалар турибди. Аммо ана шу машаққатларни енгиб ўтишда унинг халқи соғу саломат бўлсин — бизнинг олий мақсадимиз шу.

Сўхбатдош Абдураззоқ КАРИМ



Абдулҳай НОСИРОВ

Мажнунтол

Сой бўйида чилвир сочларин ёзиб,
Сувга розин айтар мажнунтол ёна.
Йўқ, у мажнунтолмас, сочлари тўзғиб,
Ўғлини сафарга узатган Она...

Ҳали тонг оқармай ранги заъфарон,
Ҳали тонг оқармай барглари сариқ.
Япроқларни юлқиб шамол-беомон,
Она ўйларига учирар қориб...

Хазонлар учади кўкда ўйноқлаб,
Шамол қанотида пир-пир учади.
Она хаёллари ўғлин сўроқлар,
Она хаёллари ўғлин қучади.

Оғир хаёллардан она ҳам толар,
Хазондек ҳар томон бағрин оғади.
Кимдир хазонларни супириб тўплар,
Кимдир хазонларни босиб ўтади...

* * *

Кўксим бугун тоққа айланди,
Чиқиб келди чарақлаб қуёш.
Аргумоқлар йўлим пойлади,
Пойларимда гуллади оқ тош.

Ўтлоқларда шўғаллар тутиб
Винафшалар кўзим ёшлади.
Осмоним ҳам баландлаб кетиб,
Бўлоқларим қайнай бошлади.

* * *

Ой нуридан қўшиқ ёғилар,
Шамолларга айланган наво.
Кўксим найчи,
Кўксим тўлғонар,
Соғинчлардан қайнаган дарё.

Уйғотади тонглари булбул,
Уйғотади булбулни тонгим.
Кўксим боғбон,
Кўксим атиргул,
Баҳор бўлиб елиб кел, жоним.

* * *

Бу кун мен
Дунёнинг кўзига боқиб,
Бир қатра ёшида
Уқдим-да сурон,
Тўлғониб,
Дунёнинг ўзидай оқиб,
Бир қатра ёшидай
Қалқидим гирён.
Пойимда қайнаган
Ерми, зиёми,
Бошимда ўйнаган
Самоми, бошқа?..
Онам-ку
Вешикка солиб дунёни
Кўксимда кўтариб
Чиққан қуёшга.

* * *

Сойлар ёқасида кулди гунафша...
Ҳаёт гулобини, меҳрини тўйиб,
Кўклам наҳоридан олиб хуш нашъа,
Қуёш оловини шимирди тўйиб.
Қуёш оловини шимирди тўйиб...
Кўклам наҳоридан олиб хуш нашъа,
Ҳаёт шаробини, қаҳрини тўйиб,
Сойлар ёқасида сўлди гунафша.

* * *

Мужгонларинг дор бўлди менга,
Осмонларим тор бўлди, Лайлим,
Айланиб тонг, меҳрга, кунга,
Қўлларингда жон берсам, майли...

Қишларим ҳам баҳор кўринди,
Кўксим очдим ўқларга, Лайлим,
Айланиб боқ, дунёга энди,
Қўлларингда жон берсам, майли...

Бош кўтариб чиққанман тунга,
Бош тутиб соч-сиртмоққа, Лайлим,
Айланиб куй, қўшиқча, унга,
Қўлларингда жон берсам, майли...

Мужгонларинг дор бўлди менга,
Осмонларим тор бўлди, Лайлим...

* * *

Шоирни чайқатиб турибди тошлар,
Шоирни кўтариб турибди ёлқин.
Қуёшни чайқатиб турибди ёшлар,
Қуёшни кўтариб турибди қалбим.

Шоирни чайқатиб турибди сўзлар,
Шоирни кўтариб турибди тўлқин.
Заминни чайқатиб турибди кўзлар,
Заминни кўтариб турибди қалбим.

Урта Осиё халқлари ичра машҳур санъаткор, илгариги энг юксак унвон — СССР халқ артисти, Ўзбекистон халқ артисти, лауреат, Ленин ордени нишондори бўлган Шукур Бурҳон ўзининг юксак истеъдоди билан театр ва кино сахнасида яратган юзлаб сиймолари орқали мухлислари қалбидан мустаҳкам ва муносиб ўрин олган эди. Унинг шахсий ҳаёти ҳам ниҳоятда мураккаб, сермазмун бўлиши билан бирга турли воқеа ва саргузаштларга ҳам бой бўлган. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъаткорнинг укаси Убай Бурҳон унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида «Ялангтўш» номли ҳужжатли қиссани ёзиб тугатди. Муаллиф Шукур Бурҳоннинг шахсий ҳаёти ва ижодига боғлиқ воқеаларни қаламга олган. Қуйида муштарийлар эътиборига ушбу қиссадан парча эълон қилаётимиз.

Хўжакентнинг тоғ этаклари. Бу ерда бир неча кунлардан бери «Тоҳир ва Зухра» бадий фильми суратга олинмоқда. Бугун Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга ташлаш сахнаси олинади. Бу машъум жазони ёвуз Қоработир лашкарлари билан дарё бўйига отда келиб, ўзи бошқариши керак эди. Шунинг учун эрталаб суратга олиннадиган ерга бир неча отларни олиб келишди. Чунки фильмдаги Қоработир ролини ижро этаётган Шукур Бурҳонов отни ўзим танлаб оламан, деганди. Шукур ака худди бозорда от сотиб олаётгандек отларнинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига ўтиб, бошдан-оёқ кўздан кечирар, гоҳ ёлини, гоҳ бошини силар, тишларини очиб кўрар, баъзи бирларини эса туёқларига қараб, суюб-суюб яғринига уриб кўяр эди. Фильмнинг оммавий сахналарида ўйнайдиган ёш артистлар Шукур акамнинг бу хатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб турар эдилар. Улардан бири:

— Шукур ака, отни яхши кўрар экансиз-а, — деб қолди.

— Эҳе, ука, мен ёшликдан от миниб ўсганман. Отамизнинг Сарикўл деган мавзеда катта ерлари бор эди. Қовун-тарвуз пайкалларининг кети кўринмасди. Бир неча таноб ерга беда экилар эди, от боқилар эди. Менга от-арава қилиб берган эдилар. У вақтда, билсаларинг керак, Қўқон арава бўлар эди, — деди-да бир қора отнинг олдига бориб, унга меҳр билан тикилиб қолди, — мана бу жониворнинг чиройлигини қара — қарай бериб кўзинг тўймайди. Бўйини баландлигини, узунлигини айтмайсанми, — деб ҳавас билан гапирди.

— Гижинглаганини қаранг, — деб қўйди бурчимуллалик бир деҳқон бола.

— Тулпор деб шунга айтадилар. Чопганда оёғи ерга тегмайди, қанот боғлагандек енгил учади. Азбаройи тез чопганидан икки бели букилиб кетади. Ўзини гердайиб роз тутишини айтмайсанми, — деди акам, унинг яғринига уриб. От ҳуркиб кетди. Ер депсиниб орқа оёғи билан тепмоқчи бўлди. Акам жиловдан маҳкам ушлаб:

— Қўрқма, жонивор, қўрқма, — деб ёлини силаб, эркалади. От ҳам худди акамнинг сўзларига тушунгандек жим бўлиб қолди. Артистлардан бири:

— Гапингизга тушунди шекилли, Шукур ака, — деб қўйди.

— Бўлмасачи, от жуда зийрак ҳайвон бўлади, йўлда кетаётганда олдиндаги ҳар қандай ёмон шарпани сезади, қулогини тиккайтиради-ю, таққа тўхтаб қолади. Минг зўрласанг ҳам юрмай, оёғини тираб туриб олади. Ҳар қандай қамчи ҳам унга қор қилмайди, — деди акам кулиб.

Отбоқарлардан бири Шукур акамни огоҳлантирди.

— Бу отни анчадан бери яйловга олиб чиқмасдан боқиб қўйибмиз. Ўзи ҳам роса кучга тўлган, асов. Ҳеч кимни миндирмас керак. Миндирган тақдирда ҳам жиловини бермайди.

— Отнинг тилини билиш керак, ука, — эътироз билдирди акам.

— От жуда ҳушёр бўлади, узангига оёқ қўйиб, эгарга ўлтиришингданок сенинг кимлигингни билиб олади. Жилловини ушлашда ҳам гап бор. Унга ортиқча қамчи, уриш керак эмас. Яхши отга бир қамчи, деб бекор-

га айтмаганлар. Эгарга маҳкам ўлтириб олиб, белига оёғинг билан секингина бир туртиб қўйсанг бас, йўргалаб кетаверади. Жилловини бўш қўйиб юбориб, яна бир туртсанг учади.

Бу гапнинг устига «Тоҳир ва Зухра» фильмининг режиссёри Наби Ғаниев билан тасвирчи Демуцкий келиб қолди:

— Ҳа, Шукурбой, қайси отни танладинг? Шукур акам қора отни кўрсатиб:

— Мана бу отни, — деди.

— Бу ахир сал тегсанг осмонга сакрапти-ку, тагин бирор фалокат рўй бермасин, сал ювошроғини минақол, — деди Наби Ғаниев.

— Йўқ, шунга минаман, — деб туриб олди акам.

— Бўпти, бўлмаса, ҳой йигитлар отни эгарланглар, — деди Наби Ғаниев.

Шу ернинг ўзида суратга олиш учун тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Акамга грим қилишди. Қоработир либосларини кийдиришди, кўкрагига қилич, ўтмас совутларни тутиб олди. Белида қилич, бошида дубулға.

Режиссёр кўзлаган мақсадга кўра бу сахна фильмнинг энг даҳшатли, фожиали сахналаридан бири бўлиши керак эди. Нафақат қашшоқ халқ, нафақат Зухра ва Тоҳирнинг дўстлари, балки бутун коинот, бутун табиат бу зулм, адолатсизликка қарши исён кўтариши, ер ҳам, осмон ҳам фарёд чекиб



ЯЛАНГ

насосларидан отилган сув сунъий ёмғир ёғдириб туришарди.

Режиссёр: «Қоработир, қани, қояга от қўй!» — деб қичқирди. Шукур акам узангидаги оёғи билан отнинг биқинига туртган эди, от бир сакради-да, бу тўс-тўполон ва осмондан ёғдирилган сунъий ёмғирдан ҳуркиб кетиб, бирдан Қоработирни суратга олинаётган майдондан олиб қочди. Акам, бор кучи билан жиловини тортса ҳам отни тўхтата олмасди. От тепалик ёнидаги тупроқ йўлда улоқ чопгандек учиб борарди. Орқасидан чанг-тўзон кўтарилди, ҳамон жиловини бермасди. Чакалакзорларни босиб ўтиб, қайси бир қишлоқ йўлига чиқиб олди. Бу қишлоқни ўтиб, яна бир қишлоқ ичига кириб кетди. Ниҳоят, Шукур акам ҳам, от ҳам ҳолдан тойди. От бир шаршарак ёнидаги тегирмон олдига бориб тўхтаб қолди. Тегирмон ичидан бир чол чиқиб, от устида қилич-қалқон

тақиб ўлтирган Қоработирни кўрди-ю, ўтакаси ёрилиб кетди. Тегирмончи чол уни қандайдир босмачи деб ўйлади шекилли, югуриб келиб, отлик олдида тиз чўкди:

— Бегим, менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, кечиринг мени, жон бегим, бир қошиқ қонимдан кечинг, — деб ер ўпиб илтижо қиларди. Акам, ҳайрон бўлганча от устида қаққайиб ўлтирарди. У ҳеч нима демагач, тегирмончи ўрнидан ирғиб турди-да, дарахтзор ичига қараб қочди.

От азбаройи кўп чопганидан сўлиқлари ҳам, яғринлари ҳам кўпириб кетганди. Бу ерга аста-секин одамлар тўплана бошлади. Бу кўрбоши қаердан келиб қолди деб ҳайрон бўларди улар.

Улар, Қоработир қиёфасидаги акам ёнига келишга қўрқардилар. Уларнинг қўлида таёқ, теша, кетмон, болта ҳам бор эди. Акам уларнинг кўзларида ёниб турган ғазаб ўтларини кўриб, ҳангу-манг бўлиб қолди, уларга далда бермоқчи бўлди:

— Оғайнилар, мендан қўрқманглар, мен сизларга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман, тегмайман, сира қўрқманглар. Бу қилич-қалқонлар ҳаммаси ёлғондакам, — деди у.

Оломон ишонмасдан турган жойларидан жилишмасди. Акам нима қилишини билмай, устидаги совут ва қилич-қалқонларни ечиб ерга ташлади, бошидаги дубулғасини олди. Ўзи қолдан тойиб, кўм-кўк ўт устига ёнбошлади.

— Оғайнилар, ҳалиги қочиб кетган одам ким, билмайсизларми?

— Тегирмончи, — деб жавоб берди кимдир.

— Топиб келмайсизларми?

Ҳамма унинг гапларига ишонмасдан жим турарди.

Узун иштон ва яктак кийиб олган ёш бола Қоработирнинг ҳалиги ўт устида ётган қиличини кинидан суғуриб, томоша қиларди. У дик этиб ўрнидан турди-да:

— Мен қақриб келайми, амаки? — деб сўради.

— Баракалла, ўғлим, югур, бу ёққа олиб

шабга лип-лип қилиб, одамларнинг сурати тушар экан.

— Ана шу эртақда Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборадиган бир Қоработир деган лашкарбошиси бор.

Чол ҳеч нима фаҳламамай, анграйиб турар эди:

— Хўш?

— Уша менман.

— А?? — Тегирмончи чол яна чўчиб кетди.

Шукур акам кулиб:

— Қўрқманг дедим-ку, бу кинода, кинода, — деб чолни юпатди. — Бу тегирмон кимники, — деб сўради акам.

— Меники болам, отам раҳматлидан қолган. Қирқ йилдан бери ана шу тегирмонда ун тортаман, жўжабирдек жонман, ўзим.

Акамнинг чолга раҳми келди. Отам раҳматлининг, бирор фалокатга учраб, ундан эсон-омон қолсанг уч-тўртта кексаларни чақириб қуръон ўқитиб худоёни қилиб юбор, бечорахол одамларга садақа бер, деган панди-насихатларини эслади:

— Ота, мени бу ерга от олиб қочиб келди, бир ўлимдан қолдим, худо асради, эсон-омон қолганим учун бир қуръон ўқиб тиловат қилиб юборинг, — деди. Чол хурсанд бўлиб:

— Ие, болам, мусулмон экансан-ку, — деган эди, у:

— Алҳамдулилло, мусулмонман ота, — деб жавоб берди.

— Баракалла, ўғлим, худони биларкансан, худодан қолма, ҳозир ҳам сени худонинг ўзи асрабди. Ота-онанг ҳаётми?

— Ҳа, худога шукр.

— Ота-онангнинг дуосини олсанг кам бўлмайсан. Жаннат, жаннат дейдилар, жаннат билсанг, шу дунёда, ўз онангнинг оёғини остида. Ота-онангнинг дуосини олган фарзанд ҳажга борганнинг савобини топади.

Тегирмончи чол панд-насихатлар қилар экан, Шукур акам кўзи олдидан нуроний отамиз, ҳамиша юзидан мулоим табассум аримайдиган, уни бир кун кўрмаса туролмайдиган, доимо унга илҳақ бўлиб икки кўзи эшикда бўладиган меҳрибон онамиз сиймоси ўтди.

Биз боғда, акамиз оиласи билан Шайхонтахурдаги шаҳар ҳовлида истиқомат қилардилар. Онамиз ҳар куни «Шукрулло келди», деб кечки таомдан олиб кўярдилар.

Шукур акам, тегирмончи чол ўт устига чўкка тушиб ўлтиришди, қўл очиб фотиҳа қилишгач чол баланд овоз билан қуръон ўқиб тиловат қилди:

— Илоҳим ҳар қандай бало-қазодан, ногаҳоний офатдан худонинг ўзи асрасин, омин! — деб юзига фотиҳа тортди.

Акам чўнтагидан пул чиқариб чолга узатди.

— Йўқ, йўқ, болам олмайман.

— Олинг, ота, шуни атадим.

— Йўқ-йўқ, қуръонни пулга сотмайман, — деди чол эътироз билдириб.

Акам нима қилишини билмай боши қоғиб қолди. Ниҳоят:

— Ун борми? — деб сўради.

— Ҳа, бор, болам, — деди чол.

— Бўпти бўлмаса, бир қоп ун берақолинг.

Чол жуда чайир, бақувват одам экан. Бир қоп унни баҳузур елкасига қўйиб тегирмондан олиб чиқди. Қопнинг бир томонидан акам, иккинчи томонидан тегирмончи чол даст кўтаришиб отнинг эгари олдига қўйдилар. Акам ун бўлган қўлларини қоқиб:

— Қани, неча пул бўлади, ота? — деб сўради.

— Ўзинг биласан болам, берганинг, — деб кийимларини қоқди чол. Акам чўнтагидан бир даста пул олиб (у вақтларда пулнинг қадри йўқ, қиммати ҳам тушиб кетганди) чолга узатди:

— Мана, етадимми?

— Вой болам, бу кўп-ку, бир қоп унга шунча пул берасанми? — деб чол ҳайрон бўлди.

— Олаберинг ота, мендан сизга садақа. Хон Бобохонда пул кўп, мен ундан олавераман, — деб хохлаб кулиб юборди. Чолнинг кўзи ёшланди:



Убай БУРҲОН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган санъат арбоби

— Болам, қўлингни оч. Яна бир дуо қилай. Илоҳим сени худонинг ўзи ёрлақасин. Тупроқ олсанг олтин бўлсин! Омин!

Шукур акам бир оёғини узангига қўйди-да, бир сакраб отга миниб олди.

— Ота, бу қишлоқни нима деб аташадими? — деб сўради чолдан у.

— Нанай, болам, Нанай, эшитмаганмисан. Ҳа, қаёққа борасан, ўғлим?

— Хўжакентга.

— Мана бу йўлдан тўппа-тўғри юрасан, — қўли билан кўрсатди у, — фақат отнинг жиловини бўш қўй, ўзи ҳам асов от экан, сендан бошқа ҳеч ким минмаганга ўхшайди.

«Тоҳир ва Зухра» фильми суратга олинган ерда юздан ортиқ одамлар, грим қилган ва ўйнайдиган ролларининг кийимини кийиб олган артистлар, прожекторларни ёқувчилар, режиссёр ёрдамчилари ва тасвирчилар тўпланиб ўтиришарди.

Шукур акам келабермаганларидан кейин унинг орқасидан бир неча отликларни юборишибди. Улар тополмай қайтгач, режиссёр Наби Ғаниев билан тасвирчи Демуцкийнинг фигони фалакка чиқди.

Кун чошгоҳдан ошганда Шукур акам Хўжакентга кириб келди. Наби Ғаниев жаҳл билан:

— Ҳа, бойвачча, отни мендан зўр минадигани йўқ деб ҳаммага мақтанаётган эдингиз. Нима бўлди, мен айтдим-ку бу отга минма деб, — пичинг қилди.

— Бир худо асради, Наби ака, бўлмаса от парча-парча қилиб ташларди, — деди у.

— Мана бугунги суратга олишни ҳам бекор қилдик. Сенга бирор шикаст етиб, бирор нарсга бўлсанг бутун фильмни бошқа артист билан қайтатдан суратга оламанми деб қўрққан эдим, — ҳазил қилди Наби Ғаниев.

— Ия, шунақами, эчкига жон қайғу, қас-собга мол қайғу экан-да. Мени жоним кетса майлимиди?! — ҳар иккаласи ҳам кулишиб юборишди.

Уруш йиллари. Озиқ-овқат танқис, қаҳатчилик. Одамлар бир бурда нонга ҳам зор эди.

Акам чойхоначи олдига отни етаклаб келиб ундан сўради:

— Бу ерда нонвой борми?

— Ҳа, бор, мана Бойзоқ ака нон ёпадилар.

— Ака, мана шу унни олиб кетасиз, ҳар кун эрталаб артистларга нон ёпиб бериб турасиз, — деб қопдаги унни кўрсатди у.

Эртасига эрталаб нонуштада қорачадан келган ёш бир қиз саватда иссиқ нон олиб келиб ҳаммага тарқатди.

Нортож



Нодира РАШИДОВА

Достон

Тоғларнинг бағридан шаббода эсди,
Муаттар исларин таратди гуллар.
Ерга тонг-фаришта қўниб жим кезди,
Белида тўлғониб зарҳал кокиллар.
Қиз ухлар бокира туш оғушида,
Юзига инганча сирли табассум.
Нопармон рангларни кўриб тушида,
Ложувард ҳисларга ўралар орзу.
Ҳарир оқ пардани тортқилаб, ўйнаб,
Шўхлигин қўймайди шаббода қургур.
Иссиқ яноқларга аста қўйиб лаб,
Қизни тонг уйғотар, бахш айлаб сурур:
«Тур, Нортож, тезроқ тур, ҳаётга қувон...
Қара, тоғ ортида уйғонди қуёш.
Ҳар дам ганиматдир, ганимат ҳар он.
Утиб кетар ахир ҳам умр, ҳам ёш...»
Нортож кўзин очди, жим эди олам,
Қушлар ҳали ухлар шохлар қўйнида.
Ҳали япроқларда ялтирар шабнам,
Ҳали тун яшарди тонгнинг ўйида.
Бирдан сокинликни қиличдек кесди
Бир қўшиқ садоси, эди хўб хушхон.
Субҳидам ҷасими куй бўлиб эсди,
Осмонни гул каби яшнатди ғўжгон.
Неча кун-ки ҳар тонг янграйди қўшиқ,
Қўшиқни ким куйлар? Ким экан бу зот?
Ким у куйлаётган шундайин жўшиб,
Ким у қиз тинчини айлаган барбод?
... Нортожнинг юрагин қамраб гулгула,
Уни етаклади дераза томон,
Не кўз-ла кўрсинки — гаройиб шуъла
Ерқин нур сочарди кўчада шу он.
Нурнинг чароғидан қамашди кўзлар,
Ҳовлига чиққан билмай қолди қиз.
Қўшиқ эса ҳамоно гоҳ шод, гоҳ бўзлар,
Қизнинг юрагини ўт ёқди жис-жис.
Пастаккина тушган гувала девор
Бўйлаб кўча томон юрди у аста,
Кетаётган гўё Нортожмас — бемор,
Оёқлар бемадор, вужуди хаста.
Кўчада боботут тагида беҳол
Бир йигит ўтирар, эғнида — яқтак.
Қомати забардаст, нигоҳи — ниҳол,
У қўшиқ айтарди бош эғиб андак.
Қўшиқ қилган эди уни андармон,
Гўё бу оламда ўзга бир жон йўқ,
Йигит куйлар эди, куйлар беармон,
Гўё бу оламда алам, армон йўқ.
«Ким экан бу йигит, нақадар таниш?!»
Нортожнинг юраги увишиб туши.
Йигит қизни кўрмай қиларди хониш,
Қизнинг ҳам бошидан хаёли учди:
«Наҳот уйғотмаса ҳеч кимни қўшиқ?!
Нечун кўринмайди кўчада бир зот?!»
Уйлар билан ҳислар кетди қоришиб:
«Мунча жозибали бу қўшиқ, ҳайҳот!..»
Нотаниш бир туйғу чулғади дилни,
Йигитга талпинди вужуд ила жон.
Аммо қандайдир бир куч боғлаб тилни,
Солди оёқларга кўринмас кишан.
Мафтун бўлиб қолди қўшиққа Нортож.
Аммо тинчлик бермас бир ўй, бир хаёл:
«Ким бу йигит? Мунча таниш кўзлар, соч...»
Эслаб, эслолмай туриб қолди лол.
Бирдан ўғирилди йигит қиз томон,
Кўзлар аламзада, ҳасратга тўлди.

Қизнинг юрагига гўё шу замон
Йигитнинг дардлари кўчгандек бўлди.
Нортождан кўзларин узмайин йигит,
Бир нафас индамай тикилди беҳол,
Чаросдек қоп-қора кўзларда бургут
Нигоҳин ҳайбати бор эди алҳол!
Кейин секингина бошини эғиб,
Баҳорги сел бузиб кетган кўприкдан
Юриб кетди аста, Нортож энтиқиб
Кетидан эргашди. Аммо вужуд, тан
Уники эмасди. Тутни қучоқлаб
Қолди термулганча, тоғнинг бағрига
Синггиб борар оппоқ яқтакли матлаб,
Ташлаб Нортожмни савол баҳрига
Оқ яқтакли йигит, кўзлари чарос,
Нелар қилиб қўйдинг Нортожим билан...
Энди сен маслаксан, сен ўзинг ҳамроз.
Ҳаётин кўкида ўзинг кўлкалан...
Меҳрга тўлдирдинг қизнинг қалбини,
Нотаниш туйғулар уйғотдинг дилда.
Ширин тушларида сенга талпиниб,
Интизор кўзлари қолди-ку йўлда.
Қайдасан, нотаниш йигит, айт, қайда,
Нечун қўшиқнинг ҳам янграмай қолди,
Наҳот билмасан — ҳар саҳар паллада
Сени кўмсаб, кутиб Нортожим толди...
Нортож мижжа қоқмай ўтказди тунни.
Тонгнинг ғира-шира ёруғлигида
Ўрнидан турди-да, кўрди кўзгунни
Икки деразанинг оралиғида.
Аксига тикилди, юзи синиққан.
Кўзлари киртайган, вужуд заъфарон.
Дадаси, аяси шунга сиқилган
Эканин тушунди Нортож ўша он.
Кўзгунинг олдида туриб қолди у...
Вожаб! Кўзлар ҳам шунчалик ўхшаш
Бўлурму онанинг кўзларига!.. Бу
Уй этди негадир қиз юрагин гап.
Аясин кўзлари ҳақидан кимдир
Айтгани: «Сурмаси ўзи билан-а!»
Бу ўйлар ўтаркан хаёлдан бир-бир,
Қиз нигоҳ қадади кўзгуга яна
Ва кўзи рўпара деворга илиб
Қўйилган дуторнинг аксига тушди.
Қиз турган жойидан оҳиста жилиб,
Дуторни қўлига олди-ю, жўшди.
У ўша қўшиқнинг чалди куйини,
Чалди ўзи билмай бир уринишда.
Чалди юрагига сингдириб уни,
Қолди тўлқинланган олам жунбушда.
Интизорлик, соғинч, чарчоққа тўлган
Юракка кирди куй бағишлаб ором.
Неча дард, армонлар, аламлар туйган
Дилга малҳам бўлиб, тонгни этди ром...
Нортожнинг қўлида тинчиди дутор,
Қиз уни қучоқлаб деворга илди.
Гўё қолмай энди борлиқда ғубор,
Субҳикозибларга эзгулик инди.
Шу дам қишлоқ узра ястанган тонгнинг
Тинчин, жим-житлигин ёриб ногаҳон,
Қўшиқнинг... ҳа, ўша оҳангнинг
Садоси янгради, тиграб кетди жон.
Нортож шошиб қолди, тим қора сочлар
Орқада ёйилиб тўлғонди сарбаст,
Кўчага отилди, ёзиб қулочлар,
Кўзлар олазарак, тикилди нафас...

... О, меҳр, шодликка йўғрилган армон,
О, меҳр, мунча ҳам буюк, улғусан.
Синиқ юракларга ўзингсан дармон,
Синиққан руҳларга ўзинг кунлўғсан.
Инсонлар дилига жо бўлганингдан
Олам ҳам чароғон, кунлар ҳам порлоқ.
Меҳрсан, сеҳрсан, сен қулганингда
Олдинда ожиздир қуёш ҳам бироқ.
Нортожнинг юрагин айлабсан макон,
О меҳр, адашмай танлабсан қаср.
Руҳин фидо айлар — бу сенга аркон,
Ҳам жон, ҳам вужуди — сенгадир назр.
Кўчага отилди Нортож бечора,
Интиқ кўзларидан оқар дув-дув ёш.
Яқтакли йигитни кўрса у зора:
«Эй, худо, худойим, ўзинг бер бардош...»
Кўчага чиқди-ю, таққа тўхтади,
Йигит ўтирарди ўша жойида.
Қиз нафас ростлолмай қўшиқ тинглади,
Қўшиқки, жонини қирқди жодиди.
Қўшиқда бор эди алам, ҳам фиғон,
Ҳасрат ҳам изтироб, ўтда ёнган жон,
Оламни вулқондек портлатган армон,
Қўшиқда бор эди оққан дарё қон.
Нортож ҳам йиғларди, термулиб фақат,
Нортож ҳам йиғларди, хўл бўлиб кўкси.
Нортожим йиғларди, қилолмай тоқат,
Бевафо дунёни тушунмай, ўқсиб.
Не қўшиқ бўлди бу? Олди-ку жонни,
Умрнинг тинчини айлади вайрон.
Остин-устун этди ёруғ жаҳонни,
Қизнинг дилин қилди телбаю ҳайрон.
Нортож яқинлашди йигитга аста,
Унинг кўзларидан тикилди чанқоқ.
Меҳр ва эзгулик битган гулдаста
Бўлиб оёғига тўкилди ногоҳ.
Нигоҳлар тўқнашди, тўқнашди кўзлар,
Бирдан кўтарилди тўфонли бўрон.
Пароканда бўлди тизилган сўзлар,
Яшинлар чақнади гумбирлаб осмон.
Даҳшатли суронда иккиси ёлғиз,
Бир-бирига қадаб нигоҳларини,
Бир зум ўтирдилар, беун, жим, сассиз —
Аршга йўлладилар тикилди оҳларини.
Йигит дик этди-ю, турди ўрнидан,
Табиатни қучди яна сокинлик.
Қизнинг хаёлида бир вужуд, бир тан
Бўлгандек иккиси шу дамда ва лек...
Оқ яқтакли йигит шошмай кетарди
Индамайин яна ўша тоғ томон.
Бузилган кўприкдан енгил ўтарди,
Қизнинг дилин ўртаб ўтди ҳаяжон.
Кетидан югурди, бузилган кўприк
Олдида тўхтади пастда ваҳший, оч.
Сой оқар шарқираб, чиқариб қўшиқ,
Нарёққа ўтмакка йўқ зарра илож...
«... О сел, нелар қилдинг бузиб кўприкни,
Сени деб тўсилди интиланган йўлим,
Наҳотки, мен учун сақласанг кекни,
Наҳот орзумга тиласанг ўлим?!
Менинг оқ яқтакли дилбандим кетар,
Тоғларни оралаб кетар у, қара,
Жонағар сўқмоқлар, жўнағар йўллар,
Уни чорлаб, нечун ютмоқда дара...»
Нортож туриб қолди сой ёқасида,
Қўшиқни йўқотди у яна бир бор.

Сойнинг жўшиб урган мавж ҳалқасида
 Йигит кўзларини кўрди у такрор.
 Кўрди-ю, сесканиб кетди тан бирдан —
 Онанинг кўзлари боқарди гўё,
 Онанинг кўзлари, ўша йигитда,
 Сурмали кўзлари, йўқ, йўқ бу рўё.
 Нортोज титраб кетди. Ким ахир бу зот?!
 Не учун кўриниб сўзлашмас ҳамон?!
 Қўшиқ айтиб кетар қишлоқда бот-бот,
 Не учун кўзлари бахи айлар дармон.
 У орқага қайтди негадир энди
 Утиргиси келди, тутнинг тагида.
 Ўша йигит каби бошини эгди
 Ва қўшиқ куйлади висол дардида.
 У узоқ ўтирди кўзини юмиб,
 Кўзларин очганда кўрди ол қуёш
 Дарахтлар учини нурларга кўмиб,
 Мўраларди тоғнинг бошидан ювош.
 Боботуг баргларин орасида жим
 Ухлаган чумчуқлар уйғонди шу дам.
 Гўё сокинликка қилгандек ҳужум,
 Баралла уйғонди овозли олам.
 Қушлар чуғурини тингларкан Нортोज
 Уйлади: «Ҳар кимнинг ўз қўшиғи бор.
 Мен ўша қўшиққа ошиқман, муҳтож...
 Усиз кенг жаҳон ҳам энди менга тор...»
 Ез ўтиб кузакнинг нафаси инди,
 Аммо йўқ йигитдан, қўшиқдан дарак.
 Нортोज кута-кута бардоши синди,
 Ва лекин кутушдан толмади юрак.
 Яна ҳар тонг чиқиб Нортोज бечора
 Гувала деворнинг ортида кезар.
 Юрак ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, бўлиб минг пора,
 Кўзлар тут тагидан узмайди назар...
 Лексин оқ яктакли соҳибқирон йўқ,
 Йўқ қалбин забт этган шоҳисултони.
 Қўшиқ йўқ, орзу йўқ, руҳга дармон йўқ,
 Гўёки умрнинг куйган ҳар они...
 Ва бир тонг, ва бир тонг тутнинг тагида
 Утирган йигитни кўриб қолди қиз.
 Умид парпиради дилда янгидан,
 Ут олди юракда сўнаётган ҳис.
 Отилди кўчага, тиқилиб нафас,
 Шошилди оҳуаде йигит қошига.
 Энтикиб тўхтади, жим қолди бир пас...
 Йигит ҳайрон боқди кўзнинг ёшига.
 Сўнг ўрнидан турди. Қизнинг кўзлари
 Қамашди йигитдан таралган нурдан,
 Бўғзига тиқилди бирдан сўзлари.
 Оёқлар ҳам гўё узилди ердан.
 Бир дам шу ҳолатда қолди шўрлик қиз,
 Кейин нигоҳларин узмай йигитдан.
 Сўради овози титраб: — Сиз кимсиз?
 Қайси қишлоқдансиз, ё қайси юртдан?
 Йигит жим, қиз дилин ўртади жунбуш.
 «Не учун бу кўзлар шунчалар азиз!..
 Шунчалар азиз-у, шунчалар таниш...
 Мана шу сония нақадар лазиз...»
 Йигит жим, фақат жим боқади. Нортोज
 Яна гап бошлади: — Биласизми, бу
 Қўшиқсиз яшашим энди беилож...
 Сиз каби куйламоқ — ягона орзум...
 Йигитнинг кўзлари чакнади ногоҳ,
 Киприklar остида милтиради ёш
 Ва бирдан табиат, борлик уриб «оҳ»,
 Йигит қиз олдида аста эгди бош...
 Ва яна тоғ томон жадаллаб кетди.
 «... Бу не ҳол, нега у сўзлашмас яна,
 Ахир поёнига сабр ҳам етди...»
 Йигитга эргашди қиз, қалби ёна.
 «Бор унинг кетидан» — туртар ички куч,
 Юракнинг қағридан отилди нидо:
 «Борақол, бағринга уни босиб қуч,
 Борақол, борингдан бўлмаган жудо...»
 Йигит кўтарилиб кетарди тоққа,
 Қуриган хору-хас, майда ўткир тош.
 Гўё бермас эди озор оёққа,
 Йигит кетар эди ҳамон эгиб бош.
 Нортोज ҳам изма-из юрди жадаллаб,
 Юрагин дарёдек оқизди меҳр.
 Йигит дим тўхтади (балки жой танлаб),
 Бош узра шаббода эсарди ғир-ғир.
 Йигит ўгирилмай турди Нортोजга.
 Қиз аста қаради қишлоғи томон.
 Қишлоғи кўринмас, ер гўё кўчган.
 Атроф баланд тоғлар, чўққилар ҳар ён.
 Тонгнинг аёзими ёки кўрқувдан
 Вужуди титради, йигит ҳамон жим.
 Катта харсанг томон юриб дафъатан,
 Бир тошга ўтирди, кўтарди бошин.
 Нортोज қимир этмай турди, нигоҳин

Узмай дард таратган таниш кўзлардан.
 Ва бирдан эслади, неча диллар хун
 Бўлган шу кўзлар деб, музлаб кетди тан.
 Табаррук жавоҳир каби бир сурат
 Сақланиб келарди неча замонлар.
 Уйининг тўрида, неча кин, тухмат
 Қилсалар ҳам унга золим, ёмонлар.
 Бу сурат ёдига қилмай хиёнат,
 Асраб қолинди у неча бор, ҳайҳот.
 Уни кўлга олиб йиғлаган она,
 Неча бор қилган у тунлари фарёд.
 Бу кўзларни энди таниди Нортोज,
 Таниди-ю... оғзин кафт билан ёпиб.
 Чинқириб юборди, нураб тушган тож,
 Гўё ана зарҳал нур сочди ёниб.
 Оғзини кафт билан беркитганича
 Тонг қотиб турди қиз, тоғларнинг бағри,
 Акс-садо таратди. «Эй кўнгил, пича,
 Тинчлан, гуриллама, эй, хаёл наҳри.
 Ҳа, ҳа, бу ўша, ҳа бу ўша кўзлар,
 Армонга айланган бокира ҳаёт.
 Эй юрак, наъра торг, эй кўнгил, бўзла!
 Наҳот у йлмаган, тирик у наҳот...»
 — Сен ҳақсан, мен ўша, ёшлиги барбод,
 Ҳаёти жувонмарг бўлган бахтсизман.
 Қўшиқни севардим, куйлар эдим шод,
 Мен қўшиқ айтганда порларди осмон.
 Жигарим, бу ерда мен бўлсам пайдо —
 Ўтли меҳру, соғинч, унларинг сабаб.
 Менинг суратимга термулиб шайдо,
 Уйқусиз ўтказган тунларинг сабаб.
 Қўшиқим сайроқи бир булбул эди,
 Сайраса бўларди олам чарогон.
 Туттиб уни бир кун қузғунлар еди,
 Узимни бўғизлаб кетдилар шу он.
 Бир армон мен билан кетди юракда.
 Энди бу армон йўқ, чунки сен борсан.
 Қўшиқим тирикдир ҳар бир тилакда,
 Энди сен умрбод унга дўст, ёрсан.
 Мен сенга қўшиқим берай деб келдим,
 Энди у сеники, сеники абад.
 Мен Етти фалакдан қувониб елдим,
 Янграг қўшиқимни, оламга тарат.
 Жаҳонга ёй уни, менинг жигарим,
 Кўз ёшинг кўрмасин ҳеч қачон руҳим.
 Ҳеч қачон бўлмасин насибанг ярим,
 Бошинга тушмасин мен кўрган зугум.
 Аста яқинлашиб лол қотган қизга
 Йигит унинг бўлди пешонасидан.
 Нортожим, бошинг қўй унинг кўксига,
 Баҳра ол қалбининг зар шуъласидан.
 Кўз ёши нам этган юзини Нортож
 Йигитнинг бағрига қўйди оҳиста.
 Ўша зум бошига гўё кўндиди тож,
 Бир зум ором олди дил бу оғушда.
 Йигит қиз қўлларин бўйнидан олди.
 Жилиб икки қадам орқага деди:
 — Вақт бўлди, жигарим, руҳим ҳам толди,
 Абадий маконим кутмоқда энди...
 Тоғларнинг сукутин бузди
 қиз доди:
 — Йўқ, шошманг, мен ахир тўймадим сизга!..
 Мен ахир очмадим дилим фарёдин,
 Ахир дил розларин ёймадим сизга...
 Бир-бир қадам ташлаб орқага йигит
 деди: — Мен биламан барини, хайр...
 Сенга ишонаман, қадаминг собит.
 Сен айтар қўшиқинг ёғдирар хайр.
 Нур сочиб порлади йигит ногаҳон,
 Сўнгра, гойиб бўлди фарёд қилди қиз.
 Бирдан қўшиқ янграб кетди ўша он,
 Қуёш тоғ ортидан чиқди очиб юз.
 Қўшиқ эса авжин оларди.
 Нортож жим бўлиб тинглади.
 Негадир шу дам юрак энгил торгди
 Ва энгил парвоз чорлагандек бўлди.
 Қалбидан ситам, аламлар йўқолди...
 Фалакда қуёш заррин нурлар сочди,
 Еришди ҳар ён,— Нортожим,
 Кўзингда милтираган ёш бўлиб
 Бу оламдан тўкилсин армон...
 Қўшиқ эса авжин оларди. Нортож
 жим бўлиб тинглади. Негадир шу дам
 юрак энгил торгди ва энгил парвоз
 чорлагандек бўлди. Қалбидан ситам,
 аламлар йўқолди... Фалакда қуёш
 заррин нурлар сочди, ёришди ҳар ён.
 — Нортожим, кўзингда милтираган ёш
 бўлиб бу оламдан тўкилсин армон...



Бибисора ОТАЕВА

Кўнглим садосини эшитсин олам...

Соғлигинг йўлига харж хонумоним,
 Сидқи вафойингга садқа бу жоним.
 Кўнглимни бермамдир асло ўзгага,
 Мурудим-мақсудим сен жонажоним.
 Йўлларингни ўрай меҳр гулига,
 Гулзорларни эҳсон этса боғбоним.
 Бевафолик надур билмай ўсдим мен,
 Вафоли қонидан аслида қоним.
 Айтаверсам дилда гапим кўп, аммо
 Қисқа қилай шарҳни эй, нуктадоним.
 Кўнглим садосини эшитсин олам,
 Бўлсин ошкора сирри пинҳоним.
 Ҳақимда ноҳаққа бормагайсан ҳеч,
 Учмагайсан иғво сўзга, полвоним.
 Еду ййим сен-ку қиёматгача,
 То маҳиар кунни ҳам сен қадрдоним.

Лавҳа

Ариқ, йўл бўйларига
 Ғуж-ғуж гулбўтакўзлар,
 Қоқигуллар, юлғунлар,
 Зарпечаклар, ялпизлар.
 Тонгда хушбўйлар билан
 Муаттар бутун атроф.
 Нақш олма ҳидли боғлар,
 Шодон руҳижон тараб.
 Шўх ҳазил-мутоиба,
 Айтимдан ёдлаб дилга,
 Уйидан даласига,
 Қуёш ҳароратига
 Йўғрилган бу кун юрак.
 Эл учун жон чекмаклик,
 Ешларда олий тилак.

Қўшиқ

Садоқатли дўст-ёрсан, қўшиқ,
 Йўлда йўлдош, ҳамкорсан, қўшиқ,
 Сен бўлмасанг нима қилардим.
 Ҳасратлардан тамом ўлардим.
 Қўшиқ, қўшиқ, мен сенга шайдо,
 Сен жонларга жон қўшган сиймо.

Ноҳақликлар эса дилимни,
 Тухмат, иғво босса йўлимни,
 Юпатгали нохуш кўнглимни,
 Давосига сен ўзинг тайёр,
 Эй, оҳанрабо қўшиқ, мадор.

Сен менга гоҳ ҳазрат Навоий,
 Гоҳ Фузулий, гоҳи Отойи,
 Гоҳ Нодира, гоҳида Жомий,
 Гоҳ бўлиб Мунису Оаҳий.
 Ургатасан шукронларга,
 Ер этасан фарзонларга.

Қўшиқ, қўшиқ, мен сенга шайдо,
 Хонамни тарк этма мутлақо.

ИШІК САВДОСИ

Ҳикоя



Сўлим август оқшоми. Қуёш аллақачон ботган эсада, қоронғулик унча қуюқлашмаган. Ҳозиргина кўрага қамалган кўйларнинг шовури ҳали тинчиганича йўқ. Чўл чигирткалари тарафма-тараф «хониш» бошлашмоқда. Ҳавода ёвшан ҳидини димоққа урувчи экин кезади. Капа олдидаги ялангликда ердан тизза бўйи кўтарилган тош супадада қўйчивонлар кўрпачаларга чўзилишган. Супачанинг пастида эса иккита кучук «тўра»лариға умидворлик билан кўз қирини ташлаб, олдинги оёқларини чўзиб ётишипти. Эрали чўпон капанинг ичкарисиди куймаланаётган Шоқулға қараб:

— Ҳув мўйлов, нимаг бор ахир, опкесангчи. Қоринлар очиб кетди-ку, — деди.

Шоқул тақасифат мўйловини кериб кўлимсираганича ичкаридан гўмбаздек қилиб тугилган қуроқ дастурхон кўтариб чиқди. Тугунни очишди. Чоғроққина сирли лаганда иссиққина палов экан. Ошнинг устига бостирилган иккита нонни олган замон паловнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди ён-атрофга таралди. Шунда учинчи шерик «оҳ-оҳ»лаб илжайганича кафтларини бир-бирига ишқаб, бетоқатлик билан Шоқулға қаради. Шоқул бир парча нон устида гўштни майдалади. Суякларини ажратиб, пастга — кучукларга ташлади-да:

— Қани олдик, бисмилло... — деб ошга кўл чўзди.

— Қаердан келди бу, ким олиб келди? — қоши билан ошга им қоқиб сўради Эрали. Шоқул қишлоқдан ким келганини, кимникида қанақа тўй бўлаётганини бир бошдан айтишга тушди... Учунчи шерик эса чўкка тушганича дастурхонга хиёл эгилиб, даврандошларига эътибор ҳам бермай, ошдан пайдар-пай олиб турарди. Ҳаял ўтмай Шоқул дастурхон четидидаги сочиққа кўл чўзди.

— Ҳа, — деди Эрали, — биз келгунча гўштиндан роса «туз кўрар» қилганга ўхшайсан-а, дарров кўлингни тортаяпсан?

Шоқул мўйловини сийпалаб, овозсиз кулди-да, лаган четидан сирққан ошнинг ёғига жимжилогининг учини ботириб, қошларига суртди:

— Қош одамнинг энг дўст аъзоси эмиш, — деди у шу аснода, — нариги чин дунёда одамзоднинг ҳамма гуноҳу савобларини таразига солиш учун Мункар Накир савол-жавоб қилаётганида кўз қурғур эгасини сотармиш. «Ҳа, фалон гуноҳни қилувди, мен кўрувдим», деб. Шу пайт қош: «Сендан баландда бўлиб мен кўрмайман-у, сен қандай кўрасан, ёлғон», деб эгасининг тарафини олармиш.

— Ҳа-а, шунинг учун хушодадига қошимни мойлаяпман-да, — дея кулди Эрали. Учунчи шерик эса ҳамон иштаҳа билан ошдан тушириб турарди...

Ҳа, улар бор-йўғи уч киши эдилар. Учовларига ҳам чўпонлик ота касб. Иккитаси — Шоқул билан Эрали деярли ҳамтенг. Ешлари олтмишини қоралаб қолган бўлса-да, ҳали бардам, бақувват. Бир-бировини лақаби билан атаб, сенсирашиб, ҳазиллашиб, инсон қадамини сийрак кўрувчи шу тоғу тошларни гулдурос кулгуларга кўмиб, сурувнинг ортидан юргани юрган. Иккаловиям ҳафта сари шундоққина тоғ этагида жойлашган Гужумли қишлоғига уй-рўзгордан хабар

олгани галма-гал бориб туришади. Қишда ҳам ҳар кун икковидан бирови қолиб егулик тайёрлайди. Учунчи шерик эса, ёши ўттизларга бориб қолган, алп келбатли йигит. У ҳафта сари қишлоққа бормади, уй-рўзгори йўқ. Аксинча, қишлоқдан бир-икки нафар одам келгудек бўлса, итларини эргаштиради тоғ бағригами, дарагами кетиб қолади. Шундай пайтларда шериклари: «Хаҳ, ёввойи-я, зимми гоийб бўлибди-да, дарров», деб кулиб қўйишади. У қапада қолиб овқат тайёрлашдан ҳам мустасно — пишир-қуйдирга қўли келишмайди. Лекин паловни, айниқса, тўй ошини жуда яхши кўради. Мана, шериклари аллақачон ошхўрликни бас қилишган бўлсалар-да, у тағи кўриниб қолган лаганга ҳамон иштаҳа билан кўл чўзиб турибди.

— Мўйлов, — деди Эрали қоши билан учинчи шерикка имо қилиб, — қизталоқнинг ош ейишини қара. Ҳар бир кўл ҳам, — Эрали бошини сарак-сарак қилиб кулди, — гурзидай. Икковлашиб яна кулишди. Сўнг Шоқул жиддий тортиб деди:

— Бу дунё ўзи доимо бир мири кам экан-да. Ахир, манавининг ҳазрати Алидай дев қоматига яраша биргина забонни аямаса нима қиларди?

— Ҳа-я, — дея Шоқул хўрсиниб қўйди. Сўнг яна юзларига кулги инди. — Узиям палов ейишни фақат шунга чиқарган-да. Тоғоранинг тубини яламаса қўймайдиганга ўхшайди.

— Тўй оши бошқача бўлади-да ўзи... Тўй ошига дуои пир кетган дейишади. Кўпчиликнинг ризқи-да. Ман-ман деган ошпазинг ҳам бошқа пайтда тўйдагидай ширин ош пишира олмайди.

— Жуда валломатсан-да, дароз. Кўп билганингдан бўйинг ўсиб кетган.

Чўпонлар лўлаболишларга ёнбошлашиб, бир оз чақчақлашди. Гунг эса, гап ўзи ҳақида кетаётганини сезиб, шерикларига беозоргина жилмайиб боқди. Йигит уларнинг нима деяётганларини юз-кўз ифодаларидан, қолаверса, оғзининг қимирлашидан билиб оладиган бўлиб кетган. Аммо у ҳеч қачон шерикларидан хафа бўлмайди. Биладики, унинг бир ўзини ўнга тили буррога алмашмайди, жонлари қадар яхши кўришади. Аёвсиз ҳазиллари эса, ўзлари каби беғубор... Ниҳоят, Гунг бўшаган лаганни ўздан нари суриб, шерикларига гина-қудуратсиз қараб қўйди.

— Қалай, ош зўр эканми? — сўзини ишораларда баён қилди Шоқул.

Гунг илжайганича бош бармогини ҳавога ниқтади: «Зўр!»

— Тўйнинг хабари келди, қишлоққа бориб кел, десак, қовоғингдан қор ёғиб, еттинг юмилиб кетади, биров ош келтириб берса мазза-а?

Гунг шерикларининг ҳар доимги гина-гузурини дарҳол фаҳмлади ва қўлларини кўксига қўйди: «Узр».

У дастурхонни йиғиштириб, ўчоқбоши томонга кетди. Бир ошдан сўнг итларини эргаштириб, кўрани бир айланиб келди-да, супагага чиқиб чўзилди. Ҳаял ўтмай бир текисда хуррак ота бошлади.

— Дарров бунинг уйқусиям тайёр. Қорни тўйса бўлди — ғамиям йўқ, ўйловиям.

— Йў-ўқ, бунинг ҳам ғами бор. Тўйди ошдан тўймай қолса, ғам босади буни ҳам. — Яна чўпонларнинг қийқириқ кулгиси қоп-қоронғу кеча бўйлаб таралди.

* * *

Гунг йигитнинг асли исми Ҳасан эканлигини қишлоқдошлари ҳам, шериклари ҳам аллақачон унуттишган. Уни Ҳасан деб атаб юрувчи бирдан бир одам отаси Али чўпоннинг ҳам дунёдан ўтиб кетганига анча бўлди. Йигитнинг ўтмиши ҳақида гап кетгудек бўлса, Эрали чўпон шундай ҳикоя қилди:

— Раҳматли Али аканинг ёши қирқларга бориб қолувди. Уша кун мен қапада қолиб, овқат тайёрлаётган эдим. Қишлоқдан хабар кеди: «Али чўпоннинг аёли кўзи ёрибди — қўйи ўғил кўрибди». Раҳматли Али ака бу хабарни эшитиб, қувончдан юраги ёрилай деган. Саратоннинг тафти ёндираман деб турган айни пешинда эшагига хуржунини ортиб, йўлга тушувди. Шу кетишда ўзиям уч кунми кетди-ёв. Унинг бир ғазали бўларди. Юрган йўлида айтиб юрарди.

Рўмолим бор чил тешик,
Қибладан очай эшик.
Қўйи ўғил туққан ёримга
Элтай тиллодан бешик...

Аммо-лекин бечоранинг қувончи узоққа чўзилмади. «Етдим деганида етимча йиқилган экан», деганларидек, икки ойми, уч ойми ўтиб чақалоқларининг бири нобуд бўлди. Бирор йилдан сўнг эса хотиниям бир бедаво дардга йўлиқиб, уям кўз юмди. Шўрлик Али ака энди тўртта тиши чиққан, ипилтириқдай бола билан қолиб, бир кунларни кўрди-ей, ҳалиям қишлоқ одамлари оқибатли, бир-бирига меҳрибон-да, Алига кўмаклашиб, боласини оёққа тургазиб беришди. Буниям уч-тўрт ёшларга етган билсаларки, бола гунг ҳам кар экан. «Пешонамнинг шўри бунчаям кўп бўлмаса», деб бадбахт Али ягона зурриётини олиб тўрт томонга чопди. Аммо-лекин бирор жойдан даво топмади. «Дарди тугма» деб айтишибди қаерга борса. Раҳматли Али ака тақдирига тан берди, бошқа иложиям йўқ-да, ўғли эшакнинг нўхтасини удралайдиган бўлувдиамки, шу тоғу тошга ўзи билан олиб келди. Ҳа, ўғлининг мана бундай қарчгайдай бўю багини кўрмай ҳам ўтиб кетди, бечора... Аммо-лекин Али бадбахт бир содда, мўмин, бўш-баёвгина эди. Ўғли гунг бўлсам бало, отарни бир ўзи эплайди — жуда сезгиси кучли. Ҳайфки тили йўқ-да, — афсус билан ичи куйиб бош чайқайди Эрали.

Шундай чоқларда ҳазил-хузул қон-қонига сингиб кетган Шоқул орадаги хафақон «муҳит»ни дарров ўзгартиргиси келиб деди:

— Асли тоғда юрган чўпонга тил нимага керак ўзи? «Ҳайт-хуйт», «бах-бах», «оҳ-оҳ»ни билади-ку буям. Бўлди-да шуям. Нима, эл олдиға чиқиб маъруза ўқирмиди?

Эрали ҳам аввалига кулди, сўнг маънос тортиб деди:

— Ундай дема, ошна. Уям худонинг бандаси. Умид билан ёруғ оламга келган.

Бояги ҳазил гапидан мулзам бўлган Шоқул бир оз каловланиб қолди, сўнг «айбини» ювадиган гап топди шекилли, шоша-пиша:

— Менга қара, сен дарозни бўйинг беҳудая ўсмаган — ақлинг кўп. Энди, ошна, қишлоққа тушсанг-да, катта-кичик билан маслаҳатлашиб, шу бадбахтниям бошини икки қилиб қўйишининг ҳаракатини қилсак.

— Гапнинг онасини айтдинг лекин. Шу фикр менинг ҳам эсимга бот-бот келарди-ю, аммо бу забонсиз ёввойига тегадиган бирор аёл топилармикан, деб индамасдим. Қанийди, шундай бўлса, раҳматли Али аканинг ҳам руҳи шод бўларди...

Шундан сўнг Эрали чўпон қишлоққа тушиб, катта-кичик билан маслаҳатлашиб, ҳар замонда тутқаноғи тутса ҳам, оёқ-қўли чаққонгина, ёши шу гўнг йигит тенги бир бевани келинликка маъқул кўришиб, гапни бир жойга қўйиб қайтди. Бу янгиликни имо-ишоралар билан Ҳасанга ҳам тушунтиришди. Гўнг қулоқларигача қизариб, илжайганча ерга боқиб нари кетди...

* * *

Гужумли қишлоғи шундоққина тоққа тушиб кетган. Қишлоқда ариқ ёқаларида, йўл ва ҳовуз бўйларида ҳам қучоққа сирмас асрий гужумлар яшнаб туради. Бу қишлоқда яшаб ўтган бобокалонлар гужум барча дарахтларнинг асили деб ихлос қўйиб ўстиришган эканлар ва ҳар йили кузда ёшини яшаган гужумлардан бир-иккитасини йиқитиб, арралаб, бўлакларга бўлиб, янги оила қурган ёш келин-куёвларга рўзгор асбоблари — гўшткунда, ўғир, кели сопи ясаб беришаркан. Гужумнинг шохларидан эса бўриқалтак ясаган. Ҳикоя қилишларича, гужумнинг шохлари жуда бақувват бўлиб, ундан ясалган калтак билан бир уриб, бўрини бемалол қулатарканлар. Тоғликларнинг ҳар бир ҳовлисида шундай анжомлар ҳам бўлиши керак-да. Шунинг учун бўлса керак, бу қишлоқ аҳли гужум дарахтига ўта ихлос қўйган. Баҳорда янги келин-куёвлар албатта гужум ниҳолчасини ўтқазишади. Гужумли қишлоғига ямашиб турган тоғнинг ичкарисидан эса шу қишлоқлик чўпонлар қўй боқишади. Улар асосан колхоз қўйларини боқишади, лекин қишлоқларидаги ҳар бир хонадоннинг қўй-эчкиси ҳам шу сурувда бор. Қишлоқ аҳли бирорта тўй-маъракада чўпонларни эсдан чиқармайди, албатта хабар юборади. Келишмаса, насибаларини юборишади. Аммо чўпонлар ҳам иложи борича тўйхонага бирпасгина кириб, «қуллуқ бўлсин» деб чиқшини ўзларининг бурчлари деб билишади.

— Бундан буюғига тўйларга Гўнгни юборсак. Эрта-индин кўёв бўладиган одам элга сал қўшилсин. Ҳам ўша беваминан бир-бирини кўриб, кўзи ўргансин. Энди шундан шунга эшак устида бориб келишга ўзимизнинг белимиз ҳам чидамайди-а, савил, — деб қолди Шоқул. Унга жавобан Эрали: — Улсаям кўнмас бу одам ёввойи, — деди.

— Кўнмаса хотинам йўқ-да. Буюғи то пахта терими бошлангунча ҳар кун тўй. Бормасак тўйчининг димоғи куяди...

Улар ўз фикрларини Гўнгга ҳам обдон тушунтиришди. Эрали айтганидек, бу гапни аввалига Гўнг ҳатто «эшитгисиям» келмади. Сўнг шерикларининг қовоқлари рост-камига уюлганини кўриб, бир шарт қўйиб рози бўлди. Шарти шуки, бир-икки тўйга у билан бирга шерикларидан бирови боради.

— Дароз, ўзинг бирга бораёқ. Бу бешох сендан кўпроқ ҳайиқади. Мени йўлда алдаб қайтиб келиб қўйишдан ҳам тоймайди бу.

Шундай қилиб Ҳасан Эрали чўпон билан олдинма-кетин эшакларига миниб қишлоққа — тўй бўлаётган ҳовлига кириб боришди. Эшакдан тушганларидан кейин ҳам Гўнг Эралидан бир қадам қолмай, унинг панасида кўзлари атрофга жовдираб, қоқилиб ошпазнинг олдига келишди. Эрали чўпон Ҳасанни ошпаз Бекқулга таништириб қўйди (аслида бир қишлоқлик бўлсалар ҳам Гўнг қишлоққа камдан-кам тушганидан уни ёшларининг кўпи танимасди).



Мустақил ўлканинг болажонлари, Бир олам-жаҳондир ҳаяжонлари.

Миллий либосига пичоқ ярашган, Бор бўлсин у чевар аяжонлари.

Сураткаш Содиқжон МАҲКАМОВ

— Сен яхши кўриб ейдиган ширин ошларни шу аканг пиширади, — деб икковини қўл олиштирди...

Шу-шу Ҳасан қайси тўйга бормасин, тўғри гуриллаб олов ёнаётган ўчоқ бошига — Бекқулнинг ёнига ўтади-да, ўчоққа ўтин тикишади, самоварга тараша ёриб беради. Сўнг ош тайёр бўлгач, мазза қилиб бир товоғини тушириб олади-да, ошпаз узаган ош тугилган дастурхонни шерикларига олиб, эшагига миниб изига қайтади. Шериклари ҳам хурсанд. Қишлоқ оқсоқоли ҳам хурсанд — энди ҳар тўйга алоҳида хабарчи юбориб ётмайди. Бекқул орқали (Бекқул Гўнг билан «тил топилган») қишлоқдаги ягона одам) янги тўйни тайинлаб юборади.

Ҳасаннинг назарида тўй дегани ошпазнинг ёнига бориб, унга қарашини ва ош пишгач, еб олиб, тузунчани кўтариб орқага қайтиш эди... Бир кун Бекқул «Бугун ош кечроқ тайёр бўлади, унгача сен бориб базминга томоша қилаёқ», деб уқтирди унга. Аммо Гўнг бошини сарак-сарак қилиб, ўчоқ бошида чўккалаётган эдиямки, иккита давангир-

дай йигит унинг икки ёнидан олиб, қарийб судрагандай қилиб даврага олиб кетишди. Ҳасан ёғоч ўриндиқда омонат ўтирар, тура солиб қочгиси келиб атрофга жовдираб қарар, аммо ҳамма ёқда одам кўплиги учун ўтиришга мажбур эди. Йигит янаям бошини елкалари ичра тортар, боши узра порлаб турган электр чироққа норозиланиб қараб қўярди. Бояги йигитлар уни туртиб, аёллар даврасида ўтирган ўша бевани кўрсатишди. Ҳасан йигитларнинг қистови билан кўз қирини бир ташладию дарров бошини ерга эгиб олди. У қўлларини қаерга қўярини билмай ўнғайсизланар, ерга қараб ўтиришиниям, бировга қарашиниям эп кўрмай, нима қиларини билмай бесаранжонланарди. Бир пайт давра ўртасидаги ёғоч саҳнага юз-кўзларига уна-элик чаплаган гажакдор жувон чиқиб, имлар қоқиб рақсга тушакетди. Ҳасаннинг назарида жувон ўзига қараб ишвалар қилаётгандек... ерга кириб кетай деди. Аммо даврадагилар ўшанга қарайвергач, у ҳам ҳар замонда кўз солиб қўярди. Бир пайт йўинчи ўзини кўп отиб ўйнагани-

дан бўлса керак, терлаганидан уна-элиги чаплашиб, терга қўшилиб юзидан оқабгандек туюлди Гунгга. У жиркангандек, афтини бужмайтурди. Куйни эшитмагани учун ўртадаги жувоннинг дакар-дакари жуда галати туюлди шекилли, ҳар замонда лабларини ичидан қимтиб илжаймоқчи бўлади.

Гажакдор жувоннинг рақси тугади. Сўнг даврага йўл-йўл беқасам камзул кийган хотин — қишлоқнинг кайвониси чиқди. Қишлоқ удумига кўра кайвони даврадаги қизларни саҳнага опчиқиб, рақс тушишга ундарди. Қизлар уялишиб, торганишиб, бир оз тайсаллашиб ўртага чиқишар, сўнг ўзларига ярашган усуллар билан саҳнани яшнатиб йўлингга тушишар эди. Бир пайт кайвони саҳнага навбатдаги қизни тортиб чиқарди. Бу қиз ҳам дугоналари каби пича уялиб қимтиниб турди-ю, сўнг саҳна ўртасига келиб, секин қулочларини ёйди... Унинг ним юмук лаблари, қийғос қоп-қора қошлари, ҳаёдан ҳар замон-ҳар замонда ерга қадалаётган кўзлари бирам ёқимли эдики... Белига тушган қирқ ўрим, тўлқин-тўлқин сочларининг учларидан қўнғироқчалари бирам ярашқилики... Ял-ял ёнган атлас кўйлаги сарё қаддини янаям дилбарлаштирган, бошидаги ироқи дўпписининг нафис гуллари худдики қизнинг бошида чаман яшнаб тургандек гўзал эди. Ҳар ҳаракатида, унинг мискин қийғоси, ҳар бир ҳаракатида олам қадар маъно бошқача эди... Вамисоли бир азиз нарсасини йўқотгандек илтижо қилиб, излаб, истаб, бўзлаб гирён айланарди у. Одамларга ялиниб, худого муножот қилиб бағрини чок-чок этарди қиз... Ҳасаннинг боғи ноқулайликлари беихтиёр чекинди — энди у бемалол бошини кўтариб, киприк қоқмай саҳнага термулиб ўтирарди. Қизнинг рақсига шунчалик мафтун бўлган эдики, хаёлида қиз у билан тоғу тошда кезиб юргандек эди. Ҳа-ҳа, ўша — Ҳасан билган, тағгини судраб сурув ортидан юргувчи йигитга аён бўлган қирлару ўнғирлар, бархан-бархан қумтоғлар оша саратонда айни жағ-жағ саратонда сув излаб келаяпти бу мискина. Ҳа-ҳа, бошқача бўлиши мумкин эмас... Ана, юзларида яна изтироб кучайди — оби ҳаётдан дарак топмаяпти, оёқлари бўлиқ қумга ботиб-ботиб қолаяпти, лаблари қуруқшаб, тамшанади — су-у-в-в... Эҳ, бечора, бечорагина. Қўмликдан чиқиб олди шекилли, ҳаракатлари хиёл енгиллашди. Шу тепаликдан ўтса нажот топарди эҳтимол, йўқ, яна топмади — қизнинг қийғос қошлари ўртасида ҳамон тугунча... Вуёғи қир, тақирлик. Ҳув, Емондаранинг ён тарафидан тиканлар, қуриган ёвшанлар кўп. Бечора қиз-а, шу йўлдан ўтмасанг нима қиларди? Мушқул жойни танлабсан-да. Ана, айтмовдимми, тиканлар кўп, деб... Қизнинг оёғига тикан кирди шекилли, бир жойда йиғламоқдан бери бўлиб айланиб қолди. Йўқ, йиғламоқдан бери, деб бўлмайди бу туришини, ундан ҳам баттар, айтмоққа сўз йўқ бу азобнинг... Хайрият, қиз чашмани топди! Кўзларида умид учқунланди, лаблари кулгига мойилланди. Эҳ, нодонгина қушча, Емондарани оралаб ўтмаганинда шунча азоб йўқ эди. Ана, чашмага бир-икки одим қолди. Бу ўзимизнинг Музбулоқ-да — сувидан ичган одам мазза қилади. Ана-ана, бир одим қолди, секинроқ бор, шошиб ичма, қалқиб кетасан... Ҳа-а-а, нима гап? Яна нега тундлашдинг? Э, сароб эканми, алданибсанми? Чўлу саҳроларда бўладиган ҳодиса бу, хафа бўлма. Уф-фе, яна изтиробми, э-воҳ, яна дардми? Чидаб бўлмайди бу жонни қовурувчи адоғи йўқ азобга, аламга...

Ошпаз келиб Ҳасанни туртди: «Кеч бўлиб қолди-ку». Ҳасан Бекқулга анграйиб қараб тураверди.

— Не, — деди Бекқул, — бунга ароқ-пароқ бердингларми нима бало?..

Гунг эшагига минди. Унинг доимий ҳамроҳи — кўк ҳангиси ўзига таниш ёлғизоёқ йўлдан тоғ оралаб лўкиллар, бу гал хўжаси уни тез юришга қистаб-ниқтамас, нўхтаси ҳам бўшатилган, умуман, инон-ихтиёри ўзида эди. Осмонда кулчадек ёп-ёруғ ой Ҳасан билан бирга кетиб борарди...

— Не, — деди Бекқул, — бунга ароқ-пароқ бердингларми нима бало?..

Гунг эшагига минди. Унинг доимий ҳамроҳи — кўк ҳангиси ўзига таниш ёлғизоёқ йўлдан тоғ оралаб лўкиллар, бу гал хўжаси уни тез юришга қистаб-ниқтамас, нўхтаси ҳам бўшатилган, умуман, инон-ихтиёри ўзида эди. Осмонда кулчадек ёп-ёруғ ой Ҳасан билан бирга кетиб борарди...

* * *

Ҳасан ёзув-чизувни билмайди. Маошини ҳам Шоқул олади, уст-бошидан органига қўй олиб сурувга қўшиб юборади. Аммо Гунг ўз қўйларини яхши танийди! Баъзан қўйларининг у ер-бу ерини ушлаб кўраётганини шериклари кўриб қолса:

— Ҳах, савил-а, молу жон-да. Бойбувани қаранг, қўйларининг семиз-ориқлигини чамалаяпти, — деб кулишади.

Ажаб, ёзув-чизувни ҳам, пулнинг саногини ҳам билмайдиган Ҳасан ҳафтанинг етти кунини аниқ билади. Айниқаса, бозор кунини жуда яхши кўради. Чунки бозор кунини шериклари у севган таом — палов пиширишади-да. Капа тўридаги тош равоқда ёнғоқдек келадиган етти дона тошни териб қўйибди. Шулардан биттаси оппоқ. У — бозор кунини. Ҳасан тошчаларни қаторлатиб ҳафталик тузади, ҳар кунини биттасини олиб нариёққа тўдалаб қўяди. Шу тахлит бугун ҳафтанинг нечанчи кунлигини «айтиб» бера олади.

Йигит қишлоққа серқатнов бўлиб қолганидан кейин худди бояги тошчалардек келадиган яна бир нечта оппоқ тошчаларни териб келди. Энди у ҳафтада нечта тўй бўлса, ошпаздан библи келар ва ҳафтанинг бошида тўй кунларини ҳам оппоқ тошчалар билан белгилаб ҳафталик тузарди.

Ҳозир қишлоқда тўй кўп — кун ора ёки ҳар кунини тўй — Ҳасаннинг ҳафталигида ҳам оқ тошчалар сероб. Энди у тўйхонага эркин кириб боради, тўғри бориб ошпаз билан кўришади-ю, базми томоша қилишга ўтиб кетади. Ҳар гал беқасам камзулли кайвони хола саҳнага қизларни олиб чиқади. Айримлари билан қўшилишиб йўнаб ҳам беради. Ҳар гал ўша қирқ кокилли, киприклари ҳаёдан қуйи эгиллаган қиз даврага секин чиқади. Аввал ийманади, ҳаёдан қип-қизаради, сўнг давра ўртасига келиб, қулочларини секин ёяди... Бошланади... Ҳасан яна қизга қўшилиб ўша Емондарадан (гарчи унинг ёмонлигини билса-да) сув истаб, саратонда жижжана бўлиб, йилиб-тирилиб ўтаверади, оёқлари қумга ботиб қолаверади, лаблари қуруқшаб азоб чекаверади-чекаверади... Сўнг кечга қолиб, шерикларига совуб қолган ошни олиб, кўк ҳангисини ўз ихтиёрига қўйиб, ой билан тоғ ичкарасига қараб йўл олади. Шериклари эса, бир-бирига қараб маънодор кулишади:

— Ҳа, беваминан «гурунглашиб» қолдингми, кеча жуда кеч қайтдинг?

Авваллари бевадан «гап» очилғудек бўлса, оғзининг таноби қочадиган Ҳасан энди шерикларига тўмшайиб қараб қўяди.

— Тўйни тезлатмасак бўлмайди. Бунинг шу кетиши бўлса, қишлоқда ётиб оладиган сиёғи бор-ов, — ростакамига ташвишланади Эрали.

— Узи нима деди, ўша бева-да, нима деди, «Мен рози тўй қилавер», дедими? — Шоқул Гунгни туртиб ишоралар қилади. Ҳасан шерикларини ҳайрон қолдириб, оғри-нибгина қарайди ва югуриб туради-да, тобора қуюқлашаётган қоронгулик сари чоп-қиллаб кетади.

— Не, бу нимаси, нима бало урдийкан бунини? — ҳайрон бўлади Шоқул. Эрали елка қисади.

— Агар сезган бўлсанг, энди таппа ташлаб хуррак отишлари ҳам барҳам топди.

— Топдим, — деди Шоқул босиқлик билан, — бева кўнмаган. Кимдир айнитган уни. Умид қилган экан-да бола.

— Бу бешохингнинг ўзидаям борку-я. Одамга ямашини билмайди. Хўмрайиб ўтираверган бўлса, беваём «бор-е» деган-да...

* * *

Қишлоққа қатнов тўхтади — пахта терими бошланиб, тўй ҳам, маърақаю маврид ҳам жой-жойида қолди. Пахта мавсумини қишлоқдагилар «Режа, мажбурият» деб ўтказишган бўлса, Шоқул чўпон билан Эрали чўпон ҳам таҳликада ўтказишди. Гунг йигит Ҳасандан ташвиш тортишарди улар. Гунг гоҳ Музбулоқ бўйига, гоҳ Емондарага тонг-

да ҳам, шомда ҳам кетиб қолаверар, нуқул хаёл сурув, баъзан қўлларини шоп қилар, баъзан илтижо қилиб фалакка чўзар... эди. Чўпонлар Гунг билан жиддийроқ шугулланмоқчи бўлиб юришганида тўсатдан оёқ остидан фалокат чиқиб қолиб, сурувга бир ҳафта ичида икки-уч марта бўри ораласа бўлади-ми. Чўпонлар жуда бесаранжомланиб қолишди. Баъзан гаплари бир-бирларига ёқмай қолади. Гунгниям бир-икки бор силталаб олишди. Ҳамма шодлигу кулги хотиржамликка ярашар экан... Колхоз раиси аҳволни англаб чўпонларга қўшимча куч ташлади — улар бўриларни овловчи мерганлар, бўрибосар итлар...

Йигит-терим оёқлагач, қишлоқдан яна хабар келди. Бунинг англаган Гунгнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Кафтларини бир-бирига ишқалаб ҳали кучукларига ҳазиллашиб қулочларини тортади, ҳали шерикларини ердан даст кўтариб пириллатиб айлантиради. Бир пайт капа ичкарасига шошиб кириб кетди, ҳаял ўтмай Шоқулнинг оқши костюм-шимини (Шоқул уни яқиндагина олувди, ҳали кийилмаган ҳам эди) илжайиб кийиб чиқди. Шериклари хурсанд бўлиб кулишди.

— Тўғри-да, тўйга ясаниб боради-да одам. Шу вақтгача калланга келмаганини. Вақт-лироқ қайтгин-а, биз ҳам тўй ошини соғинганмиз!

Гунг кўлини кўксига қўйиб «хўп» деб ишора қилди ва эшагини қайтадан тўқимлади. Шоқул эса илжайганича Эралига кўз қисди.

— Уям эмас, буям эмас, бу паловни соғиниб юрган. Кўрдингми бугун тўй дароғини библи, гулиқаққосдай очилиб кетди...

...Ҳали айтарли ёнғирчилик бўлмаган эса-да, ҳавонинг қовоғи солиқ. Қоп-қора наметдек ёвлик булутлар осмонни қоплаб секин судралади. Баъзан этни жунжиктирадиган изгирин эсиб қолади-да, тўрттагина ёмғир савалаб ўтади. Хуллас, куз — тирамоҳ ўзидан сезиларли дарак бериб кириб келарди.

Гунг ниҳоят тўйхонага етиб келди. Яна ҳаммаси ўша-ўша. Ошпазга саломдан тортиб, даврага бориб ўтиришу йўинчи қизлару бари-бари ҳар галгидай эди. Фақат, фақат ўша қиз чиқмади йўинга. Нима бўлди экан? Гунг эса унинг чиқишини кутиб ўтираверди, ўтираверди. Ҳар гал ўша қизнинг йўинини кўрардию, йўлга чиқарди.

Бир пайт тўй тугади шекилли, ҳамма ўрнидан туриб қарсақ чала бошлади. Ҳасан ҳам шундай қилди. Давра тўридаги келин-куёвларни гулдор палаклар остида, сочқилар сочиб даврандан олиб чиқишарди. Еш-яланглар келин-куёвнинг олдига тушиб йўил келишапти. Бир пайт келин-куёв Ҳасаннинг ёнгинасидан ўта бошлади. Келин оппоқ рўмол ёпинган, узун кўйлаги ҳам оппоқ. У Ҳасаннинг ёнидан ўтатуриб унга қий қарагандек бўлди. Ҳасаннинг юраги шувиллаб кетди... И, бу ўша қиз-ку! Гунгнинг қарсақ чалаётган қўллари ҳавода муаллақ қотди. Кўзлари шокосасидан чиққудай чатнади. Гўё етмиш икки томириям минг жойидан қирқилгандек, жони бўғзига келиб чиқиб кетмоққа шайланаётгандек...

Ҳасаннинг кўк ҳангиси ўзига таниш ёлғизоёқ йўлакчадан тоғ оралаб ўз майлича лўкиллади. Эшак ўстида қалби вайрон Гунг кетиб бормоқда. Бу гал шерикларига ош олишни ҳам унутибди...

Эҳ, томоша талаб муҳаббат тангриси, тоғу тошлар орасида юрган шу забонсиз кимсани четлаб ўтсанг не қилар эди?! Сенинг ишинг одам қавмини гоҳ осмонга олиб чиқиб, гоҳ ерга тиқиб, ўз ёғига ўзини қовуришми? Тилсиз-забонсиз бир шўрликни доминга илинтирмасанг нетарди?



Қўшрабодда кўпқари.




Чеварлар.



ТАНИҚЛИ МУСАВВИР
 НЕЪМАТ ҲАКИМОВ
 ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР.

Ушбу саҳифадан жой олган янги асарлар: «Нафосат», «Ибн Сино»,
 «Қуш тили», «Таназзул», «Қулги — шифо».





*Эсласин руҳимни авлодинг
десаңг,
Ўтган аждодингни сен ҳамки
ёд эт.*

русмларни ҳам кўпчилигимиз билмаймиз. Қабристонга — қабр тепасигача енгил машинада борувчиларни, бировлар мазорини топтаб ўтганларни, марҳумлар руҳини хотирлаб бир калима дуо айтишни билмаган кишиларни кўриб, надоматлар чекиб, афсусланасан. Қабристонлар сокинлик гўшаларидир. Шовқин-сурон қилиб марҳумлар руҳини безовта қилиш — гуноҳи азим. Аслида, қадимий удумларимизни унутмай, аждодлар ҳурматини эъзозлаб, қабристонга пиёда кириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Халқимизда, масжидинг узоқ, мазоринг яқин бўлсин, деган нақл бор. Қадимда ҳар даҳанинг, ҳар қишлоқ ва маҳалланинг қабристони бўлган. Афсуски шаҳарларнинг кенгайиши, янги йўллар очилиши муносабати билан, жуда кўплаб қабристонлар текисланиб, йўқ қилиб юборилди. Энг ачинарлиси, биз узоқ вақт, ўз қариндош-уруғларимиз дафн этилган ерларга бепарво бўлиб келдик. Уларнинг қабри устига бино қуришадими, йўл қуришадими — индамадик. Аслида бу жойлар ота-боболаримизнинг хусусий ерлари бўлиб, қачонлардир улар ўз ерларидан қабристон учун ажратганлар. Чунки улар бир куни ўзларининг ҳам ўша ердан макон топиларини, яъни охирашларини ўйлаганлар.

Бизлар эса мавжуд қабристонларни ҳам обод қилишни, муқаддас билиб асраб-авайлашни эплотмаётимиз. Қаровсизликдан гагриб ҳолатга тушган, юлгун, янтоқ босиб кетган қабристонларни кўриб қадриятларимизни унутганимизга яна бир бор амин бўламиз.

Жумҳуриятимизда олти ярим мингдан ортиқ қабристон мавжуд. Уларнинг кўпи давлат ва жамоа хўжалиқларининг ерларида жойлашган. Шаҳарлардаги қабристонлар, ҳар қалай, бир мунча тартибга солинган. Масалан, биргина Тошкент шаҳрида жойлашган қабристонлар кейинги ўн йил ичида 20 минг метр бетон ва темир панжара девор би-

Ҳожиакбар

РАСУЛОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Инсон туғилади, яшайди ва охири — эрта-кечми ҳаёт билан видолашади. Бу — табиат қонуни. Қабристон эса инсоннинг сўнги манзили. Шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам борадиган жойи ўша ер.

Дорилзамондан дорилбақога кетганларнинг хоки туроби қўйиладиган жойлар қадимдан кўздан сал четроқда бўлган. Кўпинча дўнглик жойлар қабристон учун танланган. Сабаби ернинг баланд қисми зах сувлардан холи, тупроғи қуруқ бўлади.

Аждодларимиз қабристонларга доимо алоҳида ҳурмат-эътибор билан қараганлар. Улар қабристон ёнидан ўтаётганда баланд

овоз чиқариб гаплашишни, кайф ҳолатда, ҳаром-ҳариш атворда у ерга боришни гуноҳ ҳисоблаганлар. Кексалар бир алам ўтган маҳалда ёки босар-тусарини билмай манманлиги ошган одамга, қабристонни зиёрат қил, деб бежиз айтишмаган.

Афсуски, маълум сабаблар билан миллий қадриятларимизга путур етиши қабристонларга бўлган муносабатимизда ҳам ўз ифодасини топди. Асрлар давомида шаклланган қадимий урф-одатларимизни оз бўлса-да унутдик. Ўзимизни замонавий билсак-да, қабристонга борганда аждодларимизни зиёрат қилиш учун бажариладиган оддий расм-

лан ўралди, зиёратгоҳлар ичидаги 1 миллион 850 минг квадрат-метр йўл ва йўлакларга асфальт ётқизилди. 17 минг метр сугориш қувурлари ўрнатилиб, салкам ярим миллион дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Лекин кўпгина қишлоқлардаги қабристонлар қаровсизликдан ташландиқ ҳолатга тушиб қолган. Девор билан ўралмаган қабристонларда аждодларимиз қабрларини қорамол, қўй ва эчкилар топтаб ташлапти. Ваъзи қабристонларнинг этагигача экин экилгани учун мазорларни сув босиб кетапти. Упирилган қабрлар, чакалакзор бўлиб

кетган қабристонлар кишини ваҳимага солади. Наҳотки маънавиятимиз мулки бўлган муқаддас жойларга эътибор шунча муқаддас бўлса, ушбу қабристонларга мутасадди бўлган кишилардан: «Нима учун қабристон бу ахволда?» деб сўрасангиз: «Маблағ йўқ», деган баҳонани рўқач қилишади. Ахир халқимизда ҳашар деган ҳикматли одат бор-ку. Агар қабристонни ҳашар йўли билан обод қиламиз, дейилса, озгина виждони, имони бор, охиратини ўйлайдиган қайси бир инсон бу ишга бош қўшмайди.

Бир неча йилдан бери жумҳуриятимизда хотира кунни таъдир ўтказиладиган ушбу хотира кунлари қабристонларнинг кам-кўсти тўғриланса, ободонлаштириш ишлари амалга оширилса, ўтганларнинг руҳи шод, тирикларнинг кўнги ёруғ бўлади. Қолаверса, Узбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони жойларда ҳаётга амалий тадбиқ этилаётган. Шу хайрия жамғармасидан қабристонларни обод қилишга ҳам маълум қуш ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Изолаган имкон топади, дейди халқимиз. Кўпгина қабристонлар жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарларининг ташаббуси билан тартибга солиниб, обод бўлаётган. Зеро, фуқаро, эл савоб ишларни, тириклигида эл учун, хўжалик тараққиёти учун, шу ернинг яшнаб-гуллаши учун меҳнат қилганларнинг хотирасини ҳеч қачон унутмайди. Масалан, Тошкент туманидаги М. Фозилон номли жамоа хўжалигидаги қабристонни ҳамда шу тумандаги Ҳасанбой ота қабристонини зиёрат қилган кишининг кўнгида бир сокинлик, меҳр-мурувват бўлади. Бу жойларда ўзингни бир сўлим боғда сайр этиб юргандек ҳис этасан. Шинам хоналар, саф-саф қилиб ўтказилган узумлар, уларга ишланган сўрилар, гулзорлар вақтининг бахридиллини очади. Беихтиёр инсофли, мурувватли, ўтганларга оқибатли бўлган инсонларга тасаннолар айтасан. Гўё бу ерда ётган аждодларимизнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам жаннатмакон экан, деган хотира дилимиздан ўтади.

Қабристонларнинг ҳам тартиб-қоида, дарвозаси бор. Аждодларимиз ётган бу муқаддас даргоҳларда ҳар ким ўз билганича иш тутишга ҳаққи йўқ. Ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши. Қабристонга кирганда саҳни тозаланимай, ҳас-хашаклар остида мунгайган қабрни кўриб, дилингиз ранж топса, ёшига етмай марҳум бўлган гўдакка қўйилган улкан сағананинг ёнида, тириклигида эл-юртга кўп фойдаси теккан инсоннинг ғарибгина қабрини кўриб, кўнги хижил бўлади. Ота-онаси ҳаётлигида бир оғиз ширин сўзини аяган баъзи фарзандлар, улар ўлгандан сўнг, ном чиқариш учун қабрлари устига ҳайбатли мармар тошлар қўйишганини меҳр-оқибатга йўйиб бўладими? Ёлғон шухрат учун кўз-кўз қилинаётган қабрлар афсуски кўпайиб бораётган. Қабристонларда яна шундай қабрлар борки, қаровсизликдан маҳ-

зун ҳолга тушиб қолган. Уларни йўқлаб, зиёрат қиладиганлар йўқ... Унутилган қабрлар... Чирқиллаб юрган руҳлар... Уша қабрларга дафн қилинганларнинг аксариятининг қариндошлари, фарзандлари бор. Лекин улар марҳумларни ёд этишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Вақти-соати етиб, ўзлари ҳам шу ердан абадий қўнм топишларини билганларида балки бошқача йўл тартидилар...

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар турмушнинг барча жабҳасини қамраб олди. Ҳатто марҳумни сўнгуш йўлга қузатиш билан боғлиқ баъзи юмушларда ҳам муаммолар юзага келди. Дафн учун керакли буюмлар, транспорт топиш қийинлашиб қолди. Лекин ҳокимликлар, бу масалани иложи билан енгиллаштиришга ҳаракат қилаётдилар.

Масалан, Тошкент шаҳрида фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси қошида «Гулистон» хизмати барпо этилган. У ерда кеча-кундуз, дам олиш кунисиз, байрамларда ҳам дафн учун керакли, биринчи навбатдаги буюмлар (оқ сурп, рўмол, сочиқ, тоғора, челақ, совун, пахта, атир, човғум, ип, одми кийимлик мато, дафн учун машина) учун буюртма бериш мумкин. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг фармойиши билан дафн этишларининг бир оз бўлса-да оғирларини енгил қилиш мақсадида 3,5 миллион сўм маблағ ажратилиб, баъзи буюмлар арзонлаштирилган нархда берилади.

Яна бир бошқа қарорга биноан вафот этган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари шаҳар маблағи ҳисобидан бепул дафн этилади. Аммо бошқа вилоятларда бу масалада аҳво яхши эмас.

Қабристонларни таъмирлашга, уларни обод қилишга, оғир дамда ҳамдард бўлишга, керакли нарсаларни ажратишга ҳамма раҳбарлар ҳам қодир бўлмаётдилар. Бу масала ҳар бир инсон ҳўрмат-эҳтири билан ўйлаши, қўлидан келадиган ёрдамни дариг тутмаслиги керак. Қабристон шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хил қарам жой.

Ким қандай улуғ ишларни амалга оширмасин, боғларни бунёд этмасин, уни ҳам қабристонга дафн этадилар. Ҳашаматли уй-ҳовлига эмас, яратган боғига эмас, айнан қабристонга қўядилар. Зеро, ҳар қандай лавозимда ишлайдиган инсон ўзининг абадий қўнми жойини унутмаслиги, ҳаётда қўлидан келадиган хайрли ишни аямаслиги керак.



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин.



Энг савобли иш...

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



Ибн Сино ўғитлари

Шарқ, айна вақтда қадимий ўзбек табобатининг йирик қомусий олими, аллома Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлаш, инсон туғилган кундан бошлаб то умрининг охиригача амал қилиши лозим бўлган тадбирлар хусусидаги ўғитлар, ташқи муҳитнинг инсон вужудига таъсири ҳамда баъзи касалликлар, уларни даволаш учун ишлатиладиган дори-дарилар ҳақидаги фикрлари ҳатман қизиқтиради.

Шу сабабли биз халқ табобатида кенг қўлланиб келинган дори-дорлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз. Зора, қўлида берилаётган нарсалар сизларнинг дард-дизига шифо бўлса, деб умид қиламиз.

Наъматак. Қулоқлардаги қуртларни ўлдирди, қулоқ шанғиллаши ва ғувиллашига, шунингдек, тиш оғриғига фойда қилади. Ёввойи хилини пешонага чапласа, бош оғриғини босади. Унинг барча турлари бурун тешикларидаги тиқилмаларни очади.

Наъматак томоқдаги ва бодомсимон безларни шишлар учун фойдалидир.

Кашанич. Майиз ва асма билан эшакем ва нори форсийга қарши ишлатилади. Боқила уни, толқон ёки нўхат уни билан ширасини аралаштирилса, кулғунага фойда қилади. Сафро ё билмаган табиқадан қилган бош айланаш ва тутқаноққа фойда қилади. Кўзни хира қилади; сиқиб олинган суви, айниқса, она сути қўшиб томизилса, кўзнинг лўқиллашини тўхтатади. Иссиқ ҳафқонга фойда қилади. Икки драхмини буғизга суви билан ичилса, қон туфлашини тўхтатади.

Ровоч. Сирка билан қўшиб темирликка қарши суртилса, фойда қилади. Астма ва қон туфлашда фойда қилади. У жигар, меъда ва қоннинг заифлигида ва оғриқларида, ички оғриқларда, ҳикичокда, чурра тушишда фойдалидир, у талоқни оздиради. Ровоч илдизи овқат ҳазмининг бузилишидан бўлган ичкетишда, ичак оғриқлари ва ичкетиш, буйрак ва қовуқлардаги оғриқлар, бачадон оғриқлари, қон кетишда фойдалидир.

Қарафс. Биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқдир. Ёввойисини «тулки касали», тирноқларнинг ёрилиши, сўгаллар ва совуқдан бўладиган ёрилишларга ишлатилади. Боғда ўсадиган оғиз ҳидини жуда яхшилайди. Бош оғриғи учун ёмондир. Тутқаноғи бор кишининг тутқаноғини қўзғатади. Йўталга фойда қилади. Айниқса, тоғ қарафси астма, нафас қисилиши ва нафас олишининг қийинлашуви ҳам фойдалидир.

Жигар ва талоқ учун фойдали. Шимильтурувчанлиги сабабли кекирикни қўзғатади. Узи тез ҳазм бўлмайди ва тез пастга ўтмайди. Сийдик ва ҳайз қонини юргизади. Ҳомилалар хотинлар учун зарарлидир. Ундан хотинлар остидан кўтарса, боласини туширади. Тоғ қарафси тошни майдалайди. Қарафс сийишнинг қийинлашувида фойдалидир.


Қарафснинг ясмиқ қўширилган қайнатмасини заҳар ичгандан кейин ичирилса, қўстиради. Тоғ қарафси яна ҳам мувофиқроқдир.

Аччиқтош [шабб]. Унда қайтариш ва қуритиш хусусияти бор; у ҳар қандай қон оқшинини ҳам тўхтатади, чиқиндиларнинг оқишларини ва қуюлиб келишини тўхтатади.

Аччиқтошни ўз оғирлигига баробар миқдорда олинган шароб қуйқасига аралаштириб қуритиб тузалиши қийин бўлган ва ўйилган яраларга ҳамда унинг ўзига баробар миқдордаги оқ туз билан қўшиб ел номага ва оловда қуйганга қарши ишлатилади.

Аччиқтош қайнатилган сув билан оғизни чайқалса, тиш оғриғига фойдалидир.

Тошга айланган қўйлар...



Бойликка кон замин.

Ўзбекистон, тарих тақозоси билан, улкан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ўзгариш жараёнларини бошдан кечириётир. Унинг илғор давлатлар қаторидан ўрин олиши учун турли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда бир жиҳатни эсдан чиқармаслик лозим: ҳар бир мамлакатнинг келажак истиқболи кўп жиҳатдан ундаги мавжуд хомашё манбаларига боғлиқ. Шукрки, Ўзбекистонда табиатнинг улғу инъоми бўлган ер ости ва ер усти бойликлари етарли даражада мавжуд. Фақат тоталитар тузумнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги натижасида улардан нотўғри фойдаланиб келинди. Ҳатто жумҳуриятимиздаги маъданга бой жойларнинг номлари, Москванинг инон-ихтиёрисиз кўп ҳам тилга олинаверилмасди. Чунки жумҳуриятимиздан олиб кетилаётган бойликларни, унинг асл эгаларига билдирмаслик афзал кўриларди. Шундай жойлардан бири—турли хил қимматбаҳо қазилма бойликларига кон бўлган Қўйтошдир.

Қўйтош тоғидаги тошларга узоқдан назар ташланса, ўнлаб сурув қўйлар ёйилиб келаётганга ўхшайди. Нигоҳингизни қадаб тураверсангиз, харсанг тошлар уйларга, қоя тошлар одамларга ўхшаб кетади, турли жонли ва жонсиз шакллари кашф қилаверасиз. Бу ҳақда одамлар ўртасида баъзи ривоятлар ҳам юради: қадим замонда бир жодугар қиз бўлиб, у гоятда чиройли экан. Сеҳру жодулари билан сувни дарахтларга, дарахтларни эса бошқа нарсага айлантириб юборар экан. Истаса ҳамма нарсани сувсизликдан қовжиратиб юборар, истаса сув тошқинига фарқ қилар экан. Кунлардан бир кун у жодугар қиз ёш чўпон йигитга дуч келибди. Қалби чўпон йигитни сеҳрлашга йўл бермабди, чунки чўпон йигитни севиб қолган экан. Бардоши тугаган қиз йигитга: «Менга уйлан!» дебди. Чўпон эса: «Менга гўзаллардан кўра оддий, меҳрибон, олижаноб қиз кўпроқ ёқади, сен эса кўп ёвузликлар қилдинг-ку», деб қиздан нафратланибди. Бунга чидай олмаган қиз

чўпонни ҳам, унинг боқиб юрган қўйларини ҳам тошга айлантириб қўйибди-да, ўзи ҳам тошга айланиб қолибди...

Аслида Қўйтош тоғи Нурота тизма тоғларининг давоми бўлиб, полеозой эрасида вужудга келган. Тоғ ён бағирларида салобатли сланец, қумтошлар асрлар давомида ўзининг тузилишини табиат таъсири остида ўзгартириб, одамлар кўзига худди қўй-қўзилар ўтлаб юргандек ҳолатга кирган.

— Қўйтош тоғлари олдинлари чангал, бодом, наъматак, ирғай, учқат дарахтлари билан қопланган эди. Соилардаги қамишзор ичига киришга одам кўрқар эди. Ёввойи чўчқа, жайра, тулки, кўён, кийиклар тез-тез учраб турарди. Булоқ бўйларида сувсарлар бўларди. Ҳозир ҳам юқоридаги ҳайвонларнинг баъзи бир турлари учрайди, дейди шу ерлик отахонлардан бири.—Тоғнинг баланд чўққиларида бургут, калхат, қирғий, сал пастроқда булбул, какликлар, пастки қисмида бедана, сўфитўрғай, зарғалдоқ, чуғурчуқлар яшайди.

Қўйтош тоғлари доривор ўсимликларга жуда бой. Бу тоғнинг устки қисми қанчалик ўсимликларга бой бўлса, ер ости бойликлари ҳам битмас-туганмас ҳазинадир. Тоғ қаърида олтин, волластанит, перей, мис, висмут, кумуш, елен, теллур каби рангли металллар мавжуд. Машҳур геолог олимларимиз Ҳ. Абдуллаев, Б. Насмедов, А. Бобоев ва бошқаларнинг узоқ вақт геологик текширув ишлари олиб боришлари натижасида Қўйтошда вольфрам, молибден сингари фойдали қазилмалар топилди.

Бир гуруҳ олимлар—Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси И. Ҳ. Ҳамрабоев, А. А. Бобожонов, Н. К. Жамолиддинов, С. Искандаров, М. Исмоилов, М. С. Кучукова, З. Н. Муродовлар ўз вақтида яширин вольфрам рудаларини ташбеҳлаш ва унга баҳо бериш мезонлари комплексини ишлаб чиқдилар ҳамда СССР рангли металлургия министрилги тармоқлари ишига жорий этдилар. Натижада, Қўйтошда вольфрам рудалари саноат заҳиралари олиншига муваффақ бўлинди. Муаллифларнинг бу

меҳнати 1989 йили Абу Райҳон Беруний номидаги мукофот билан тақдирланди.

1941 йил 24 мартда Рангли металллар халқ комиссариатининг 205-сонли қарори билан Қўйтош кони Ўзбекистоннинг «Главзолото» бошқармасига топширилди. Қўйтош кони 1943 йилнинг июнида ишга тушди. Муҳим аҳамиятга эга бўлган хомашё ишлаб чиқариш мамлакатнинг урушдаги ғалабаси учун жуда зарур эди.

Конда илк бор маъданчиларнинг артеллари ташкил этилди. Артелларда руда ювилар, вольфрам концентрати ажратиб олинар эди. Бу артелларга К. Дониёров, Д. И. Рўлиев, И. Норматов, Р. Остоновлар раҳбар бўлиб ишлаганлар. Ҳар бир артелда 65—70 га яқин ишчи бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи бўлимлари ана шулар қўлида эди. Фабрикаларда «бутарлар» деб аталувчи машиналарда вольфрам метали бойитилар ва ҳар бир артель ўз металини алоҳида топширар эди.

Улуғ Ватан уруши даврида бу артеллар ҳам ўзига хос фронт бўлган. Артель ишчиларнинг қўлига махсус брон берилиб, урушдан олиб қолинган. Чунки вольфрам уруш қуроллари учун ишлатиладиган жуда ноёб металл ҳисобланади. Транспорт бўлмагани учун шилитлар, рудалар оддий уловларда ташилган. Кўмир етмаганлиги учун нонвойхонада нон эшакларда ташиб келтирилган. Утин, яъни чангал, бодом, учқут дарахтлари воситасида пиширилган. Давлат эшак учун ҳам, алоҳида-алоҳида ҳақ тўлаган. Уша даврда артель ишчиларга бажарган меҳнати учун бом пули берган. (Уни одамлар тилло пули деб ҳам аташган). Бом пулига алмаштириб зарур озиқ-овқатлардан гуруч, қанд, ёғ, нон ва бошқаларни олишган.

Қўйтошда рудаларни ишлаб чиқариш ва қурилиш ишларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун бўлса керак, махсус бўлимлар юборилиб, Ғаллаорол-Қўйтош йўли тезлик билан битказилган.

Артеллар 1950 йил июль ойида Вазирлар Кенгаши қарори асосида ёпилиб, ҳамма нарса маъдан-

чилар ихтиёрига ўтказилган.

Ҳозирги вақтда Қўйтош конида вольфрам ва молибден концентратлари ишлаб чиқарилмоқда. Вольфрам иссиқликка ўта чидамли бўлгани учун самолётларда, космик ракеталарда, танкларда, ҳар хил ускуналарда, лампочка ичидаги симларда ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ишлатилади.

Илгариги вақтларда бу металллар Мудофаа вазирлигига қарашли заводларда қайта ишлаш учун юборилган. Ҳозирда вольфрам рудаси уч манбадан — «Марказий», «Шарқий» ва Угат участкаларидан қазиб олинди, Қўйтошдаги фабрикада бойитилмоқда. Бойитиш фабрикасининг вазифаси шуки, руда таркибидаги кераксиз нарсаларни чиқариб ташлаб, вольфрам, молибден концентратларини тозалаб, ажратиб олади.

Маъданчилар қўрғони Қўйтош 1950 йиллардан бошлаб қайта қурилади бошланди. Айни пайтларда у шинам замонавий посёлкага айланди: кўчалар асфальтланди, чиройли бинолар қад кўтарди, истироҳат боғлар бунёд этилди, кўчаларнинг икки ёнида экилган дарахтлар воёга етди. Қўйтош яшиллик оғушида. Маориф ва маданият такомиллашиб борди. Қўйтошнинг келажаги порлоқ, иқтисодий имкониятлари яхши. Бу имкониятлар коннинг 2000 йилгача бўлган таъминий режасида ўз ифодасини топган. Бу режага кўра геологик-қидирув ишлари изчиллик билан давом эттирилади. Келажакда бу конда яна иккита шахта ишга туширилади. Вольфрам ишлаб чиқариш икки-уч мартага кўпаяди. Олтин, мис, кўмир ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Волластанит хомашёсини ишлаб чиқариш натижасида 150 милён сўмлик фойда олиш кўзда тутилмоқда. Мармар, гранит тошлардан безак қурилиши материаллари тайёрланади. Қум, шағал ва бошқа тошлардан бўёқ ва гишт ишлаб чиқарилади. Оҳақ, плита тайёрланади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Қўйтошда мавжуд бўлган табиий ресурслар асосида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда вольфрам ишлаб чиқариш туфайли ўнлаб милён

ДИЛНАВО САТРАЛАР

* * *

Кел эй, рухсори дилбандим,
Узинг бўлдинг шакар-қандим,
Кўзингнинг шаъмига ёндим
Ушал кунлар, ўшал кунлар.

Тушимда ҳур била учсам,
Фалакнинг меҳварин қучсам,
Аё сенмۇ деб уйғондим
Ушал кунлар, ўшал кунлар.

Лаб очсанг—сўзи болингдин,
Ажаб ҳикмат—мақолингдин
Муҳаббат дарсин ўргандим,
Ушал кунлар, ўшал кунлар.

Дедим ҳуснингга мен банда,
Қиёсинг йўқ очилганда,
Не бахтки сенга чулгандим
Ушал кунлар, ўша кунлар.

Бировлар айтса номингни,
Ва ё қутлуғ каломингни,
Бу рашкдин ўгли тўлғондим
Ушал кунлар, ўша кунлар.

Нечук? Кўкракда ёл йўқми,
Қутурса ёт—малол йўқми,
Ахир мен ҳам тирик жондин
Ушал кунлар, ўша кунлар.

Низом, энди баралла айт,
Йигитлик сабза урган пайт—
Уни бир марта кўргандим
Ушал кунлар, ўшал кунлар.



* * *

Чаман тўла чечаклар гул-гул эгилибдур,
Чаманда турғунчами думбул эгилибдур.

Ҳам гунчанинг қат-қатига тонг шафағини
Езмок бўлиб нолавор булбул эгилибдур.

Гул барглари шира боглаб қиёмга етмиш,
Шира боглаб мисли занжир, гул эгилибдур.

Шароб тўла, шарбат тўла, майи ноб тўла,
Чоғир сари кўзалар қул-қул эгилибдур.

Яхшилардан сўра, Низом, бу қайси бўстон,
Бўстонни тўлдириб, гулга гул эгилибдур.

Йўқ, гул эмас, гулдай яшнаб, барно йигитнинг—
Кўкрагига сочлари сумбул эгилибдур.

сўмлик маҳсулот сотилаётган бўлса, юқорида белгиланган тадбирларнинг амалга ошиши натижасида 2000 йилга бориб бир неча баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Белгиланган режанинг амалга ошиши учун жуда катта маблағ талаб қилинади. Шунинг учун маъданчилар илғор мамлакатлар билан турли шартномалар тузмоқдалар. Қўйтошни комплекс-саноат марказига айлантириш борасида Саудия Арабистонидаги «ИАМ гурӯҳи» ва Англиянинг «Симметрик Кворум» компаниялари билан шартномалар тузилди.

Кейинги вақтда коннинг Угат ҳудудида Қўйтош конидан қазиб олинган рудага нисбатан бир неча баробар кўп вольфрам рудаси борлиги аниқланди. Бу бўлимни ўзлаштириш учун лойиҳа-ҳисоб ҳужжатлари тайёрланиб, 500 метр чуқурликдаги вертикал ствол қазиб ишлари бошланди. Бу ишга давлатимиз бир неча милён сўмлик маблағ ажратган. Бу ишларни ниҳоясига етказиш ҳамда Угат участкасидан янги бойитиш фабрикаси қуриб битказиш ишлари мўлжалланмоқда.

Тараққий этган капиталистик мамлакатларда кўп йиллар халқ

хўжалигида асбест минерали ишлатилган. Ҳозирда бу минерал инсон соғлигига зарарли бўлганлиги учун унинг ўрнига волластанит ишлатилмоқда. Металлга 5—10 фоиз волластанит қўшилса, металнинг мустаҳкамлиги 4—5 марта ортади. Бундай қоришмадан ишлаб чиқилган трактор, машина, самолёт ва бошқа нарсаларнинг чидамлилиги ниҳоят даражада юқори бўлади.

Волластанитнинг иссиқлик ва совуқликдан ўзгариш коэффициентлари жуда кам, шунинг учун бу металл ракетасозликда муваффақият билан ишлатилади. Жумладан, АҚШда сув ости кемалари волластанит қўшилган бўёқлар билан бўялади. Бундай кемаларнинг умри жуда узоқ бўлади.

Волластанитнинг кўплиги жиҳатдан Қўйтош кони юқори ўринда туради. Жаҳонда волластанитнинг бир тоннаси 500 доллар туради. Кўриниб турибдики, волластанитнинг концентратини ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа ҳисобланади.

Қўйтошда ўз ечимини кутаётган анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Аҳолига уй-жой қуриш, қўрғонга табиий газ келтириш, ичимлик сув таъминотини яхшилаш шулар жумласидандир. Лекин бу муам-



Қўйтош маъданчилари.

молар яқин вақт ичида ижобий ҳал бўлишига ишончимиз комил. Чунки маъданчилар ўз меҳнатлари-

нинг роҳатини кўрадиган вақт энди етиб келди.

Маҳмуд ШОМИРЗАЕВ

БУРЧ

Олимжон ХОЛДОР,

Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган санъат арбоби

Бир донишманд чолнинг бири-бирдан гўзал, бири-бирдан оқил уч оғани ботир ўғиллари бўлган экан. Уларнинг ҳар уччалоғи ҳам ёшлиқдан билимга ташна, меҳнатсевар бўлиб тарбияланган эканлар. Йигитларнинг каттаси чилангар, ўртанчаси заргар, энг кенжаси эса ота касби — деҳқончиликка меҳр қўйган экан.

Кунлардан бир куни ота ўз ўғилларини ҳузурига чақиртириб дебди:

— Ўғилларим, мен сизлардан розиман, ҳаммаларингиз камтар, камсуқум, иродали, одобли, меҳнатсевар бўлиб тарбияландингиз. Мен эса сизларни ҳам ота, ҳам она бургут янглиғ парвозга тайёрладим. Сизлар энди камолга етдиларингиз, мустақил парвоз қилишга қодирсизлар, сизларни уйладим-жойладим, ўқитдим, ўргатдим, яхши одамлар сафига қўшдим, ўз оталик бурчимни адо этдим, мендан яна қандай талабларингиз бор?

Шунда ўғиллар бир-бирларига қаршиб, отасининг саволларига жавоб топа олмай ҳайрон бўлишибди. Катта ўғил дебди:

— Ҳаммаси учун раҳмат, менинг битта тилагим бор. Сизга, отажон, фақат туман бойлик тилайман.

Ўртанчаси ҳам ўйлаб-ўйлаб охири:

— Узоқ умр тилайман, — дебди.

Навбат энг кенжасига келибди. Кенжатоё эса нима дейишини билмай, кўзларини ерга қадаб тураверибди.

— Хўш, сен нима дейсан, ўғлим! — дебди отаси.

— Отажон, мен сизга фақат соғлиқдан бошқа нарса топа олмадим, шунинг учун фақат соғлиқ тилайман.

— Офарин, кенжатоёим, тўғри айтдинг, ҳамма нарса — бойлик ҳам, умр ҳам соғлиққа боғлиқ, раҳмат ўғлим, ҳеч қачон кам бўлма.

Ота уччала ўғлига ҳам уларнинг ўзлари тилаган ўша уч нарсани Оллоҳдан тилаб дуо қилибди...

Ҳар гал Абдумажид Ниёзматов ҳақида гап кетганида, ўша кенжа ўғлининг отасига соғлиқ тилаб, ўз оғаларини қойил қолдирганини эслайман. Агар чиндан ҳам саломатлик бўлмаса шохларнинг салтанатларию хазинабонларнинг олтин-кумушлари, юз йиллик умр — ҳамма-ҳаммаси ҳеч нарса эмас. Шунинг учун ҳам дунёда инсон учун энг асосий омил сиҳат-саломатликдир.

Саломатлик — туман бойлик, дейди халқ. Демак, у бойликларнинг-да, бойлигидир. Саломатлик улашувчиларни эса қай сўз билан таъриф этишга тил ожизлик қилади.

Бир беморнинг кўнглини олиш, оз бўлса-да, унинг дардига даво топа билиш, умрини бир лаҳза узайтириш ҳам катта гап.

Биз ҳикоя қилаётган одам ҳеч қандай илмий унвонларга, орден ва медалларга эга бўлмаган, аммо эл орасида ўша фан докторларидан-да, профессорларидан-да, катта ҳурмат ва эҳтиромга молик бўлган улуг зотдир. У кишини Андижон томонларда Абдумажид дўхтир деб фахр билан тилга оладилар.

Абдумажид дўхтир не-не беморларнинг дардига шифо топдигина эмас, уларнинг умрларини ҳам узайтирди, уларга бахт улашди.

Бундан бир неча йил олдин Самарқанд шаҳрида тиббиёт ходимларининг республи-

ка анжуманига Абдумажид ҳам йирик мутахассис сифатида таклиф этилди.


Самарқанд вокзалига тушиши билан уни бир йигит ва бир ёш аёл кутиб олишди. Мезбонлар қаҳрамонимизга танишга ўхшарди, бироқ Абдумажид буларни қаерда кўрганлигини асло эслай олмади. Шунда йигит:

— Сиз андижонлик Абдумажид дўхтирсиз, шундайми? — дея гап бошлади. — Ҳа, домла, мен сиздан шифо, бахт топган одамман. Мен ўзим чиқдим. Сизни ҳам бу катта йиғинга албатта келишингизни билган эдим. Сил касаллигига қарши бу йиғинга дунёнинг энг йирик мутахассислари

ўпкаси оқиб, бугун-эрта ҳаёт билан видолашадиган бир йигитни севиб қолиб, келганки совчиларни ўзи қувса. Биз ўша йигитни ҳам пинҳона кўрдик, эти суякларига ёпишиб, зўрға кун кўраяпти экан. Унинг нимаси яхши, дўхтир, қизимизга бир насихат қилиб қўйсангиз. Бу умр савдоси, бизлар эса кўзимизнинг оқу қораси қизимизнинг бахтли бўлишини истаймиз.

— Бўлдими, гапларингиз тугадими, — деди Абдумажид дўхтир.

— Ҳа, тугади, нима бўлса-да, қизимизга тушунтирсангиз, — илтижо қилди қизнинг онаси кўзларига ёш олиб.



иштирок этадилар, деб эшитдим-да, албатта Абдумажид дўхтир ҳам қатнашиши керак, деб ўйладим. Келинингиз Гулнора билан сизни кутгани чиқдик.

— Жуда яхши, раҳмат!

Шу вақт анжуманга ҳар томондан келаётганларни кутиб олгани чиққанлар, уларга машиналар тайёрлигини, ҳозир бирга меҳмонхонага боражагини, симпозиум тартибини тушунтира кетдилар.

Абдумажид Ниёзматов ҳозир нима қилишни билмай хижолатда. Шунда у икки ёшга деди:

— Йўқлаб кутиб олишга чиққанлигингиз учун катта раҳмат, мен аввал йиғин ўтказаетган маҳкама бошлиқларига бир учрай, улардан рухсат олай, сўнгра майли, сизлар билан бўлай, — деди. Дўхтирнинг қайси меҳмонхонага тушиши аниқ бўлгач, икки ёш кечқурун келажаклари, меҳмонхонада эмас, уларнинг ҳовлиларида қолажагини тавалло қилиб хайрлашдилар.

Воқеа бундай бўлган эди...

Бир куни Абдумажид дўхтир хизмат қилаётган шифохонага бир ота-она кириб келишди. Улар дўхтирни топиб, ўз дарду ҳасратларини тўкиб солишди. Бу ерда Алишер исмли йигит сил касаллиги билан узоқ муддатдан буён ётанлигини ва бу йигитни Гулнора исмли якка-ёлғиз қизлари севиб қолганини, ундан бошқа ҳеч кимга турмушга чиқмайман, деб қасам ичганини айтиб йиғлашди.

— Бу қандай бедодлик, гулдай қизимиз

— Ҳаммаси тушунарли, энди мени эшитингиз, у йигит чиндан ҳам сил касалига гирифтор бўлган, аммо у ҳозир тузалиб, пок ва бегубор бўлиб кетган, агар ёзиб бер, десаларингиз, ёзиб беришга ҳам тайёрман. Икки ёшнинг бахтига завол бўлмангиз, майли, улар турмуш қурсинлар. Йигит тамоман тузалган, энди унга бу касаллик ҳеч қачон яқинлаша олмайди. У жуда ақлли йигит, сизлар хато қилаяпсизлар, менимча, ўша йигитга қизларингизни берсаларингиз ёмон бўлмайди.

Дўхтирнинг бу гаплари ота-онада оз бўлса-да, умид пайдо қилди. Шундан кейин ҳам бари бир Гулнорани бу йўлдан қайтармоқчи бўлишди, аммо қиз аҳдидан қайтмади, қаттиқ турди.

Абдумажид дўхтирни кутиб олишга чиққанлар ўша сил касалига гирифтор бўлган Алишер билан Гулноралар эди. Улар жуда бахтли яшамоқдалар. Тўрт нафар фарзандлари бор. Алишер қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Гулнора эса педагогика фанлари номзодидир.

Биринчи кунiek дўхтирни қўярда-қўймай Алишер билан Гулноралар ўз уйларига олиб кетишди. Улар тонгача мириқиб суҳбатлашдилар. Суҳбатга қизнинг ота-онаси ҳам қатнашдилар, уларнинг хурсандчилигини айтмайсизми?! Болалари Қодир, Собир, Зокир, Шухратларга дўхтирни «Оппоқ дадаларингиз келдилар», деб таништирдилар. Болалар эса тонгача дўхтирнинг тиззасидан тушмадилар.

Абдумажид Ниёзматов ҳаёт китобида бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Буларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб, ҳафталаб ҳикоя қилиш мумкин.

Абдумажид Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳини 1956 йили тугатгандан кейин ўз юртига қайтди. Фаолиятини Жалолқудук туманидаги марказий шифохонадан бошлади. У ёш бўлишига қарамай, ўз ташкилотчилиги, ишчанлиги туфайли тезда халқнинг кўнглига йўл топди.

Абдумажиднинг ташкилотчилигини кўриб-билиб турган раҳбарият 1959 йили унга Ойим қишлоғида вилоят сил касалликлари санаторийсини ташкил қилишдек масъулиятли вазифани топширди. У бу ерда бутун қобилиятини ишга солди.

Истеъодли шифокор Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳида кўп йиллар ўқитувчилик қилди.

Уша даврларда жуда хавфли ҳисобланган сил касаллигига қарши курашди. Меҳнаткашлар орасида тушунтириш ишларини олиб борди. Не-не одамларни ўлим чангалдан олиб қолди. Ўттиз ёшларидаёқ наинки Андижонда, бутун Фарғона водийсида «Абдумажид дўхтир» деган ном билан шуҳрат қозонди.

Бошда айтганимиздек, Абдумажид Ниёматов гарчи ўзи илмий унвонга эга бўлмаса-да, не-не олимларга йўл-йўриқ кўрсатди, илмий ишларига раҳбарлик қилди.

Мана, чорак асрдирки у Андижон районидаги Завроқ қишлоғига жойлашган 1-вилоят сил касалликлари касалхонасида бош шифокор бўлиб ишламоқда. Изланувчан доктор тиббиёт оламида рўй бераётган ангиликларни ўз вақтида илғаб олиб, турмушга тадбиқ этаётир. У бошқараётган жамоа ўпка-нафас

йўллари касалликлари бўйича водийда биринчи бўлиб даволаш ишларида лазерни қўллаб, яхши натижаларга эришаётир.

— Кўп йиллардан буён халқ табобатини менсимай келдик,— деб гап бошлади биз билан суҳбатда шифокор.— Ўз тилимиз қолиб, мажбурий равишда ўзга тилларда ўқидик. Шунинг учун ҳозирда ишлаётган тиббиёт ходимларини бир текис деб бўлмайди. Сафимизда пулнинг кучи билан олийгоҳларга кириб, пулнинг кучи билан битириб чиққанлар оз эмас.

Мен қишлоқда яшайман, қишлоқда ишлайман. Олийгоҳларни тугатиб йўлланма билан келган баъзи йигит-қизлар билан суҳбатлашганда ажабланаман. Уларнинг кўпчилиги амалиёт буёқда турсин, назариётдан ҳам орқадалар. Айримлари беморга оддий биринчи ёрдам кўрсатишга ҳам қодир эмаслар, буни кўриб ажабланаман. Менимча, ҳар бир касбнинг ўз эгаларигина унинг кадр-қимматини оширади.

Кўп йиллар давомида инсон табиатининг олий маҳсули деб мақтаниб, баландпарвоз гапларни айтиб келдик, амалда эса дурустроқ иш қилмадик. Мичуринларнинг: бизлар табиатдан хайру эҳсон кутиб ўтирмаймиз, уни бўйсундирамай, деган бемаъни қоидаларига сизиндик, натижада, мувозанат бузилди. Ҳамма соҳада бўлгани каби, қўшиб ёзишлар, кўз бўяшлар, одамлар саломатлигини эмас, режаларни ўйланди. Ана шу кадрсиз, бурдсиз режалар бугун ўз қора самарасини бераётир. Ҳамма нарса издан чиқди. Яшаш шароити оғирлашди. Шифокорнинг кадру қиммати қолмади. Уларни уй-жой билан таъминлаш, вақти-вақти билан рағбатлантириш тамоман эсдан чиқди.

Инсон саломатлигини таъминлашдек

масъулиятли вазифа бизларга топирилганидан гоёт мамнунмиз. Мен агарда қайта умр кўрадиган бўлсам, яна шу касбни танлаган бўлардим. Тўғри, шифокорликнинг ўзига хос қийинчиликлари, ташвишлари ҳам бор, армонлари эса бир дунё. Лекин замбарга солиб касалхонага олиб келинган бемор, дардига шифо топиб, ўз оёғи билан ҳузурингизга кириб, миннатдорчилик билдириб чиқиб кетишларини кўриш—нақадар катта бахт. Бир одамни оёққа тургазишдек шарафли иш борми дунёда!

— Эндиликда сил касаллиги хавфли эмас, деб ўрганиб қолганмиз,— дейди таниқли шифокор Абдумажид Ниёзматов,— бироқ ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, емоқичмоқнинг тақчиллиги у касалликнинг қайта тикланишига олиб келмаса, деб қўрқаман. Биз шифокорлар бунинг олдини олиш мақсадида сил касаллигига қарши халқ табобатида ҳамда табиатнинг ўзи яратган ўсимлик дори-дармонларидан тўла фойдаланиш, инсон дунёга келган кунийёқ кечиктирмай эмлаш, уни доимий назорат остига олишни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Керак бўлганда бу касалликнинг кенг қулоч ёйишига қарши маблағни аямай сарфлаш, лазер нурларидан фойдаланиш керак.

Ҳа, Абдумажид дўхтир рост гапни айтди. Кадр-қиммат ҳам, меҳр-шафқат ҳам соғлиқдан, одамнинг одамга кераклигидан бошланади.

Гап айланиб Ниёзматовлар сулоласининг шон-шуҳрати ва доврўғига келганда Абдумажид ака бир оғиз гап билан камтарона кулиб, бизлар эл-юрт олдидаги ўз шифокорлик бурчларимизни сидқидилдан адо этаймиз холос, деди.

Андижон

Турмуш чорраҳаларида

Ўз уйим— ўлан тўшагим

Қайси мамлакатнинг фуқаролари бой бўлса, ўша давлат қудратли бўлади. Лекин, ҳаёт исботлаган бу қадим ақидани бизнинг собиқ тузумимиз инкор этиб келди. Жамият кишиларини шахсий бойликка нисбатан салбий муносабатда тарбиялади. Ким ўз ишбилармонлиги, уддабуронлиги билан, ҳалол мулк орттирса, уни мешчанликда айблашди. Деярли ҳамма нарса давлат мулкига айлантирилди. Оқибатда кишиларда жамоа мулкига эътиборсизлик, боқибегамлик кучайди. Энг ачинарлиси, биз улкан давлат машинасининг кичик мурватларига айланиб қолдик. Айниқса, ижтимоий ҳаётимизда янги муносабатлар—бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, иқтисодий хўжалик бошқарувида ниҳоятда ношуд эканлигимизни бугунги серташвиш ҳаёт исботлади.

Ҳозир жумҳуриятимизда Ўзбекистон Республикасининг «Молмулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва бозор муносабатларини кенг жорий этиш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мулкчиликнинг жамоа ва

хусусий шаклларини вужудга келтириш учун шарт-шароит яратилиб, баъзи ишлар амалга оширилаётир.

Шу қонун асосида маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларнинг маълум тоифадаги қисми ва уй-жойлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда.

Албатта, ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этаётган бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилади. Лекин тўғриси айтганда, биз бу йўналишда яккам-дуқкам қадамлар ташладик холос. Халқнинг хоҳиш-иродасига мос тўшаётган хусусийлаштиришда, дуч келаётган тўсиқларни, дадил олиб ташлашга мадор етмаётир. Чунки, ҳали ҳам маъмурий буйруқбозлик усуллари ўз кучини сақлаб қолар экан, қонунни ҳаётга жорий қилиш қийин кечаверади.

Маълумки, уй-жойларни хусусийлаштириш аввал давлатга, вазириликлар, идоралар, корхона ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлган уй-жойларни фуқароларга пулга ёки бепул мулк сифатида ўтказиш демакдир.

Ўзбекистонда илк бор амалга

оширилаётган улкан тадбирни ҳаётга жорий қилиш учун молмулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш комитети ходимлари мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги барча республикаларда хусусийлаштириш тажрибасини диққат билан ўргандилар. Чунки кўпгина хорижий давлатларда уй-жойларни хусусийлаштириш муваффақиятсиз чиққан ҳоллар ҳам бўлган.

Ўзбекистонда кам даромадлилар аҳолининг кўпчилиги қисмини ташкил этади. Шу ҳолат эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг фармонида биноан кўпгина тоифадаги фуқаролар уй-жойларини бепул ўз мулки қилиб олиш имтиёзига эга бўлдилар. Бундай имтиёзга мактаб ўқитувчилари, ижодий ва тиббиёт ходимлари, илмий ходимлар, болалар уйлари тарбиячиларининг эга эканликлари мақсадга мувофиқ бўлди.

Шаҳарликлар шу вақтгача давлат мулки бўлган ўз квартираларини қандай сотиб оладилар? Турган гапки бирданига катта пул тўлаш учун ҳамманинг ҳам имконияти йўқ. Шунинг учун улар ўз уйлари қийматининг қолдигини тўлаб сотиб оладилар. Энг аввало, уй-жойларни хусусийлаштириш жараёнида Тошкент бешта зонага ажратилди. Уйларга уларни қайси ўн йилликда фойдаланишга топширилганига қараб баҳо қўйилди. Лекин хонадон биринчи қаватда (бундай ҳолларда уй остидаги ертўланинг сув босиши) ҳамда тўртинчи қаватда (томдан чакка ўтиши) яшаши ҳам ҳисобга олинди. Бундай ҳолларда уй белгиланаёт-

ган нархдан олти фоиз арзонлашди ёки ўрта қаватдагилар учун олти фоиз қимматроқ бўлди. Сотиб олаётган уй эгаси учун 5 йил муддат берилди. Аммо улар биринчи йили 40 фоизини тўлашлари керак. Сотиб олинаётган уйнинг қийматини бирданига тўламоқчи бўлганлар учун эса 10 фоиз чегирилди, яна кимдир икки ярим йилда тўламоқчи бўлса, беш фоиз чегириб ташланди.

Хусусийлаштириш пайтида биргина асосий квартира эгасигина эмас, балки биргаликда яшаётган балоғатга етган хоҳлаган аъзоси уй-жой эгаси бўлиши мумкин. Гап бу ерда оиланинг исталган балоғатга етган аъзоси номига уйни расмийлаштириш ҳақида.

Уй-жойларни сотиб олган фуқаролар агар жумҳуриятимиздан бошқа жойга бориб яшамоқчи бўлсалар уйлари эркин нархда аукцион орқали сотиб кетишлари, аммо келишилган умумий сумманинг 40 фоизини шаҳар бюджетига ўтказишга мажбур эканликларини айтиб ўтмоқчимиз. Бизнингча, шундай жаннатмакон ўлкани ҳеч бир киши ташлаб кетмаса керак.

Шундай қилиб, шаҳарликлар ўзлари яшаб турган уйлари хусусийлаштириб, унга тўла маънода хўжайин бўлиб, уйлари мерос қилиб қолдириш, алмаштириш, сотиш, ижарага бериш, ҳатто бировга совға тариқасида беришгача бўлган барча ҳуқуқларга эга бўлдилар. Энди улар ўз уйлари асраб-авайладилар, унинг чор-атрофини ҳам озода сақлаб, «ўз уйим—ўлан тўшагим» қабилида иш тутадилар.

Маъпура НАБИЕВА

Колонияга келганимга тўртинчи йил бўлди. Ун етти ёшга тўлдим. Худойимнинг марҳамати билан ўрта мактабни тугалладим. Минг қатла шукурлар эгамга, етуклик шаҳодатномаси ҳам кўлимда. Рассомлик кўргазмасининг иккинчи навбатига тайёргарлик ишларимни ҳам пайсалга солмай, маромида олиб бордим. Йўнқчилик тўгарининг машғулотларига ҳам жадвали бўйича фаол қатнашдим.

Лекин, тинимсиз машаққатлар чекиш ҳисобига топган жиндаккина қувончлар билан бирга, бу қабоҳатхонанинг ўзига хос уқубатли ҳаёти ҳам бизни ўз исканжасига олишдан четлаб ўтмади. Тўғри, расмхона мени ётоқхонамизда бўлиб ўтган муштлашишлардан, тепкилашлардан, сўйил билан белга туширишлардан асраб қолди. Боз устига ёлғиз эмасдим. Султон бошлиқ ўғрилар, киссавурлар тўдаси — менинг мададкорим. Колония маҳбуслари ўғрилар, киссавурлар тўдасидан зир титрарди. Узим ҳам унчамунча рақибимга бўш келмайдиган бўлиб қолдим. Қизиги шундаки, тунги «жангларнинг» тафсилоти ҳақида бирорта маҳбус назоратчиларга хабар қилолмас эди — маҳбусларнинг ўзаро келишилган тартиб-қоидалари шундай эди. Ногаҳон бир маҳбус бу тасодиф ҳақида назоратчиларга шипшиб қўйса, уни хоин сифатида жазолашар эди тунда.

Тунги бақир-чақирлар, ур-сурлар, хўрликлардан ташқари, ҳар бир маҳбуснинг ўзига тааллуқли ташвишлари ҳам рўй бериб турарди. Сал бурунроқ назоратчи қўшним Султонга бир конверт келтириб берди. У конвертни очиб, хатни ўқидию бош-кўзи демай ўзини ўзи урганича уввос тортиб йиғлаб юборди. Ҳамма хайрон. Мен Султоннинг кўлидан хатни олдим, ўқишга тутиндим. Хат қисқа, шуниси билан мудҳиш эди:

«Уғлим!.. Худовандаю Карим онангни бизга кўп кўрди! Утган кунни жума намозидан кейин лаҳадга қўйдик... Сенга ҳам биз қатори яратган эгамнинг ўзи тўзим берсин...

ДАДАНГ».

Султонни юпатмоқчи бўлдим. Бироқ ўзимнинг ҳам онам йўқлиги, етимлигим эсимга гушиб кетди. Дилимнинг қат-қатидан сизиб чиққан ёш бўғзимга тикилиб қолди. Упкаси тўлиб, гапиришга ҳам мажоли қолмаган Султон бироз ўзини тўхтатиб олгач, мен каравотимда қиблага қараб тиз чўкдим-да, қўл очиб, Султоннинг марҳум онаси руҳига фотиҳа ўқидим. Қарасам, мен билан Султонгина эмас, жой-жойида ўтирган маҳбусларнинг бари фотиҳага қўл кўтаришиб юзларига тортишди.

* * *

Орадан уч кун ўтди. Хонамиздаги мотам-саролик тарқалди. Якшанба — дам олиш куни. Одатдагидек маҳбуслар кимларгадир совға-саломлар кутишарди. Чунки совға келганда маҳбуслар бирга баҳам кўришар, қандайдир меҳрибонлик, ҳамдамлик вужудга келарди. Худди буюргандек шу куни пешин намозидан сўнг назоратчи бир қутини қўлтигига қистирганча хонамизга кириб келди.

— Равшан Бердибоев! — деб чақирди у.
— Мен! — деб жавоб бердим.
— Сенга совға!

Хайрон қолдим. Колонияда тўртинчи йил бўлишим, ҳали ҳозиргача мени йўқловчи бирор кимса бўлган эмасди. Бориб олдим у қутининг устидаги адресни ўқидим. Ажабо, Хўжанддан, Р. Набиев дегандан экан. Мени ўраб олган болаларнинг ғала-говури:

— Оч!..
— Нимага анқаясан?!
— Қорадори чиқиб қолса-я?
— Сигарет чиқиб қолса-чи?
— Равшан чекмайди-ку!
— Очақолсанг-чи!..

Қўйинг-чи, биргалашиб қутини очдик. Халтача устида конверт бор экан. Адресни ўқидим. Хўжанд шаҳридан, Рафиқ Набиев деб ёзилган. Дарров конвертни очдим. Бўм-бўш, хат йўқ эди.



Езувчи Исоқ Уктамов яқинда «Фалокат» деган романини ёзиб тугатди. Бу роман тақдир турмушининг фожиали сўқмоқларида шакланган ёшлар тўғрисида бўлиб, унда фалакнинг гардиши билан дастлаб ўғри ва муттаҳамлар тўдасига, сўнг ёшларни тарбиялаш колониясига тушиб қолган йигитнинг мураккаб ҳаёт йўли тасвир этилади.

Қуйида ана шу романдан олинган лавҳа билан танишасиз.



Исоқ УКТАМОВ

ФАЛОКАТ

Романдан парча

Одатдагидек, ана-мана дегунча болалар «ҳашар-ҳашар» қилишди. Хўш, Рафиқ Набиев дегани ким бўлди? Нега конверт ичида хат йўқ?.. Икки кунгача бошим қотди. Учинчи куни Рафиқ Набиевдан хат келди, дарҳол олиб ўқидим:

«...Ассалому алайкум, ҳурматли Равшанжон ука! Кечирасиз, кеча конвертга хатни солиш ҳаёлимдан кўтарилибди. Мен сиз жонига оро кирган Адолатхоннинг умрдоши бўлман...»

Худога шукур-е, кимлиги маълум бўлди-е. Балки бу хат қачондир, қаердадир менга асқотиб қолар? Балки Хўжандга йўлим тушиб қоладиган бўлса, ногаҳон ўша аёлними ёки Рафиқ Набиевними учратиб қолишимда қўл келар? «Бу хатни йўқотиш — шундай ажойиб одамларнинг меҳри-оқибатига ҳурматсизлик бўлади-ку», дедиму авайлаб сақлашга жазм қилдим.

* * *

Колониянинг кун ботиш тарафида — панжарадан нарида бир қаватлик бино бор. Биз томондаги биноларга ўхшаш, лекин тиканли сим билан ўралган. Ўтиб кўрмаганим учун у бинонинг қанақа сир-синоати борлигидан беҳабар эдим. Тўғри, ҳар замонда ба-лоғатга етмаган маҳбус қизларни тўрт-беш

кунга келтиришиб, сўнг жўнатиб туришганини билардим. Шунинг учун бу бино балоғатга етмаган маҳбус қизларнинг вақтинчалик қўналгаси бўлса керак деб ўйлардим.

Ҳозиргидек хотирамда: у қизларнинг баъзилари биз томондаги эрмакталаб йигитларга беҳаё қилиқлар қилиб ўтишарди. Қизларнинг ҳар бир келиб-кетиши бетоқат йигитларнинг ўзаро мунозарасига, ҳатто ўзаро жанжаллашишларига сабаб бўлар, бундақанги баҳс-можаролар то иккинчи гуруҳ қизлар келгунга қадар ҳам давом этарди.

Шунақанги маҳбус қизларнинг охириги маротаба келиб-кетишганига бир ҳафтача вақт ўтганди. Чоршанба куни эди. Бомдод намозини расмхонада ўқидим, сўнг ташқарига — очиқ ҳавога чиқдим. Тонг отарданоқ чумчуқларнинг чирқиллашлари авж олиб кетган, ҳали қуёш нурунинг зар кокиллари замин узра таралмаган эса-да, ёз фаслининг энгил шабадаси тунги мусаффо ҳаво оқими-ни уфуриб турарди. Осмон булутлар сайридан холи. Қибла томонга ёғдусиз ботаётган ой ҳам яққол кўзга ташланарди. Табиатнинг бунчалар жозибадорлиги мени завқлар оламига ғарқ қилди.

Ногаҳон колония хизматчилари — эркагу аёл тиканли панжаранинг нариги томонидаги ҳалиги бинога бўзчининг моқисидек қатнаб қолишди. Нима учун бунчалик шошилинч югуриб-елишлари фақат худойимга

аён эди. Хизматчилар то чошгоҳгача бино атрофларини ёр тўкилса ялагудек қилиб су-пуриб-сидиришди.

Мен ҳам гоҳ ҳовлида, гоҳ расмхонада гимирлаб юрдим. Қизиқиб қолганимдан, у ёқда юз бераётган воқеани ҳам назардан қочирмадим. Чунки бурун колония хизматчиларини фақат маҳбуслардан бирортаси қочиб кетган ёки маҳбуслар бир-бирини ўлдириб қўйган маҳалдагина серташвиш кўриб юрганим учун ҳам, уларнинг бугунги безовталиклари менга гайри табиий туйиларди.

Пешиндан кейин колониянинг маъмурияти жойлашган бинодан то клубгача қўзилган хиёбоннинг ҳар-ҳар жойига ўрнатиб қўйилган кўк рангга бўялган ёғоч ўтиргичлардан бирига келиб эндигина ўтиргандим, панжаранинг нариги бетидан то ўша биногоча давом этган бошқа хиёбоннинг бошланишидан олтамиш-етмиш чоғли маҳбус қизларни уч-тўрт аёл назоратчилар бошлаб келиб қолишди. Мендан бўлак зоғ ҳам йўқ эди. Чунки маҳбус йигитлар ҳар хил цехларда хизматда эдилар. Дарвоқе, панжараларнинг бошланиши ва охирида ҳар-ҳар жойга баланд қилиб кўтарилган соқчилар капасида қуролланган соқчилар ҳам бор эди.

Улар рўпарамга келишлари билан биттаси кўзини сузди, биттаси тилини чиқариб мени калака қилди, айримлари кўйлагининг ёқасини очиб кўкрагини кўрсатди. Баъзилари бошига ўраб олган дуррасини то кўзи устигача тушириб, икки учини иягининг остидан боғлаб олган эди. Наридан борган бўлса ўн тўрт ёшдаги гоёт гўзал бир қиз эса, қўли билан пешонасини силаганча ер чизиб ўтди. Юзини чалароқ кўриб қолганим бу қиз нимаси биландир менга танишдек туйилди.

Худди шу куни кечқурун клубда «Дайди» кинофильми кўрсатиладиган бўлди. Кўпчилик назоратчилар, соқчилар кузатувида жойлаштиришди. Биз ўғрилар ва кисса-вурлар тўдаси ўртасидаги курсиларга ўтирдик. Мен билан Султон чап қанотдаги бир курсига ёнма-ён ўтирдик. Орани йўлакча ажратиб турарди.

Илгаритдан билардим, маҳбусларга соғва келганда, кўпчилигининг ичида кунгабоқар пистаси бўларди, ўртада тақсимланарди. Томошахонага кириб ўтиришимиз билан Султон менинг чўнтагимга ҳам бир сиқим писта солиб қўйди. Баъзилар писта чақишни бошлаб юборган бўлса-да, мен чақмай ўтирдим.

Маҳбус йигитларни жойлаб бўлингандан кейин бир неча дақиқа ўтган бўлса ҳам фильм бошланмади. Сабрсиз болалар: «Сапожник!» деб бақира бошладилар. Шунда томошахонага кундузги қизларни бош назоратчи бошлаб кирди. Аллақанча аёл назоратчилар ҳам эргашиб киришди. Тартиб-қоидага кўра қизлар ҳам курсиларга жойлаштирилган экан, ҳалиги дилбар қиз ёнимга ўтириб қолди-ку! «Ажабо, бу гўзални қаерда кўрганман-а?» — деб хаёлимдан ўтказдим. — Олтинчи синфда ўқиб юрганимда ўқитувчиларимиз бизни қўшни мактабга олиб бориб, ўқувчилар учрашувини ташкил қилишар эди. Бир учрашувда саккиз-тўққиз ёшлар чамасидаги бир жажжи қизча шеър ўқиб бериб, ҳаммани лол қолдирган эди. Агар ўша қизча омон бўлса, ҳозир ўн тўрт-ўн беш ёшга тўлган бўларди».

Бу ўй бирдан юрагимни увиштириб юборди. Ахир худонинг амри билан маҳбус қизнинг бир туки ҳам ўша қизчадан ўзга эмасди-да. Қизчанинг исми Гулнозхонми ёки Дилнозхонми — эсимда йўқ.

«Наҳотки ўша қиз бирор жиноят қилган-у маҳбус қизлар доирасига тушиб қолган бўлса-а? Ўша қизча бўлса, наҳот мени танимайди? Ёки таниган бўлса ҳам, ўзини танимасликка солаётими?»

Лекин бу қиз талайгина йигитларнинг ҳам эътиборини ўзига тортган эди. Чунки бошқа қизлардан ўзгача — сипо бўлиб, вазмин ўтирарди. Ўзга қизлар билан ҳам сўзлашишни хушламасди чамамда.

Бош назоратчи саҳнага чиқиб, тўполон қилмаслик, шовқин-сурон кўтармаслик,

тинчлик сақлаш ҳақида огоҳлантирганидан сўнг чироқ ўчирилди. Фильм бошланди. Шу заҳотиёқ писта чақишлар, чап ёндаги қизларга писта узатишлар, қиқир-қиқирлар, пичир-пичирлар бошланди. Писта баҳона, йигитлар қизларнинг қўлларини қисиб қўйишар, ҳатто кўкракларига ҳам чангал солмоқчи бўлишарди. Фақат назоратчиларнинг орасида қилиб турган дўқ-пўписаларигина чегаралаб турарди.

Эрмак учун эмас, балки танишиб олиш умидида ёнимдаги қизга мен ҳам писта узатдим. Қиз дийдоримга ҳам қарамади, кафтининг орқаси билан қўлимни суриб юборди. Пистанинг бир қисми ерга тўкилиб кетди.

Хуллас, у кино бошланмасдан олдин томошахонага қандай ер чизиб кирган бўлса, фильм тугагандан кейин ҳам шундай чиқиб кетди. Тўғри, юрагим бетлаб писта узатган бўлсам-да, аммо бирор оғиз сўз айтишга журъатим етмади.

— Ношуд, ношуд, — Султон томошахонадан чиққанимиздан кейин мени койиб берди. — Бу кетишда сендан сўфи чиқади холос. Кўзинг кўр эмас-ку, қизлар ичида яккаю ягона сараси шу экан. Ҳеч йўқса исмини билиб қолмадинг-а?

Ҳақиқатан ҳам эртаси куни унинг қораси ҳам кўринмади. Индинига тундаёқ маҳбус қизларни олиб кетишди.

Мен эсам аттанг деганча қолавердим.

* * *

Кўриб турганингиздек, гарчанд ҳаётнинг гаштини суриш ёки ҳузур қилиш имкониятига эга бўлмасам-да, барибир яхши яшашга бўлган эҳтиёжим сўнмади. Аксинча, яшаш шароитига мослашдим, рассомлигимга кўпроқ берилдим. Рассомликка лаёқатим борлиги кўрғазманинг биринчи навбатини намойиш қилганимда тан олинган бўлса-да, иккинчисини яна ҳам жонлироқ ўтказиш учун табиийроқ, ҳаётийроқ чизишни ўйлардим. Айниқса, одамлар расми томошабин кўз ўнгида жонлиби туриши, манзур бўлиши лозим эди. Ниҳоят рўйхатда кўрсатилган колония маъмурияти ходимларининг расмини ҳам чизиб тугатдим.

Якшанба куни кеч пешин эди. Кўпчилик маҳбуслар ҳовлида сайр қилишарди. Хонамизда бизнинг тўдадан мену Султон ўзини одатдагидек беғам, бепарволикка солиб ўтирдик. Одам ўлдирганлар тўдасидан ҳам баланд бўйли, хиёл чўзиқ башарали, ранги заҳил, тўданинг каттаси Мансур билан яна беш-олти маҳбус каравотида ёнбошлаб ётишарди.

Мансур бехосдан мени чақириб қолди. Иккиланиб унинг каравотига яқин бордим. — Ҳў мулла, қизларга илашиб юришни сенга ким қўйди? — Мансур дабдурустдан шундай савол ташлаб қолди.

— Нималар деяпсиз, Мансур ака? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ана у ҳисобчи Маъмуранинг нега бошини айлантириб қолдинг?

— Ҳечам бошини айлантирганим йўқ-да!

— Расмхонага етаклаб кетганингни ўз кўзим билан кўрдим-ку, тирранча? — Мансур туриб ўтирди.

— Э, расмини чиздим-е, ака.

— Расм чизиш баҳона! — Мансур ёқамдан олди.

— Ёлғонлаётган бўлсам, худонинг қаҳрига учрай! Рўйхат беришган!

— Бўлмаса ўша расмингни кўрмагунимча ишонмайман! — Мансур ёқамни қўйиб юборди. — Қани юр, ҳозир кўрсатасан!

— Ҳўп бўлади.

Мансур иккимиз хонадан чиқиб кетаётган эдик ҳам, Султоннинг ўрта бўйига ярашган кенг кафтлари, куч ёғилиб турган вужуди ҳаракатга келди, ётган ўрнидан дик этиб турди.

— Мансур, шошма, нега у болага дағдаға қиласан? Бу фақат топшириқни бажараяпти-ку? — Султоннинг бармоқлари муштга айланди.

— Тумшугингни суқма! — Мансур Султонга ўқрайди. — Сен билан эмас, Равшан билан гаплашайман!

— Ундай бўлса, қўрқитмасдан, жўн гаплаш!

Султон билан Мансур бир-бирига безрайиб қараб қолишди. Яна бирор нохуш гап ораб, бир-бирининг жағига тушириб қолмасин деб ўйладим:

— Султон ака, Маъмуранинг расми тайёр. Майли, Мансур ака кўрсинлар.

Мансур билан расмхонага кетдик. Расмхонага кириб борганимизда ҳам Мансурнинг юзи оқариб, ранг-рўйдан заҳар томир турарди.

Биз расмхонага кирганимизда дабдурустан деворларга осилган расмлар, деразаларга тутилган кўк рангли пардалар, бурчак-бурчакларга тартиб билан териб қўйилган турли-туман чала-чулла чизилган расмлар кўзга ташланди. Вироқ булар орасида Маъмуранинг расмини учратмаган Мансурнинг кайфи баттар бузилди.

— Маъмура қани?! Билиб қўй, ёлғонласанг, мендан омон қолмайсан! — Мансур бирдан яна ёқамдан олди. — Уни тўрт йилдан бери севаман! Ҳа, севаман! Кимда-ким унга ҳаром қўлини теккизса, унинг куни битди деявер!

— Мен ундақанги аблахлардан эмасман, Мансур ака!

— Расм қани?! Нима, Султон аканга таяниб, мени менсимасликни кўрсатиб қўяман!

— Кўп ҳовлиқманг, ака! Орага Султон акани ҳам солманг! Кўрсатаман дедимми, кўрсатаман! — Мансур ёқамни қўйиб юборгач чироқни ёқдим. Сўнг узун кетган расмхонанинг тўрида — қоронғиликда тўсиб қўйилган пардани бориб очдим. Кейин ҳаворанг матолар билан ўралган тайёр расмларни бирма-бир очиб, сўнги расм юзидаги матони ҳам очдим. — Мана, марҳамат!

Ростини айтсам, аввал Маъмуранинг расмидан кўнглим унчалик тўлмаган эди. Ҳозир бутунлай бошқа бир лобарнинг расмини кўргандек бўлдим. Қора сочларини икки ўрам қилиб орқасига ташлаган, қадди-қомади келишган дилбар қиёфасига Мансур тикланича бир нафас маҳлиё бўлиб қолди. У шу топда мени ноҳақ ҳақоратлагани учун узр сўрашни ҳам ўйламади.

— Ҳа, бу — Маъмура! — деди Мансур тўнгилаб. — Бу расми менга берасан!

— Иложим йўқ, акажон! Колония раҳбарларининг руҳсатисиз ҳеч кимга ҳеч нарса беролмайман!

— Менга берасан! — Мансур қайсар эди. — Расми сен чизгансан, кимга бериш сенинг измингда! Менга нўмир қилма!

— Худо хайрингизни берсин, Мансур ака, тушунсангиз-чи!..

— Дод десанг ҳам, вой десанг ҳам расм меники бўлди!

— Расм колонияники!

— Сен тирранча билан ади-бади айтишиб ўтирибманми ҳали? — Мансур расми олиш учун қўл узатди. Мен қўлини тўсдим. У мени бир томонга итариб қўймоқчи бўлди. Мен бўш келмадим.

— Нима, мен билан пачакилашмоқчимисан?

— Дўқ-пўписангиз ўзингизга! — дедим. Қаҳру қазабим жунбушга келди. Лекин муросай мадора, дедиму савол ташладим. — Мансур ака, сизга Маъмуранинг расми керакми??

— Мен нима деяпман, тўнғиз қўпгур! Бу қабоҳатхонадан озод бўлишимга оз қолди! Чиксам, Маъмурага уйланаман! Мана бу расминг... унга тўёна бўлади!

— Ундай бўлса, шу расмдан нусха чизиб бераман!

— А?! Қачон?

— Ўн кунда!

— Агар чизиб бермасанг, билиб қўй, мендан шафқат кутма! Жаннату жаҳаннамда бўлсанг ҳам кунингни кўрсатаман! Жонингдан умидинг бўлса, тезроқ тарадудингни кўр!

Мансур муштани кўрсатганча расмхонадан чиқиб кетди.

Худодан омад тиладиму Маъмуранинг муваффақиятли чиққан расмидан нусха чишига киришдим. «Ишқилиб аслига ўхшаган чиқсин-да», деб ният қилдим. Аслига ўхшатиш эса — машаққатли иш. Чунки ё рангли бўёқларни беришдами, ё қадди-қоматидан бирор қисмини чизишдами хато қилишим эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли, оқибати хизматга туҳмат бўлмаслиги учун роса уриниб олти кунда расмни тугатдим. Аммо аслига ўхшамаётгандек туюлаверди: юзи, қадди-бастига берилган рангли бўёқларнинг тури, рангига эътибор бериб, қайта-қайта тузатдим. Ваъда берганимга ўн кун бўлди. Пешин намозини ўқиганимдан кейин Султонни чақириб келдим, расмни кўрсатдим. У аслига ҳам, нусхага ҳам назар солиб чиқди.

— Расм-пасимингга унча фаҳмим етмайди. Лекин аслига қараганда, нусхасининг фарқи борми дейман-ов, — деди Султон. — Ўнг кўзини гилай қилиб кўйибсан-ку?

— Ҳ-ҳў, қаранг-а!

Шу пайт расмхонага ҳўмрайганча Мансур кириб келди-да, Султонни кўриб, чап қоши юқорига кўтарилиди, тишини гижирлатди. Султон эса пинагини бузмай тураверди.

— Хўш, тайёрми? — Мансур салом-алик ҳам қилмай сўради.

— Деярли тайёр, — дедим.

— Нима, мени лақиллатмоқчимисан яна?

— Хаёлимга ҳам келгани йўқ.

— Нусханг шуми? — Расмга разм солди, маъқул бўлмади шекилли, Мансурнинг пешонаси тиришди, ўнг қўли билан хиёл титраган иягини силаб қўйди. Охири кўзларини чакчайтириб менга сўз қотди. — Менга расмнинг аслини бер!

— Илгариям айтганман, аслини сизга беролмайман, Мансур ака! — Ҳазабга келдим, баданимдан совуқ тер чиқди. — Расмнинг асли колонияники!

— Мараз, аслини менга берасан, гап тамом! Буни пишириб е! — Мансур нусханинг ёнида турган асл расмга интилиди.

— Мансур ака! — деб уни тўсдим. — Йўқ, дедимми, йўқ!

Мансур шиддат билан мени итариб юборди. Еним билан йиқилдим.

— Шошма, хў, зўр! — Тоқати тоқ бўлган Султон Мансурнинг рўпарасига келди. — Хизматга туҳмат? Нима, сендан тили қисиклик жойи борми унинг?

— Сен нега гингшийсан? — Мансур Султонга тикилди.

— Сен ҳайвонга Маъмурадай дилбар қизнинг ўзи тугул, расми ҳам ҳайф!

— Ҳ, гап буёқда де? Жигарингдан уриб қолгани учун расмхонага таңда қўйиб қолганман дегин ҳали! — Мансур Султоннинг тумшугига муштини қадади. — Қўлимни қичитма, тилингни тий, аблах!

— Ҳаддингдан ошма! — Султон писанд қилмай, Мансурнинг муштини нарига силтаб ташлади.

— Менинг шахтимни қайтарадиган онасидан туғилгани йўқ ҳали! — Мансур ер тепиндию Султоннинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборди.

— Эсиз, одам ўлдирган бўлсанг ҳам, тарсаки тортишнинг ҳавосини олмаган экансан! — Султон Мансурнинг юрагининг устига бир мушт туширди.

— Им!.. — Мансур кўрагини чангаллаганча гурсиллаб йиқилдию типирчилай бошлади.

— Нима қилиб қўйдингиз, Султон ака?! — Капалагим учиб кетди.

— Қайсарлигини қарамайсанми ахир.

— Улиб қолса, фалокат! — дедиму расмхона қаторидаги хонага жойлашган докторхонага югурдим. Ҳаял ўтмай врач, ҳамшираларни бошлаб келдим. Султон қотиб турибди.

Врач Мансурнинг у ёқ-бу ёғини текшириб бўлар-бўлмас унинг жони узилди.

— Юраги ёрилган. Яқингинада касалхонада юрак дарди билан ётиб даволанган эди, — деди врач.



Ўзбек футболнинг фахри, «Навбахор» терма жамоасининг раҳбари Биродар Абдураимов.

Қайғум ва қувончим футбол

«Пахтакор» футбол жамоасини нафақат Ўзбекистонда, МДХ давлатларида, қолаверса, бошқа хорижий мамлакатларда ҳам жуда яхши билишади. Кўп йиллардан бери ўйингоҳларда гоҳ ғалаба нашидасини суриб, гоҳ мағлубият аламини татиб, тўп суриб келаётган жамоанинг ўз мухлислари, ўз қайғули ва фахрли йўли бор. Ўзбекистон шаънини, шухратини, номини баланд кўтариб келган спорт жамоаларидан бири ҳам «Пахтакор»дир.

Албатта, ўзбек футболнинг карвонбошиси бўлган «Пахтакор» жамоасининг номдор бўлишида, тарихига кирган аъзоларининг улкан ҳиссаси бор. Ўз вақтида жамоада тўп суришган моҳир ва чапдаст ўйинчилар Баҳодир Иброҳимов, Тўлаган Исҳоқов, Латиф Маъсудов, Владимир Суянов ва Биродар Абдураимовлар ўзбек футболнинг шухратини узоқ-узоқларга ёйдилар.

...Кутилмаган фалокат — 1979 йил, 11 августдаги авиаҳалокати эса ўнлаб пахтакорчиларни ҳаётдан бевақт олиб кетди. Фожияли ҳалок бўлганлардан Олим Ашуров, Шухрат Эшбўтаев, Михаил Ан, Владимир Фёдоровлар ўзбек футболнинг ёрқин юлдузлари эдилар.

Сараланган терма жамоанинг машъум ҳалокати «Пахтакор» учун оғир аҳволни юзага келтирди. Жамоани янги аъзолари билан тўлдирди, уларга тарбия бериш, олий даражадаги ўйинчи қилиб етиштириш мураббийлар зиммасига тушди.

Қисқа фурсатда «Пахтакор» жамоаси яна майдон узра тўп сура бошлаб, мухлисларига қувонч келтирди.

«Пахтакор»нинг яна майдонда олқишлар олишига, чиройли ўйинлари билан рақибларини доғда қолдиришига эришишида мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлди. Айниқса, «Пахтакор»нинг собиқ машҳур ўйинчиси Биродар Абдураимов фаолиятини ўзбек футболдан айрича тасаввур қилиш мумкин эмас.

«Пахтакор» жамоасининг собиқ ўйинчиси, мураббийси, ҳозирги вақтда жумҳуриятимизнинг етакчи футбол жамоаларидан бири бўлган «Навбахор»нинг бош тренери Биродар Абдураимов билан бўлган ушбу суҳбат ҳам Ўзбекистоннинг футболни ва унинг ўзи ҳақида бўлди.

— Биродар ака, агар янглишмасам, ҳаётининг асосий қисмини футболга бағишладингиз. Ёшингиз ҳам элликдан ошди. Аммо ҳануз катта футбол билан хайрлашишни ният қилмаган кўринасиз!

— Гапингизда жон бор. Чунки ҳаётда нимага эришган бўлсам — шухратми, обрўми, мансабми — ҳаммасига футбол туйфайли эришганман. Чеккан дардларим, ташвишларим, қувончим ҳам футболдан. Ҳаётим мазмунида энг ёрқин из қолдиргани ҳам шу футбол. Ўтган умрим давомида 303 марта футбол майдонидан тўп сурдим. Кўриб турганингиздек, ҳали ҳам анча-мунча тетикман, куч-қувватим ҳам ўзимга яраша бор. Қолаверса, ҳозирча шогирдларимга футболдан сабоқ бераётганда майдонда тўп тепишга, чопишга яраб турибман.

— Ёшлигингизда кўпроқ бокс билан шўғулланган экансиз. Лекин сиз футболчи сифатида элга танилдингиз. Сал ошириброқ айтганда, «Ўзбек Пелеси» бўлдингиз...

— Қайси йигит жисмонан бақувват, кучли бўлишни истамайди, дейсиз. Мен нафақат бокс, кураш билан ҳам шўғулланганман. Ҳатто 1958 йилда енгил вазли курашчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Уша вақтлари футболга ҳам кунгил берган эканман. Мана, кўриб турганингиздек...

— Мураббийлик осонми ёки футболчи бўлиш осонми!

— Менга қолса, фақат футбол ўйнасам, дердим. Лекин ният билан ҳаёт тақозоси тўғри келавермас экан. Ёшим анчага бориб қолганлиги тўп суришга монёлик қилиб қолди.

— Сиз футбол жамоаларига, мураббийлик қила бошлаганингиздан сўнг шогирду ҳамкасбларингизга нисбатан муносабатингиз ҳақида анчагина шов-шувлар бўлиб ўтди.

— Оғзига кучи етмаган, ўз ишини эпламаганлар нималар дейишмайди. Тўғри, мен қаттиқ тартиб-интизом тарafdориман. Мураббий сифатида бунга талаб қилишга тўлиқ ҳаққим бор. Футболда бирор ютуққа эришишнинг ҳам асосий мезони жамоанинг бирдамлиги, интизомлигига боғлиқ. Баъзи тренерларнинг жамоадаги интизомни бўшаштирганлиги оқибатида ўйинларда парокандалик бўлганлиги тажрибалардан маълум. Рақиб дарвозасига бир-икки тўп киритиб, мухлислар эътиборини қозонган, лекин шухратдан гердайиб кетган баъзи ўйинчилар интизомни бузишга ҳаққим бор, деб ўйлайдилар. Шунда улар билан очиқ-часига гаплашишга тўғри келади. Улар эса тўғри гапни туҳматга йўядилар. Боя сиз айтганингиздек, турли миш-мишларнинг болалашига сабаб бўлади. Қолаверса, иш бор жойда камчилик бўлади. Миш-мишларга келсак, мен уларга асло эътибор бермайман. Жанжалсиз, мурса билан ишласам, дейман.

— Юқорида, ҳали ҳам футбол ўйнагим келади, дедингиз. Балки бу армонингизни фарзандларингизнинг яхши спортчи сифатида танилаётганлиги ижобат қилар. Чунки икки ўғлингиз оталари изидан бориб, бугун турли футбол жамоаларда тўп суришиб, мухлислар эътиборини қозонаётирлар.

— Аввало, ўғилларимдан футболчи бўлишларини талаб қилмаганман. Улар ўз ихтиёрлари билан шу касбни танлашди. Катта ўғлим Азамат футболни кеч бошлади. Уни 21 ёшида Москвадан олиб келгандим. Бироқ бу ёшда катта футболда ном қозониши осонмас. Шундай бўлсада, унинг ўйинидан хурсандман. Хорижга ҳам бориб футбол ўйнаб келди, Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди. Жасурга келсак, у ҳали ёш. Бир-икки йилдан сўнг

маҳоратли футболчи бўлиб етишишига ишончим комил.

— Биродар ака, футбол майдонида хурсанд ёки ўта тушкунликка тушиб, йиғлаган пайтларингиз ҳам бўлганми!

— Менинг назаримда, йиғламаган, эзилмаган, хурсандлигидан кўзларига жиққа ёш олмаган футболчи бўлмаса керак. Ҳатто ишқибозлар ҳам гоҳо қувончдан, гоҳо аламдан йиғлайдилар. 1968 йил эди. СССР Кубогининг финал қисмида Москванинг «Торпедо» жамоасига ютқазиб қўйганимизда қаттиқ изтироб чеккандим. Чунки тарихда биринчи бор финалга етиб келгандик-да. Аммо бу имкониятни ҳам ўйин охирида бой берганимиз ёмон бўлганди. Шунда алашимдан йиғлаб юборган эдим.

— У пайтлар чемпионликка эришиш бир армонли орзу эди. Бу ҳолнинг биринчи галдаги сабабини нима деб ўйлайсиз!

— Чемпион бўлишимиз мумкин эди. Фақат собиқ СССР чемпионати олий лигасида фақат «Пахтакор» эмас, жумҳуриятимизда яна биринчи кучли жамоа бўлганда, эҳтимол кўзлаган мақсадимизга эришган бўлардик. Масалан, қиёс қилиб кўрайлик: бир отанинг уч ўғли бўлса қандаю, бир ўғли бўлса қандай? Албатта, уч ўғли бор отанинг ҳаммиша қўли узун бўлади. Чунки унинг фарзандлари талашиб-тортишиб, ҳамма жойда ўзларининг ҳақини ажратиб олишга қурби етади-да.

СССР чемпионатида Украина ва Москвадан кам деганда 4—5 тадан кучли жамоалар қатнашарди. Улар, албатта, бир-бирини қўллаб-қувватлардилар ҳам. Шу боис олтин нишонинг ҳам кўпини ўша ҳудудларнинг футболчилари қўлга киритганлар.

— Сиз футболдан кетгунингизгача «Пахтакор» сафида бўлдингиз. Уғилларингиз эса аксинча, бу жамоа рўйхатида эмас. Буни қандай тушуниш мумкин!

— У пайтларда «Пахтакор» Ўзбекистоннинг ягона кучли жамоаси эди. Ҳозир эса, очиғини айтганда, бошқа жамоалардан фарқи қолмади. «Навбахор» ҳам эндиликда ундан қолишмайди. Қолаверса, ўғилларим қачон бўлса-да, «Навбахор»дан «Пахтакор»га ўтишар.

— Чет эллик тажрибали футболчиларга қарши майдонга тушганмисиз!

— Албатта. Туркия, Жазоир, Эрон, Австрия, Бразилия, Афғонистон давлатларининг спорт жамоалари билан ўйнаб, ғалаба қозонган пайтларим ҳам кўп бўлган.



Майдонда тўп учун кураш.

— Илгарилари жумҳуриятимиздаги спорт ишлари ҳам кўп жиҳатдан Москвага қарам эди. «Пахтакор» футбол жамоасига ҳам бош тренерлар, ўша томоннинг кўрсатмаси билан тайинланарди. Натижада, улар миллий футболчиларни етиштириб, тайёрлашга эътиборсизлик билан қарашарди. Ҳозир жумҳуриятимиз мустақил. Энди Ўзбекистоннинг ўз миллий футбол жамоаси бўлиш давр талаби. Шу ҳақда фикрларингиз!

— Ҳақиқатдан ҳам жумҳуриятимизнинг бош жамоаси бўлган «Пахтакор»да ҳам ўйинчиларнинг асосий қисмини европа миллатига мансуб футболчилар ташкил этарди. Вилоят жамоаларида ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин эди. Бунга сабаб ўша вақтдаги футбол жамоаларининг мураббийлари, маҳаллий миллат вакилларида ўйинчилар тайёрлаш ўрнига, собиқ СССРнинг турли футбол жамоаларидан тайёр футболчи-

ларни чақиришни мақбул кўришгани. Ҳозир бу нарсага чек қўйилди. Асосий эътибор, маҳаллий миллат вакилларида ўйинчилар тайёрлаш, миллий футбол жамоаларини тузишга қаратилган. Ишонамизки, биз жумҳуриятимиз спорт шарафини ҳимоя қилишга қодир бўлган, ўзбек ўғлонларидан иборат футбол жамоасига эга бўламиз.

— Ҳаётда ушалмай қолган армонингиз борми!

— Ўзбек футбол жамоаларини жаҳон ва Олимпия мусобақаларида ғолиблик шохсупасига чиқишини кўриш — битта армоним шу. Уғилларим Азамат ва Жасурнинг футбол муҳлисларининг ишончини оқлашларини ҳам жуда-жуда истардим.

— Орзуларингизга етинг. Раҳмат!

Сўхбатдош Нормурод МУСОМОВ



«Жамбил» бу гал ҳам совринни олди.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ

500 сўм жарима тўламай десангиз...

Ит боқишни хуш кўрадиган ва шахсий машинаси бор фуқаролар энди эҳтиёт бўлишсин.

Бу гап ҳозирча Бухоро шаҳри фуқароларига тегишли. Шаҳар кенгаши қабул қилган қарорга биноан бундан буён ити ёки машинаси хиёбон, гулзорларга кирган фуқароларга 500 сўм жарима солинади. Тўғрида, Бухорои шариф номига яраша доимо озода бўлиб турмоғи керак.

Бошқа шаҳарларнинг маҳаллий ҳукуматлари ҳам бухороликлардан ўрнат олишса ёмон бўлмасди.

«Халқ сўзи» рўзномасидан



Булбулчалар

Шермат ака билан илк бор болалик пайтларимда ойнаи жаҳон орқали танишганман. Ёдимда, ўша кезларда ҳам у болалар билан бирга қўшилиб қўшиқ айтарди, экран қаршисида ўтирган биз қўшиқ шайдоларига ҳам ўзи яратган қўшиқларни ўргатарди. Биз болалар ҳатто экран орқали унинг боласеварлигини, камтарлигини шундоққина сезиб турардик.

Йиллар ўтди, хизматчилик экан, Шермат ака Ерматов билан юзма-юз учрашдим. Болаликнинг ҳар сонияси бегубор, деганларидек, ўшанда биз болалар янглишмаган эканмиз. Болалар қалбига, ички дунёсига болаларча соддалик ва бегуборлик билан кира олиш ҳам инсондан катта маҳорат, болажонлик фазилатларини талаб қилади-да, ахир. Мен у киши билан учрашиш мақсадида аввал ойнаи жаҳонга қўнғироқ қилдим.

— Марҳамат, келаверинг, мен шу ерда бўламан,— деди Шермат ака.

Келишгандек, таҳририятдан ойнаи жаҳон биносига қараб йўлга тушдим. Қарасам, ойнаи жаҳон кўрсатувлари биноси эшигида ўтирган милиционер таниш. Мендан ҳужжат талаб қилиб ўтирмади. Демак, телефон қилиб, чақириб ўтиришимнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Тўғри кириб бордим. Мени у бундай кириб келишимни кутмаган экан. Мен етиб борганимда Шермат ака бир гуруҳ болаларга янги қўшиқларидан бирини ўргатиш билан машғул эди. Вақтнинг дақиқаси ундай одамлар учун ғанимат-да. Зал эшигидан кирарканман, у кишининг болаларга бениҳоя завқшавқ билан қўшиқ ўргатаётганининг гувоҳи бўлдим. Ўша—болаликда ёдимда муҳрланиб қолган қадду қомат, экрандаги шакллар, жозибали имо-ишора-

лар яна кўз ўнгимда такрорланди... Болалар ҳам мураббийларининг ҳар сўзини қунт билан тинглашарди. Ким билади, вақти келиб мана шу болакайлар орасидан чинакам санъаткорлар етишиб чиқар...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, халқ маорифи аълочиси Шермат ака Ерматов ва у тарбиялаб вояга етказган «Булбулча» гуруҳининг аъзолари—келажакка талпинаётган санъат гунчалари билан яқиндан танишиб ҳам олдим.

Давлат телерадиокомпанияси қошидаги ушбу болалар ва ўсмирлар ашула ва рақс ансамбли Ўзбекистонда эмас, қолаверса, хорижий мамлакатларда ҳам ўз ихлосмандларига эга. Чунки унинг репертуаридан ҳинд, араб, турк, озарбайжон, қозоқ, эстон, ўрус ва бошқа халқлар қўшиқлари ўрин олган. Шу билан бирга, бугунги кунда «Булбулча»нинг энг катта ютуқларидан бири—ўзининг қувноқ қўшиқлари, жозибали мусиқа санъати билан фақатгина болаларнинггина эмас, катталарнинг ҳам эътиборини торта олганлигидир. Гуруҳ иштирокчиларининг ёқимли санъати ҳар ҳафта сари экран орқали жаранглайди. Бу қўшиқлар барчамизнинг хонадонимизни дилрабо оҳангларга буркамоқда, болаларга олам-олам қувонч бахш этмоқда.

«Булбулча» дастасининг элга танилишига, ўз услубига, ўз муҳлисларига эга бўлишида Шермат Ерматов гуруҳнинг раҳбари ва ташкилотчиси сифатида озмунча саъй-ҳаракат қилмади. Гуруҳ дастлаб ташкил этилган 1970 йилда унинг аъзолари саноклигина эди. Бугунги кунга келиб «Булбулча» дастаси аъзолари етти юзга яқин ёш санъатсеварларни ўз сафига бирлаштирган.

Шермат ака ва «Булбулча»лар билан суҳбатимиз қизигандан қизиди:

— Кўпроқ қандай мавзудаги қўшиқларни басталашни ёқтира-сиз?

— Мен болажонларнинг кўнглига йўл топа олсам, ўзимни бахтиёр деб биламан. Шунинг учун кўпроқ болаларнинг руҳиятига мос келадиган, болаликнинг шўх-шодонлигини, завқ-шавқини тараннум этадиган миллий, яъни ўзбекона қўшиқларни басталашни хуш кўраман. Ўзим ҳам гоҳида болаларга қўшилиб қўшиқ айтаман. Болалик онларимга қўшиқ орқали қайтгандай ҳис қиламан ўзимни. Болалик чоғларимда ҳам қўшиққа ихлосим баланд эди. Ниятим санъаткор бўлиш эди. Шу орзуларим амалга ошиши учун аввал Тошкент Маданият билимгоҳида, кейин Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида ўқидим. Ўқиш, ўрганишлар давомида мусиқа сеҳрига янада кўпроқ ошуфта бўлдим...

Мен суҳбат давомида Шермат Ерматовнинг санъат фаолияти билан бир қадар танишдим... 1967 йили Шермат ака консерваторияни битириб, пойтахтдаги 99-мактабга мусиқа муаллими этиб тайинланади. Иш давомида болалар қўшиқчилигига қизиқиши ортиб, болалар дастаси ташкил қилиш фикри туғилади. Илк бор шу мактабда болалар хори ташкил қилади. Дастлаб мусиқа дастаси болалар хори деб юритилади. Аста-секин танила борган бу кичик санъаткорлар гуруҳи жаҳоннинг кўпгина шаҳарларида ўзбек мусиқа санъати намуналарини намойиш этади. Шундан бери Ш. Ерматов ташкил этган «Булбулча» гуруҳи билан «Қўшигим, жон қўшиғим», «Биргаликда куйлаймиз» номли кўрсатувлар тайёрлаб, ойнаи жа-

ҳон орқали болаларни, қолаверса, кўпчилик телетомошабинларни қўшиқ оламига етаклаб, эзгуликни улугламақда.

Шермат ака айни кунларда болалар мадҳини яратиш учун ижодий изланаётган экан. Бу борада маълум амалий ҳаракатлар ҳам қилишибди.

— Дунёда шундай қўшиқлар борки, уни ҳар бир миллат вакили таржимасиз ҳам тушунади,— дейди Шермат ака.—Биз яратмоқчи бўлаётган қўшиқ ҳам барча дунё болаларига тушунарли бўлса, деган ниятдамиз.

Санъат соҳибининг бу эзгу орзуси амалга ошишига ишончимиз комил. Зеро, бастакорнинг И. Муслимнинг «Гулдек яшнар болалар», Мирмуҳсиннинг «Кўклам», П. Мўминнинг «Икки қўйманг ўқитувчим», Ҳ. Муҳаммаднинг «Ўзбекистон—тонг юртим» сарлавҳали шеърларига басталган қўшиқлари ўзбек болалар қўшиқчилиги хазинасидан муносиб ўрин олган.

— Халқимизда «Ҳар тўқисда бир айб бор» деган нақл бор. Шу ўринда бир томошабин сифатида, ойнаи жаҳонда сиз олиб бораётган кўрсатувлар ҳақида айрим мулоҳазаларимни айтсам. Баъзан, кўрсатувларингизда кўп эзмалик қиласиз, жумлалар нотекис, саёз, баъзи сўзларни такрорлайсиз, шираси бўлмайди. Йигирма миллион одам эшитиб турибди! Томошабинларни зериктириб қўймасликларингиз учун янада кўпроқ ишлашга тўғри келади. Гап келганда дўстингни ҳам аяма, дейдилар... Ойнаи жаҳонда яна битта йигит ҳам бор, у саёхатчилар клубини бошқаради. У ҳам тез-тез бошини лиқиллатиб, гапларининг жумласи ғариб, юракни сиқадиغان ортиқча гаплар қилади. Гапи қачон тугаркин-у, қачон бошқа кўрсатувларни кўраркинмиз, деб тураемиз. Инсофли бўлиш керак.

— Тўғри, гоҳида қўшиқ матни болаларга тушунтириш жараёнида, ортиқча сўзамолликка бериламан. Албатта, масъулиятни сезишимиз керак. Оз ва соз гапирмоқ лозим. Бу ердаги ижодий мажлисларда сўзларингизни эслатаман.

Кечагина ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаган республикамизнинг байрам тантаналарида «Булбулча» ҳам иштирок этди. Бу гуруҳ ўзбек халқининг оламари янада танилишида байрамга атаб тайёрлаган қўшиқлари, жозибали рақслари билан барчани хушнуд этди. Байрамда иштирок этган хорижий меҳмонларни, давлатимиз раҳбарларини гуллар билан табриклаган ҳам «Булбулча»нинг гулсевар булбуллари бўлди, Шермат аканинг гунча янглиғ шоғирдлари!..

— Болаларимиз жуда завқлида. Имкони бўлди дегунча қўшиқ куйлайверишади,— дейди Шермат ака.

Ҳақиқатан ҳам бу чақнаган кўзларга қараб яйраб кетасан—Ватанимизнинг келажаги булар деганча.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Гулистон»нинг махсус муҳбири

Маърифатга чайқовни аралаштирманг!

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг риёдин асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг хатодин асра.

Алишер НАВОИЙ

Жамиятимиз қийин иқтисодий ва маданий туб ислохотлар даврини бошдан кечирмоқда. Улкан янгиликни дебодасида турмушимизнинг жамики жабҳаларидан қалқиб чиқаётган муаммолар бугун бизни чуқурроқ фикр юритишга ундамоқда.

Муаммолардан бири—маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилувчи китоб савдоси борасида кечаётган жараёнлардир. Айни йилларда ҳукм сўраётган иқтисодий егиш-мовчилик, аҳоли турмушининг қийинчиликлари дуч келиши маънавиятимизнинг мулкни бўлган адабиётни ҳам тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Маънавиятимиз шусиз ҳам қашшоқлашиб бораётган бир даврда бу нарса яна бир оғир зарбага айланди. «Бозорда қоғознинг қимматлашиб кетиши оқибатида тиббиёт, илм-фан борасидаги китоблар, мактаб дарсликларини бир қадар чиқиб тургани ҳолда бадиий адабиётларни нашр қилишга сарфланадиган маблағ ниҳоятда чекланиб қолди. Шу баробарида жумҳуриятимизда алоҳида маданият тармоқлари тарзида пайдо бўлаётган, ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи бир талай нашрлар—ширкатлар вазиятдан фойдаланиб, халқимизнинг маърифатли бўлишига хизмат қилиш ўрнига чўнтак қаппайтиришга киришиб кетдилар. Бир қарашда уларнинг фаолиятида ҳеч қандай камчилик йўқдай туюлса-да, бироқ бу янги маданият йўналишларининг ички оламини, улар билан ижодкорларнинг муносабатини ўрганишда шундай хулосага олиб келадикки, бу соҳада ҳали эски тартиблар, чалкашликлар ва қарашлар мавжуддир.

Шу мавзуда *Ўзбекистон республикаси Китоб савдоси бирлашмасининг директори Сотиволди Йўлдошев билан суҳбатлашдик:*

— Сотиволди ака, шу кунлардаги иш фаолиятингизда нималар сизни кўпроқ ўйлантиради?

— Ҳозирги давр—янгича ишлаш жамоамиз олдида жуда катта, жиддий ва мушкул муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Дарвоқе, қоғоз тақчиллиги муаммосини узил-кесил ҳал этмай туриб, китоб савдосини яхшилаш оғир эканлигини ҳаёт бизга аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Қоғоз топиш мушкуллиги сабабли китобларнинг нархи ҳам осмонга чиқиб кетди. Бу эса шундоқ ҳам иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган халқимизнинг, хусусан, қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини, бебаҳо маънавий хазинадан бебаҳра этиш хавфини тугдирди. Бор имкониятлар ҳам баъзи бир олгирлар (ширкатлар, олиб сотарлар) қўлига ўтди. Шу ўринда, бунинг нимаси ёмон, бу ўзаро рақобат-ку, рақобат маънавий ривожланишнинг зарурати эмасми, деган савол туғи-

лиши ҳам табиий. Лекин айтинг-чи, иш юритаётган ширкатлар, олибсотарлик билан шуғулланадиган дўконларнинг кўпайиши маънавий тараққиётимиз учун, оз бўлса-да, йўл очдими? Йўқ. Нега деганда, деярли барча нашрлар ёппасига дин, мерос ва тарих ҳақида чала-чулпа асарлар боса бошладилар. Қолаверса, ўшанақа китоблар таниқли олимларимиз, диний бошқармалар назоратисиз—«олимчалар», «тақводорлар» тахрири остида қарсиллаб чиқиб кетаяпти. Шу кунга қадар биз тарих тўғрисида нотўғри қарашларни собиқ фирқа учун тарғиб қилган бўлсак, бугунги кунда бойиш учун шомашошарлик билан қўлимизга тушган нимаики нарса бўлса, ўйлаб ўтирмай нашр этиб, бозорга солаёпмиз. Бу ҳолат туфайли ўқувчиларни чалғитиш билан бирга, яна катта хатога йўл очаётганимизни сезмаяпмиз. Бунга мисоллар жуда кўп. Шу кунларда ҳар хил найранг йўллари билан бойлик орттиришни ўйлаганлар кўпайиб кетди. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжига кўра иш кўрмай, аксинча, биз учун ёт бўлган Ғарб ҳаётини акс эттирувчи, ахлоқан тубан ғоялар тарғиботчисига айланиб қолаётирлар. Шу тариқа, демократия деб янги жамиятнинг бизга берган эркинликларини, қулайликларини сунистеъмом қилишга ўтдик. Эътибор қилган бўлсангиз, Россиядан шарм-ҳаёсиз руҳдаги миллион-миллион китоб ва катта суратлар олиб келиб сотилди. Ширкатлар, кичик корхоналар ва бир қанча тижорат нашрлари ҳам шунақа мавзунини тезда ўзлаштириб олиб, савдо расталарини шаҳвоний мажмуалар билан тўлдириб юбордилар. Мен бундай олди-қочдилар билан шуғулланаётган ноширларга, ширкатчиларга: «Маърифат—чайқовчилик бозори эмас», дегим келади. Биз ўзимиз ҳам илгари собиқ Марказда чиққан китоблар билан дўконларни тўлдирардик. Иложимиз йўқ эди...

— Нарх-наво ошиб кетган бир пайтда китоб савдоси қандай кечмоқда?

— Нимасини айтасиз, оғир, мен сизга айтсам, нашриёт ишларининг оммавий ахборот воситалари ва вақтли матбуотдан фарқи бор. Матбаачилик давлат ишларининг ўз тизимида бир қанча иш юритиш жараёнларига эга. Буни уч босқичда кузатиш мумкин: нашриёт, босмаҳона ва энг асосийси, савдо соҳасидир. Бунинг асосийлиги шундаки, халқ нашриёт ва босмаҳонадан узоқ одамлар асосан савдо билан яқин муносабатда бўладилар. Шу боис, оғирликнинг кўп қисми бизнинг зиммамизга тушади. Бизнинг асосий вазифамиз нашриётлар билан ҳамкорликда иш олиб боришдир. Китоб билан савдо қилиш соҳасини нашриёт билан халқ ўртасидаги катта, бир кўприкка қиёс қилиш мумкин. Илгарилари соҳамизда муайян йўналиш мавжуд эди. Жумҳуриятимиз бўйича китоб савдоси бизнинг ташкилот та-

сарруфида эди. Маълумки, халқимизнинг 60—70 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Шуни эътиборга олиб, яъни қайси соҳага тегишли китобларга халқнинг эҳтиёжи кўпроқ бўлса, ўшанга мос равишда жойларга китоб тарқатар эдик. Бу эса баъзи яхши китобларнинг дўконларда туриб қолишига йўл қўймасди. Эндиликда барча китоб савдо шохобчалари бизнинг тасарруфимиздан чиқарилди. Бу иш китоб савдоси жараёнининг бузилишига олиб келди. Ўз ҳомийлигига олган бирлашмалар китоб савдоси ишини назоратсиз қолдирдилар. Бунинг устига китобларнинг нархи баланд. Негаки, бунга сабаб, ўзингиз билиб турганингиздек, оғир иқтисодий аҳвол ҳатто матбуотни ҳам издан чиқармоқда. Олдинлари бир тонна қоғозни 300—400 сўмга олардик. Эндиликда, нархлар кун сайин ўсиб, бир тонна қоғоз 60 минг сўмга чиқиб кетди. Давр тақозоси экан-да, баъзида ўз корхонамиз жамоасини маблағ билан таъминлаш учун савдо шохобчаларида махсус кичик дўкончалар очиб ишларини ҳам йўлга қўйдик. Унда халқ истеъмолига, эҳтиёжига мос, хўжалик моллари ва турли махсулотлар сотилмоқда. Албатта, бу тадбир вақтинчалик қийин аҳволни енгиш учун бўлган саъйи-ҳаракатлардир.

— Яхши китоблар, ҳарқалай, бор, лекин шу китобларнинг ўз мухлисларини топиши учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Бизда шу вақтгача яхши анъанага айланган китоб тарғиботи ишлари анча суст сайди. Тарғиботсиз, бозор иқтисодиёти жараёнида бирор бир нарсага эришиш мушкул. Ўзимизнинг сара махсулотларимизни тарғиб қилиш йўли билан жаҳон савдо ярмаркаларига олиб чиқишимиз керак. Бу нарса китобларнинг ҳам харидоргир бўлиши учун энг муҳим заруратлардан биридир. Жумладан, биз китоб савдо ходимларини йиғиб, халқ билан яхши муомала юритиш, қўпол бўлмаслик, ширинсухан ва инсон бўлишни, сотилаётган китоблар тўғрисида озроқ тушунтириш ишлари олиб бориш ва шунга ўхшаш мавзуларда махсус суҳбатлар уюштириб бораемиз. Ҳамма вақт давлат тилида иш юритаемиз. Энди булар—бизлар қиладиган иш. Аммо ижодкорларнинг ўзлари ҳам шунга ҳаракат қилсалар яхши бўларди. Айниқса, қишлоқ жойларида халқ билан ижодий мулоқотлар олиб бориш яхши натижалар беради. Нашриётларда чоп этилаётган китобларни оммавий ахборот воситалари—рўзнома ва жаридалар тарғибот қилиб борсалар, яхши китоблар ўз ўқувчиларини топиши учун кўнгилли бир иш бўлар эди.

Суҳбатдош Ҳабиб АБДИЕВ

Афзалиддин Ҳоқоний

(1120—1199)

Афзалиддин Ҳоқоний — форсий тилда ёзган озарбойжон мутафаккир шоири. Унинг шеърий мероси асосан қасида, ғазал ва рубоийлардан иборат. Айниқса унинг «Мадойин», «Тухфатул Ироқайн» ва «Ҳибсия» туркумига кирган қасидалари эътиборга сазовор.

Тадқиқотчилар уни форсий тилда вужудга келган шеъриятнинг улкан намояндalarидан бири ҳисоблайдилар. Ҳоқоний араб тилида ҳам асарлар яратган.

* * *

Ҳалқа-ҳалқа зулфинг то эшиб суманбар этдинг,
Топтаб узру тавбамиз, шикаста назар этдинг,
Гоҳо истеҳзо ила гулу солиб фалакка,
Гоҳ ноз ила юлдузни шамга баробар этдинг,
Эй, ой юзли, осмонни забт этурсан, истасанг,
Лекин осмон не қилгай! Сен тенгсиз лашкар этдинг.
Аста-аста Хуросон мулкини олдинг қўлга,
Худди шул шитоб ила сен фатҳи Санжар этдинг.
Ишқнинг шоҳ кўчасида ҳар бир бекатки мавжуд,
Дуч келган дилни вайрон қилиб, қаландар этдинг.
Бурчак-бурчакда изғир минглаб жигарсўхталар,
Кибр кулоҳин кийиб, алардан ҳазар этдинг.
Бир қисим тупроқни ҳам ғорат этиш мушкулдир,
Сен Искандар тилсимин барбод, бесамар этдинг.
Ҳоқоний дилин жафо бирла топтаб ўтдинг-ку,
Лағлингдан товон тўла, дурни хокистар этдинг.
Эй, Ҳоқоний, бу Ширвон маскан бўлмас сенга,
Парвоз эт Ироқ томон, агар болу пар этдинг.

* * *

Унинг феъли бепарволикдан кам бўлмади,
Менинг кўксим кўйдю кўзим нам бўлмади.
Халқдан уялиб ёвлар ҳам бир-бирига бўлур дўст,
Биз бечорага нисбатан бу ҳам бўлмади.
Турли илтижолардан тилимиз бўлди қадоқ,
Бундан унинг феъли қилча ҳам бўлмади.
Бирор кун юзимдан ғамгинлик аримай,
Бу ғамзада кўнгил ҳеч хуррам бўлмади.
Кўксим, гавҳарини илга тизгандан сўнг,
Садафдек очилдию лек малҳам бўлмади.
Сув ўгириб ичгач бошимдан ишқинг,
Яна ғамдан ўзга бизга маҳрам бўлмади.
Олам жафосига ҳамжинс бўлдимү аммо
Дардимга ҳамжинс бир олам бўлмади.
Ҳоқоний йўлини босди ғам тикани,
Уни олиб ташларга қаддим ҳам бўлмади.

* * *

Кулган чоғинг билурман, оғзинг тору танг эрур,
Садаф гавҳарин сочган лабинг ҳақиқранг эрур.
Кўриб шўх кўзларингни Бобил сеҳргарлари,
Юзин тирнаб, лаб тишлаб, ҳайрон, ҳангу манг эрур.
Жону жигар темирдай эриб оқсин ишқингда,
Кор этмас сенга оҳлар, дилинг метин-санг эрур.
Тонг чоғлари фалакда васлингни куйлар Зухро,
Ҳаво савтида оққан чанг берган оҳанг эрур.
Қошинг камони отса ғамзаю ноз ўқларин,
Тошларни тешиб ўтган ул тири хаданг эрур.
Лаби лаълу шакардир, бахтсиз бўлмасам, нега
Заҳар сўзи ҳам менга ширин, хуш жаранг эрур.
Оби ҳаётдир лаби, қалби Искандарона,
Зулми ҳам ором менга, гарчанд ҳолим танг эрур.

* * *

Эй дил, бир тола қилча озод бўлмасан,
Қилдек оздинг-ку ғамдан, дилшод бўлмасан.

Осудалик ичра ҳам раҳна уриб киргай ғам,
Бу раҳналар дастидан обод бўлмасан.
Пўлатнинг ҳам оташдан сув бўлганин кўрдим кўп,
Сен сув бўлиб оқ энди, пўлод бўлмасан.
То истарсан адолат, чекавер унинг ранжин,
Сокинлик истар эсанг, бунёд бўлмасан.
Қанчалик қазма тоғни, топилмас унда гавҳар,
Фақат тоғ кавлаш билан Фарҳод бўлмасан.
Маломат майдонида чавгонинг сурма қанча,
Саломатлик қасрига имдод бўлмасан.
Ғамдан туғилдинг ўзинг, гулдек беланиб қонга,
Шодликка майдек ҳеч вақт зурёд бўлмасан.
Қон ёш тўкиб, тўфонда қолган Күфадек бўлдинг,
Энди ҳеч бахтинг кулиб, Бағдод бўлмасан.
Хоҳ шоҳлик лофин қилиб, хоҳ дарвишлик дамин ур,
Ҳар бир ҳолатда ғамдан озод бўлмасан.
Ҳоқоний, агар олам сенинг аҳдинг ёд этса,
Ўзинг каримлар аро ҳеч ёд бўлмасан

* * *

Бадхўликдан ўзни холи бир дам қилмадинг,
Бизнинг жонимизга мурувват ҳам қилмадинг.
То аввал-бош неки қилган бўлсанг бизга,
Сўнгида ҳам ундан ҳеч кам қилмадинг.
Сенинг аҳдингда доим устивор қолдим,
Феълингдан кечиб сен, карам қилмадинг.
Лутфу эҳсонингга кўз тикдим талай,
У оламда қилурмисан, бу олам қилмадинг.
Қайда бир ваъдангки, бугунни айтиб,
Минг бор «эртага» деб, ғам қилмадинг.
Бир бўса деб ҳавзингни минг айландим,
Бир бор дилни дарёи пурнам қилмадинг.
Ҳоқоний аҳволин шу тарз эшитдинг кўп,
Аммо кўз олдингда тасаввур ҳам қилмадинг.

* * *

Ҳоқоний бойликка кўп мағрур бўлма,
Бойлик бир сояким, бўлмас пойдор.
Бойлик мағрур қилган кимса, баайни
Ўтга қарши юрган қамиш найзадор.
Аввали — тонг бўлиб, сўнги — гул бўлур,
Бари бироз умру озгина қарор.
Фалак нилий рангин этмагил ҳавас,
Нилийда мотамдан рамзу тимсол бор.
Ундан баҳра олма, саробдир асли,
Умрни оқибат этгучи абгор.
Бойликнинг меваси заҳматдир мудом,
Оловдан сиқим кул қолгандек ёдгор.
Меҳнатнинг охири давлатдир яна,
Билки, қиш сўнгида унгай навбахор.
Боши — ғурур эса, ўртаси — ишрат,
Охири — заволдир давлатнинг, эй ёр.
Баайни шаробдир: аввали — ғурур,
Урта — кайф, охири — бош оғриқ, хуммор.

Форсийдан Жуманиёз Жабборов таржимаси



Абдулла ВАХШИВОРИН

Мен Абдулланинг шеърларини ўқиб, унда жўшқин юрак гупуриб турганлигини ҳис этдим.

Бугунги кунда шеър ёзиб, бировнинг меҳрини қозониш мушкул. Буни Абдулла яхши тушунади, яхши ҳис этади. Лекин шунинг билан бирга у ўз қисматини ҳеч иккиланмасдан шеърятга, катта адабиётга боғламоқчи.

Абдулла жаннатмакон Сурхондарёнинг

Олтинсойдан, Вахшивордан. Вахшиворнинг табиати бетакрор, тоғлари улугвор. Сўфи Оллоёр бежиз у жойлардан руҳиятига юпанч изламаган.

Мен Абдулланинг шеърятига туғилган юрти табиатининг шукуҳи, улуг алломанинг руҳи ёр бўлсин, дейман.

Мирпўлат МИРЗАЕВ

Узуккинанг

Висолингга тўймадим ёр, тузуккина,
Айролиқнинг нигоҳлари сузуккина!
Кўзларимни куйдирди-ей, қўлингдаги
Толемини парчинлаган узуккина!

Кўзларимни куйдиради, узуккинанг
Жонгинамдан тўйдиради, узуккинанг.

Муҳаббатнинг яралари тузлиг экан,
Эл ичинда чанги ётмас сўзлиг экан.
Юрагимни ҳада қилсам, бармоқларинг—
Муддаоси—узук, қўйша кўзлиг экан!

Кўзгинамни куйдирди-ей, узуккинанг,
Жонгинамдан тўйдиради-ей, узуккинанг.

Юрагимнинг туб-тубидан нидо келар,
Оёғингга бош ургали—фидо келар,
Юрак қоним қўлларига хино айлаб—
Бармоғида олтин узук, ЖУДО келар.

Кўзгинамни куйдиради, узуккинанг,
Жонгинамдан тўйдиради, узуккинанг.

Муҳаббат

Қўлим юлдузларга қундуз етганда,
Толемга қоши қундуз битганда,
Шул юлдуз бағримга сингиб кетганда,
Мен сени танидим, ёндим, муҳаббат,
Новвог лабларингдан қондим, муҳаббат!

Толе ёздиғимга ҳижрон чизганда,
Бағримда изиллаб армон кезганда,
Кўзимдан ёш эмас, ол қон сизганда,
Мен сени унутдим, тондим, муҳаббат,
Узимнинг ўтимда ёндим, муҳаббат!

Тошмеҳр, тошлара юз қўйиб ётдим,
Сувратингга боқиб, кўз куйиб ётдим,
Севгингни қалбимга бекафан кўйиб,
Ҳижроннинг тубига тош каби боғдим!
Наҳотки, унутдим, тондим, муҳаббат?!
Узимнинг ўтимда ёнғум, муҳаббат!!!



Бир қиз кўрдим

Вахшиворда бир қиз кўрдим, қобоқлари силлиққина,
Юзи—гулфом, истигнолиғ, боқишлари илиққина.
Бели хилча, ёноғи ол, хўп мағнили қилиққина,
Раво кўрса, сочларига бўлар эдим пилиққина!

Бу олманинг соҳиби ким, бермасмикан?
Қўлим чўзсам, енггинамдан кирмасмикан?!

Лабларида ой ёғдуси, гулоб бўлиб ялтирайди,
Дудоқлари суқ кўзлардан иболаниб қалтирайди.
Раво кўрса кўзларига содиқ киприк бўлар эдим,
Қўлларини сўрай десам кўнгили қурғур хавфсирайди.

Е раб, қўлла шу малакнинг кўнгли ийсин,
Дилбарижон жон куйдириб бизни суйсин!

Қирқ кокили оёғига лаб босишни хуш кўради,
Кўкси узра қўш кабутар парвозга шай, жўш уради,
Уйланмаган бўз йигитлар кўз узолмай,
Бағри қонаб,

Тик турганча чимилдиқни туш кўради.
Э худойим, югурганлар етолмасин,
Пешонамдан шу қиз нари кетолмасин!

Вахшиворда бир қиз кўрдим, қобоқлари силлиққина...



* * *

Е Худо, не кўргулик, кўнглим нечун ғаш-қонталаш,
Гуноҳим бўғзимдан ортиқ, табакай бўл шон талаш?!

Кўзларимдан ҳалқа-ҳалқа ғам сизаюр, не сабаб?!
Не етмас мендек мўминга, кошки бўлса нон талаш?!

Етти ой ётсам ўсал, йўқловга бир келмас ҳабиб,
Не замон бул, билмадим, дору ҳам дармон талаш.

Барчасидин қўл силкиб, тарки дунё қил десанг,
Осий банданг не қилсин, бағрида армон талаш!

Бахтли эрдим, юз ўгириб—Е, Расул!—деб мен чиқсам—
Оргимдан эргашса қавм, ўнгу-сўл карвон талаш.

Бу кун муслим аҳликим, ўз ризқига қилмас қано—
Кўкдаги ойни узарга ўртада нарвон талаш!

Эй Карим, Вахшиворийни этма меҳрингдан жудо,
Абдулло Аҳмад ўғли ул, тож эмас—иймон талаш.

Қўйгил, азизим...

Қўйгил, азизим, бир сўз билан дилга ўт кетар,
Висол уйига бизни элгар йўлга ўт кетар.
Ғунча юзингга доғи ҳижрон нохуш тўкилиб—
Кўнглинг боғида қулфин урган гулга ўт кетар.
Қўйгил, куюнма, эй азизим, дилга ўт кетар!

Иғво ташимоқ аҳли нокас феълига хосдур,
Шаккар ҳаётга оғу солиш кўнглига мосдур.
Кулранг юзида ним табассум кўрсанг қувонма—
Бешарм юзига ним табассум йиртиқ либосдур,
Учсанг сўзига ардоғи дил—гулга ўт кетар!

Зукко кўзингда меҳринг порлаб оламга боқсанг,
Ер сочин силаб мавжларида шарқираб оқсанг,
Ақли ноқусни эл ичинда юз қаро айлаб—
Дилдор қўлига юрагингни узук, деб тақсанг,
Аҳли ғанимнинг кўзидаги кулга ўт кетар!

Қўйгил, азизим, бир сўз билан дилга ўт кетар!..

Сурхондарё

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДАН МУТОЛАА МАШҚЛАРИ

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Муаллим ва ҳаттот

Ҳақиқат

Бир кибғал عالم کیشی فقر بولغانی اوچون
بیر بخیل بای نینگ ایشیکى گا باریدور کیم
مین سیز صدقه بیر ماچیسیز دیب ایشیدیم
مین غایت درجه محتاج و مستحق دورم
دیدى بخیل بای بانه لارقیلیب دیدیکیم
مین صدقم نی کورلارگا بیروم دیب عمد قیلیب
ایردیم سین ایرسانگ کورایماس سن .
عالم دیدى غلط قیلیبورسن حقیقی کورمندورمکیم
مخلوقات گا رزق بیروچی ذات دن یوز
اوگوریب سینگدیک بخیل نینگ یانیکا کیلیبورم

بو سوزنی ایتیب عالم قایتیب کیتدی
عالم نینگ سوزی بخیل گا غایتدا تاثیر قیلیب
ایزیدن یوگوردی عالم قبول ایتادی

Ҳикоят

Бир камбағал олим киши фақир бўлгани учун бир бахил бойни эшикига борибдурким:

— Мен, сиз садақа бермоқчисиз, деб эшитдим. Мен гоят даража муҳтож ва мустаҳиқдурман, — деди. Бахил бой баҳоналар қилиб дедиким:

— Мен садақамни кўрларга берурман, деб аҳд қилиб эрдим. Сен эрсанг кўр эмасан.

Олим деди:

— Ғалат қилибдурсан, ҳақиқий кўрмандурким, махлуқотга ризқ берувчи зотдан юз ўгуриб, сенингдек бахилнинг ёнига келибдурман.

Бу сўзни айтиб олим қайтиб кетди. Олимнинг сўзи бахилга гоятда таъсир қилиб, изидан югурди. Олим қабул этмади.

اولوگ لاردن اويلامن

بیر طبیب نی کوردی لارکیم هر وقت
گورستان دن اوتسا رداسی نی باشینا

سالوب یاپونوب اوتار ایردی انینگ
سببین سوادى لار طبیب دیدیکیم
بوگورستان دایاتغان اولوک لاردن
اویالورمن چونکه هر بیرى مینى داریمنى
یب و نینگ شرتیدین ایچیب اولغاندورلار

Ўлуклардин уялурман

Бир табибни кўрдиларким, ҳар вақт гўристондан ўтса ридосини бошига солуб ёпунуб ўтар эрди. Анинг сабабин сўрадилар. Табиб дедиким:

— Бу гўристонда ётгон ўлуклардин уялурман. Чунки ҳар бири мени доримни еб ва менинг «шарбатим» дин ичиб ўлгандурлар.

خرسنگ

بیر حکیم دیدیکیم اویلاناغلیک بیر چوقور قدوق
کبى دور هرکیم انکا توشا خلاص لیک یوقدور
اندىن سوردی لارکیم آیا اندىن قوتولماق ممکنمو
حکیم دیدى اگر قدوق باشى گا خرسنگ
قویسالار آزاد بولیش ممکندور سوادى لارکیم
خرسنگ نیمه دور حکیم دیدى هریر فرزند
توغیسا اول قدوق باشى گا خرسنگ
قویارلار .

Харсанг

Бир ҳақим дедиким:

— Уйланмоғлик бир чуқур қудуқ каби-дур. Ҳар ким анга тушса, халослик йўқдур. Андин сўрдиларким:

— Аё, андин қутулмоқ мумкинму?

Ҳақим деди:

— Агар қудуқ бошига харсанг қўйилса, озод бўлиши мумкиндур.

Сўрадиларким:

— Харсанг нимадур?

Ҳақим деди:

— Ҳар бир фарзанд туғилса, ул қудуқ бошига харсанг қуёрлар.

لذتلى آوقت
بیر کون بیر حکیمدن سورادورلار قایسی
آوقت لذتلیراق دور حکیم دیدى اچلیک
غلبه قیلغان وقت دا آوقت یسالار
یخشی ولذت لیراق بولور .

Лаззатли овқат

Бир кун бир ҳақимдан сўрабдурлар:

— Қайси овқат лаззатлироқдур?

Ҳақим деди:

— Очлик ғалаба қилгон вақтда овқат есалар яхши ва лаззатлироқ бўлур.

Дордон خلاص بولیش

بیر کیشی طبیب قاشی غاباریب دیدى
مین قلونج کسلى گا گرفتار بولوبسن منگا بیر
علاج ایتینگ طبیب دیدى کیم بوگون
نه ییدینگ اول دیدى توزلانگان سیگیر
گوشتى نی ییدیم همه قاق گوشت پشاق
تاوق تهمی انار و آنخوری کوپ ییدیم
طبیب دیدیکیم اگر بوکیچه اولسانگ دارو
قیلیش دن قوتولاسن اگر اولهای
قالسانگ ایرته گا ایرته بیلان شهر نینگ
مناره سی گا چیتیپ اوزینگنی پست گا
تاشلاکین شونده گینه بو قلونج دردی دن
خلاص بولورسن .

Дарддан халос бўлиш

Бир киши табиб қошига бориб деди:

— Мен қулунж¹ касалига гирифтор бўлибман. Менга бир илож этинг.

Табиб дедиким:

— Бугун не единг?

Ул деди:

— Тузланган сигир гўштини едим ҳамда қоқ гўшт, пишлоқ, товуқ тухуми, анор ва олхўри кўп едим.

Табиб дедиким:

— Агар бу кеча ўлсанг, дору қилишдан қутуласан. Агар ўлмай қолсанг, эртага эрта билан шаҳарнинг минорасига чиқиб ўзингни пастга ташлагин, шундагина бу қулунж дардидан халос бўлурсин.

¹ Санчик.

ТУРЛАНИШ

ҳажвия

Туман ҳокимлигининг йиғинлар залида одамлар гавжум. Бугун бу ерда шахсан туман ҳокими ўринбосари Диана Таймазовнанинг ташаббуси билан «Давлат тилини ҳамма тўғри қўлай билиши шарт» деган мавзудаги мажлис режалаштирилган. Шу мақсадда маданият муассасаларининг ходимлари, жамоа хўжаликлари ва турли идораларнинг маданий ишлар бўйича мутасаддилари машваратга йиғилишган.

Мажлис одатдагидек ҳайъат аъзоларини сайлаш билан бошланди. Доимгидек, Диана Таймазовна мажлис раиси бўлди. У тўрдаги ўз жойини эгаллаб, йиғилганларга қирғий қараш қилганида баъзиларнинг юраги кўрқувдан шувиллаб кетди. Чунки бу аёлнинг райкомда масъул вазифада ишлаб юрганда кўрсатган «ташаббускор» қилиқлари кўпчилиكنи юрак ўйноғи қилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Асл қасбининг унча тайини бўлмаган, лекин ўша вақтдаги ҳукмрон тилда бурро гапирадиган бу аёл «саллани ол деса, каллани оладиганлар» хилидан эди. Шунинг учун бу оғир феъл-атворли аёлни туманинг етти яшаридан етмиш яшаригача бўлган аҳолиси яхши билади. Замона зайли билан, мана, қаранги, у энди туман ҳокимининг ўринбосари...

Ниҳоят тўрда ўтирган Диана Таймазовна, ёшига ярашмаган алфоздаги сочларига бармоқлари билан пардоз берган бўлди-да, сохта салобат билан минбарга кўтарилди.

— Уртоқлар,— дея сўз бошлади у,— бугунги собраниямиз контораларда ва бошқа жойларда давлат тилида дело юритишда, биз раҳбар ходимларнинг фаолияти ҳақида бўлади. Потому что, ҳозир (бош бармоғи билан шифтни кўрсатиб) тепадан такой приказ бор. Ну, так что биз ҳам законни практикада қўллашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Менинг планим бўйича биринчи очердада ишни вивеска-

лардаги ва эшиклардаги ёзувларни ўзбекчалаштиришдан бошлаш керак. Например, дом культурада методистни мутасадди, режиссёрни рақс ўргатувчи десак хато қилмаган бўламиз. Лекин баъзи неграмотний ўртоқлар биздан бесўроқ иш қилаётганлигига нима дейиш мумкин?... На днях, то есть... яқинда кинотеатрга борувдим. Улар инженернинг эшигига муҳандис, кассирниқига хазиначи, операторская комнатага тасвирхона деб ёзиб қўйишибди. Булар каюйта архаик сўзлар. Биз, бундай масъулиятсизликка йўл қўя олмаймиз. Билмас менадан сўрашсин, лойиқ сўзни ўзим топиб бераман. Мана яқинда бир колхоз раиси менадан: «Опа, колхоз — коллективная хозяйствования қисқартмаси эди. Колхоз аъзосини колхозчи дер эдик. Энди колхозни жамоа хўжалиги дейишмоқда. Унда аъзоларини нима деймиз», деб сўраб қолди. Шунда мен шартта колхозчини жамхўжчи дейиш керак, деган эдим, қўлларини тиззасига урганича э-хе, деб чиқиб кетди... Ҳаммамиз ҳам, ана шундай ҳозиржавоб бўлишимиз керак. Чунки халқ бундай қийин масалаларда интеллигенциядан мадад кутади. Қаерда бўлмайлик биз, давлат тилини ҳаётга жорий қилишга ўз лептамизни қўшишимиз керак. Бунинг учун мен сизларга ўз фаолиятимдан бир неча мисол келтирай.

«Маяк» колхозида дала ишларининг боришини текшириш учун тузилган комиссия состави-

да мен ҳам бор эдим. Ушанда чорвачилик фермасини ҳам кўришга тўғри келди. Мен, фермадаги дояркаларга қаттиқ танбех бердим. Чунки улар ҳамон ўзлари қарайдиган сигирларни «Даша», «Маша», «Зоя», «Вася» деган лақаблар билан аташар экан. Тезлик билан уларнинг лақабини местнийлаштириш керак, деб кўрсатма бердим. Шунақа, ўртоқлар, ҳамма жойда ташаббускор, актив бўлишимиз керак.

Шундан кейин ҳам Диана Таймазовна алмойи-алжойи мисоллар келтириб узун нутқ ирод қилди.

Машварат қатнашчилари сеҳрли эртақлар оламида сайр этаётгандек лолу ҳайрон эдилар. Не кўз билан кўрсинларки, кечагина улуғ тилда тўтидай сайраб нутқлар ирод қиладиган Диана Таймазовна бугун минг марта турланиб давлат тилида ҳам эмас, рус тилида ҳам эмас, аллақандай қоришиқ лаҳжада гапирарди. Епирай, «ўзига буй бўлолмаган ўзга энг бўлармиди», деганлари, шу бўлса керак-да. Жамиятни ана шундайлардан худонинг ўзи асрасин. Алҳазар.

Алқисса шу, мажлис ҳисоботи бу сафар ҳам котибанинг давлат тилини яхши билмаслиги сабабли одатдагидек бошқа тилда тайёрланди...

Раззоқ КАРИМ

„САВДОДА ИНТИЗМ“ дейсизми?..

... Қиёмат кунини мўмин банданинг тарозусини оғир қиладиган нарса яхши ахлоқдир.

(ХАДИСДАН)

Ҳар бир даврнинг ўз оғирликлари бор. Шу оғирликлар остида гоҳо елканг зирқирайди. Турмуш ташвишларининг ниҳоясини ўйлаб узун кўчалар бўйлаб судраласан.

Ҳа, ўйлантирадиган ўйлар кўп. Собиқ тузум бизни «фаровонлик» деб аталмиш иқтисодий тангликка бошлаб келди. Инсонлар ўртасида энг олий фазилат саналган меҳр-оқибатни, одамийлик туйғуларини хўрлаб, сарсон-саргардон йўлларга солди ва ниҳоят улкан, лекин қуруқ савлат пештахталар олдида узоқ сукутга чўмишга мажбур этди. Савдо дўконларида эса кундалик турмуш тарзи учун муҳим бўлган нарсаларнинг нархи кундан-кунга баландлаб бормоқда. Ҳар томонда бижғиб кетган сувараклардай изғиётган олибсотарлар, чайқовчилар...

Бозорга, табиийки, қуруқ чўнтак билан юрак бетлаб бориб бўлмайди. Турмуш даражасининг бир қадар оғирлашуви фақат маош билан тирикчилик ўтказадиганларнинг турмушини мушкуллаштириб қўйди. Шундай қийин дамда кўнгил бир оғир илиқ сўзга муштоқ. Ҳаммининг асаблари таранг тортилган, нарх-наволар,

наво эмас, жафо бўлиб бораётган шу кунда савдо соҳасидаги муомалаю сўхбатлар ҳам кўнгилдагидек эмаслиги кишини ранжитади. Чек билан берилаётган маълум миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам туя қилаётган, халқнинг сўнги илинжига ҳам кўз олайтираётган ноинсоф олғирлар йўқ эмас. «Чой борми?», «Йўқ!», «Гўшт борми?», «Йўқ!»... Шакар, совун ҳам йўқ. Ўзи нима бор? Омборлардаги бор нарсани «йўқ», деб кўрсатишга устаси фаранг, хоҳлаган маҳсулотини сунъий равишда тақчил қилиб қўйишга моҳир сотувчиларнинг бу тарздаги жўн жавобларидан зада бўлган харидор жимгина бир ўксиниш билан изига қайтади. Сиз ўйлайсиз: «Ростдан ҳам бу озиқ-овқат маҳсулотлари дўконларда йўқми?» Аслида бор. Фақат у моллар сирли йўллар билан пештахталардан пастга тушиб, ўз «эгаларини» топиб кетаверади.

Бундай иқтисодий қийинчиликлар даврида аввало халқни ижтимоий ҳимоя қилиш лозим. Ҳукуматимиз шундай ниятда. Аммо... тўнқасифат савдо ходимлари... Энг аввало савдода интизомни яхшилаш керак. Юқорида эслатганимиздек, шундай оғир дамда халқнинг иззатнафсига тегаётган яна бир нарса савдо соҳасида иш юритаётган кўпгина савдо ходимларининг харидорларга нисбатан қўпол муносабатидир.

Яқинда Олой бозоридаги қассобхона олдида бир воқеага гувоҳ бўлдим. Тилидан заҳар то-

миб оғзига келган сўзни қайтармаётган барзанги қассоб:

— Олсанг, ол, бўлмаса жўна! — деб бир кекса кишига муомала қиларди.

— Уғлим, отанг тенгги одам билан шундай гаплашгани уялмайсанми?

Қариянинг сўзлари қор қилмаган йигитнинг қонга тўлган кўзида, юзида совуқлик, манфурлик зуҳр топганди, ҳатто у харидор билан муштлашгудек. У киши эса дўкондан гўшт ҳам харид қилмай беозоргина ортига қайтди. Барзанги эса бировнинг дилини оғритганини ҳис қилмади, пинагини ҳам бузмади. Эскиларда шундай мақол бор: «Қутурган ит ўз эгасини қопади». Бу кўзи қонга тўлган қассобнинг ёнига тушаётган пуллар нималар ҳисобидан? Ахир ушбу бойликлар халқнинг тинимсиз қора меҳнати туфайли эканлигини улар озроқ бўлса-да, ҳис қилишлари керак эди-ку. Пичоғи ёғ устида турган шундай қассобчаларга нисбатан қандайдир изоҳ топишга ҳам қийналаркансан одам.

Маълумки, қадимги Шарқда савдо аҳли харидорлар билан ўта нозик хушмуомалада бўлиб, ўз молларини савдо қилиш билан бир ўринда, харидорлардан бир оғиз илиқ сўзини ҳам дариф тутмаганлар. Эндиликда-чи?.. Савдо соҳасида ишлаётган ходимларнинг оддий бир оғиз ширин сўзни ҳам унутиб, бунчалик тубанлашиб кетишининг сабаби ўз-ўзидан аён. Улар халқнинг эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларнинг камёблашиб кетганлигидан фойдаланиб, мўмай даромад орттириш, бирни ўннга сотиш дардига йўлиққанлар.

«Қулгиси йўқ одам дўкон очмаслиги керак», дейилади қадим хитой мақолида ҳам. Истаймизми, истамаймизми, рўзгор ташвиши учун ҳар кунни дўконга киришимизга тўғри келади. Шундай экан, савдо ходимлари авваламбор маданиятли, ширинсухан бўлишлари лозим. Аслида тижоратнинг қондаси ҳам шу.

Ҳ. АБДИНАЗАР

Хўкиз

(Латифа)

Насриддин Афанди ҳайдаб келаётган юк машинасига йўл устида жини ёқтирмайдиган бир ошнаси қўл кўтарди.

— Лаббай? — деди Афанди машинани тўхтатиб, кабинадан бош чиқариб.

— Озгина юк бор эди,— деди ғўладан келган одам Афандига тиржайиб.

— Қанақа юк?

— Очиғини айтсам, хўкиз.

— Э, майли, икковларингиз ҳам чиқақолинглар. Сизларга хизмат қилиб келганман,— деди Афанди икки хўкизни ўз машинасига олиб.

МУСАҲҲИХ

ДАФТАРИДАН

«Ер овлайдиган» (ковлайдиган) машина.
«Ёвуз (ёзув) машинкаси».
«Директор ўринсолари (ўринбосари) мажлисни бошлади».

«Ёзлар (ёшлар) нега ҳадеб муҳаббат деб сакрашади-я!! («сайрашади»)».

«Фермер жўжалиги (хўжалиги) ишлари жадал ривожланаяпти».

«Саидвақосов олтинчи палтода (палатада) ётибди».

«Алижон раққосанинг ўтинини (ўйинини) мириқиб томоша қилди».

Иван КРИЛОВ

Кийик ва дарвеш

Азиз болаларидан айрилган она Кийик Елини сутга тўлиб юрар эди армонда. Икки бўри боласин топиб олиб ўрмонда Оналиги тутдию, эмизакетди ийиб.


Бир дарвеш ўтиб қолди ўрмон аро баногоҳ, Кийикнинг бу ишидан ҳайратда қолиб ногоҳ — Деди: «Эй, ғофил банда,

Наҳотки зиғирча ҳам ақл-идрок йўқ сенда? Оқ сутингу меҳрингни кимга қиласан исроф, Ёхуд бўри зотидан кутасанми сен инсоф?

Билмайсанми уларнинг эртаю кеч оғзи қон, Бир кун келиб сенга ҳам қасд қилурлар ногоҳон?» «Бўлиши мумкин,— деди Кийик,— аммо бу ҳақда Хаёлимга заррача шубҳа-ғумон келганмас, Оналикнинг туйғуси дилда ҳайқирган чоғда — Оқ сутимни берсам бас».

Ҳақиқий эзгулик сўрмас мукофот, Хайрли иш эрур олий муддао. Кимки яхшилик-ла чиқармишки от — Яхшилик қилмасдан туролмас асло.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ таржимаси



Энига: 5. Ёғочга нақш солувчи уста. 6. Бозор иқтисодиётида, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураши. 8. Кишилар ўртасида моддий бойликни ўзлаштиришдан пайдо бўлган иқтисодий муносабат. 11. Рангли металл. 12. Бирор кимса ёки ташкилотга тегишли нарсадан ҳақ тўлаб фойдаланиш. 13. Жума намози ва ҳайит кунларида масжидда имом-хатиб томонидан айтилаётган ваъз. 16. Сўзлашув воситаси. 18. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган амирлик давлати маркази. 19. Қовун нави. 20. Дурадгорлик маҳсулоти. 24. Жумҳуриятимиз жанубидаги шаҳар. 25. Бирор соҳага хош муайян тушунчанинг ифодаси бўлган сўз. 26. Қашқадарё вилоятидаги кўриқхона. 29. Таниқли ўзбек хонандаси ва бастакори. 30. Ўтмишда қўлланилган, шарият ва одатга асосланиб фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш. 31. Таниқли ўзбек меъмори.

Бўйига: 1. «Ошиқ Ғариб» дostonи қахрамони. 2. Дуторсимон, қадимий чолғу асбоби. 3. Зукко табиб, шифокор. 4. Гумбаз шаклида қурилган сув ҳавзаси. 7. Хонадон ҳовлисининг ажратилган қисми. 9. Бошдан ўтган воқеалар ҳақидаги бадий асар. 10. Ўзбек халқ дostonи. 14. XV асрда яшаган ўзбек ғазалнавис шоири. 15. Мусиқали санъат асари. 16. Миллий мусиқа асбоби. 17. Эски ўзбек ёзувидаги ҳарф. 21. XIX асрда яшаган ўзбек шоири ва тарихчиси. 22. Туркистон тизмасидан бошланувчи дарё. 23. Масжиднинг намоз ўқилаётган хонаси. 27. Мозий давр. 28. Мамлакатимизга чегарадош давлат пойтахти.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

11—12-сонларда эълон қилинган тилсимнинг жавоби

1. Алмай. 2. «Интизор». 3. Умархон. 4. Насимий. 5. Ҳилолий. 6. Латифа. 7. Хонанда. 8. Охунова (Ҳабиба). 9. Қадрият. 10. Даққиқий. 11. Мақепа. 12. Яссавий. 13. Нозимий. 14. Шаҳзода. 15. Гораццо. 16. Ёқубов. 17. Зулайҳо. 18. Самад. 19. «Рамаяна». 20. Маҳзуна.

Ҳиқмат:

Ҳусни хулқли кишига узоқдагилар ҳам яқин.
Ёмон хулқли кишидан аҳли аёли ҳам узоқдир.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Холиджон Комилов моҳир жарроҳ ва олим сифатида кўпларнинг кўзига оламни чароғон этди. Профессорнинг падари бузрукворлари — профессор Муҳаммадҷон Комилов ҳам Ўзбекистон аҳлига маълум ва машҳурдир. Ўз фарзандлари Гулжамила Комилова билан Холиджон Муҳаммадҷоновични муносиб тиббиёт олимлари этиб тарбиялади.

1. Муқовада. Профессор Холиджон Комилов.

2. Учинчи саҳифада. Гулжамилахон жарроҳлик жараёнида.

Тахририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмахонага туширилди. 15.11.92 й. Босишга рухсат этилди 24.12.92 й.

Қоғоз бичими 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 18,8. 24732 нусхада чоп этилди. Буюртма 1392. Ваҳси сотувда 15 сўм.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700083. Тошкент, Буюк Турон кўчаси 41.



Моҳир жарроҳ Гулжамила
Комилова беморлар кўзига
оламини мунаввар этмоқда.





Индекс 75233
Баҳони сотида — 13 сун